KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL

2021, №3

Hurmatli jurnalxonlar!

"Kasb-hunar ta'limi" jurnali tahririyati sizni o'zaro hamkorlikka taklif etadi.

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta'limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta'lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg'or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O'z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g'oyalar, metodik tavsiyalar, ilg'or tajribalaringizni "Kasb-hunar ta'limi" jurnalxonlari bilan bo'lishing!

KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professonal education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal

2021-yil, 3-son

Muassislar:
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV
Bosh muharrir o'rinbosari: SH.QURBONOV
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

Z.Y.XUDOYBERDIYEV, R.X.JO'RAYEV,
SH.S.SHARIPOV, D.U.RO'ZIYEV,
A.R.XODJABAYEV, A.NABIYEV, K.GULYAMOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida 2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib, 0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dessertatsiyalar yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani Universitet ko'chasi, 2-uy
Tel.: 90-979-75-89; 94-677-90-32;

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri kelmasligi mumkin.
Tahririyatga yuborilgan maqolalar tahrir etilmaydi va egasiga qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi" jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi:_____2020-yil.
Bichimi 60x84 1/8
Bosma tabog'i 10. Adadi 60 nusxa.
Buyurtma "BUSINESS PRINT PLUS" MChJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, So'gali ota ko'chasi, 5-uy.

МУНДАРИЖА

Холмухамедов М.М. Профессионал таълимда туркум компетенцияларнинг малакавий таснифи.....2
Шин А.В. Повышение компетенций педагогических кадров в дошкольном образовании - один из важнейших направлений обеспечения улучшения качества дошкольного образования 10
Алижонов У.М. Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш йўналишлари.....17
Усанов Ш.Ҳ. Ўқитувчилар малакасини оширишда халқаро тажриба ва ундан келиб чиқадиган хулосалар 21
Сарманов Б.О. Миллий квалификация тизимининг жорий қилиниши ва ишлаб чиқариш таълими устасига қўйиладиган талаблар..... 25
Ғаффаров Ф.Ҳ. Профессионал таълимда назария ва амалий интеграцияни таъминлаш модели..... 28
Гулямов К.М. Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда махсус компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик асослари..... 34
Raximov V.SH. Sport-sog'lomlashtirish turizmi kadrlarini tayyorlash pedagogik tizimini takomillashtirishning konseptual asoslari.....38
Камбарова Д. Профессионал таълимда ўрта тиббий ходимларни амалий фаолиятга тайёрлашнинг моҳияти ва муаммолари.....43
Рахимов З.Т. Касбий компетентликни ривожлантириш касб таълими жараёнининг муҳим вазифаси сифатида.....48
Тўрабеков Ф.С., Шарипов Б.Д. Профессионал таълимда электрон ўқув-методик мажмуа орқали ўқувчилар касбий компетентлигини шакллантириш 55
Рахматуллаева Д., Бақоев О. Профессионал таълим муассасаларида тадбиркорликка йўналтирилган таълимни ташкил этиш..... 59
Каримов Ф.Ҳ. Факторы риска состояния здоровья и спортивной подготовленности спортсменов.....63
Akbaraliyeva SH. „Devonu lug'atit turk" asaridagi somatizm komponentli maqollarning lingvomadaniy xususiyati.....67
Тўраев М.Ф. Талабаларни мустақил, ижодий ва мулоқот компетенциясини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари 71
Умиров И.И. Олий таълим муассасаларида электрон таълим воситаларини жорий этишнинг педагогик хусусиятлари.....74
Худайбердиев Ш.К. Акт соҳасида касб таълими йўналиши талабаларини мобиллик компетенциясини ривожлантириш.....79
Tuxliyeva D. Sharq mutafakkirlari she'r ilmi ta'limi haqida 83
Тўраев С.Ж. Дастурий воситаларни таълим жараёнига татбиқ этиш асосида бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш.....88
Akbaraliyev SH. Masofaviy ta'limning afzalliklari va muammolari.....91
Эргашев Б.Б. Техника олий таълим муассасаларида битирувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришнинг замонавий усуллари..... 95
Абидова Д. Ўқувчиларнинг интеллектуал компетентлигини шакллантиришда ривожлантирувчи таълим технологияларининг ўрни..... 99
Мансуров Н.А. Замонавий тасвирий ва амалий саньатни ўқитишда уни идрок этишнинг методик асослари 103
Mingboyev U.X., Xolmatov P.Q. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'llash tendensiyalari..... 108
Urdushev A.G' Talabalarning kasbiy raqobatbardoshligi pedagogik muammo sifatida..... 115
Хакимова С. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришда педагогик интеграциянинг ўрни ва аҳамияти.....118
Бегимқулова В.Қ. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлаш..... 123
Адизова С.Ю. Техника олий таълим муассасалари талабаларини юқори технологияли корхоналардаги касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси ҳолати таҳлили.....127

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ТУРКУМ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ МАЛАКАВИЙ ТАСНИФИ

М.М.ХОЛМУХАМЕДОВ
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

Annotation. The article presents proposals on the list and classification of categories of competencies that should be formed in educational programs in the process of implementing a competence-based approach in the system of vocational education.

Key words: professional education, competency approach, educational programs, educational results, category competences, National qualification system, occupational standard.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармонида ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги, тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётгани алоҳида таъкидланган[1].

Шу муносабат билан бугунги кунда Ўзбекистонда Миллий малака тизимини тўлиқ жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Халқаро стандартлар асосида қабул қилинган миллий малака тизимининг жорий этилиши эса профессионал таълим дастурларининг мазмунини тубдан ислоҳ қилишни талаб қилади. Жумладан, янги ислоҳотлар тизимида "профессионал таълимнинг таълим дастурлари ва ўқитиш материаллари тўпламларини меҳнат бозорининг талаблари, тармоқ малака рамкалари ва профессионал стандартлар асосида иш берувчилар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва тизимли равишда такомиллаштириб бориш, педагог кадрларнинг методик таъминотини мустаҳкамлаш, уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаб бориш имкониятини берадиган алоҳида электрон платформани ишлаб чиқиш" [2] ҳамда "амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизимини жорий этиш, профессионал таълим муассасаларига хорижий мамлакатлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлашни ташкил этиш" [3] каби бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31декабрдаги "Малакаларни баҳолаш

[1] https://lex.uz/ru/docs/4500926/Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони

[2] https://lex.uz/ru/docs/5085887. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4884-сонли қарори

[3] https://lex.uz/ru/docs/5085999. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6108-сонли Фармони.

тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-4939-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли қарорларида[4] касбий стандартлар, тармоқ малакалар доиралари ва малака талаблари, тармоқлар малака рамкалари ва касб стандартларини шакллантириш ва амалиётга жорий этиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда барча вазирликлар ва идораларга юбориш кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, профессионал стандартлардан таълим стандартлари, таълим дастурлари, ўқув режа ва дастурларини шакллантириш тизимли равишда йўлга қўйилиши лозим.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда таълим дастурларини режалаштиришда компетенцияларга асосланган таълим парадигмасига таянамиз. Чунки, компетенцияга асосланган таълим парадигмаси, таълим натижалари (Learning Outcomes) ва компетенциялар каби педагогик категорияларга асос бўлади.

Олиб борган илмий изланишларимизда “билим - кўникма – компетенциялар” учлигига асосланган ёндашув таълим дастурларини янада самарали режалаштириш ва профессионал таълим тизимида таълим олувчиларининг стратегик мақсадига эришиш имконини бериши билан боғлиқ тадқиқотларимизнинг даслабки натижалар келтирилганмиз[5].

Шунингдек, мазкур мақолада таълим натижалари (Learning Outcomes) ва компетенциялар уйғунлигидаги педагогик категорияларни таснифлаш жараёнини бир қадар ривожлантиришга ҳаракат қиламиз. Чунки, ушбу тадқиқотларда Республикамизда профессионал таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида тўла таснифи ишлаб чиқилмаган бўлсада, компетенцияларнинг қуйидаги турлари жорий этилиши таклиф қилинган:

1. Умуммаданий компетенция (УМК)
2. Шахсий компетенция (ШК)
3. Умумкасбий компетенция (УКК)
4. Касбий компетенция (КК)

Юқорида қайд этилган компетенцияларнинг турларига куйидагича таъриф берамиз:

1. ***Умуммаданий компетенциялар*** - умуммаданий, умумбашарий ва умуммиллий қадриятлар, анъаналар негизида шаклланади. Умуммаданий компетенциялар жамиятда инсонларнинг ўзаро мулоқот ва муносабатлари жараёнида барча учун мақбул ҳамда умумқабул қилинган тартиблар асосида яшашга, шу орқали ҳаётда ўз ўрнини топишига бўлган эҳтиёж замирида юзага келади.

Умуминсоний ахлоқ-одоб, этикет, юриш-туриш, кийиниш маданиятига риоя этиш, маиший, ижтимоий-маданий, фалсафий, сиёсий саводхонлик, санъат асарлари, бадиий адабиёт, тарихни англаш, эстетик дид, кенг дунёқараш, миллий, маданий ва диний бағрикенглик, атроф-муҳитни асраш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқати кабилар умуммаданий компетенцияларнинг асосини ташкил этади.

2. ***Шахсий (soft skills) компетенциялар*** – ишчи касбнинг ўзига эмас, ҳаётий тажриба ва билимларга тааллуқли бўлган, иш жараёни ҳамда ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш имконини берадиган, муайян касб эгала-

[4] https://lex.uz/ru/docs/4814154. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли қарор

[5] .М.Холмухамедов, “Профессионал таълим ва касбга ўргатиш тизимида таълим натижалари (Learning Outcomes) асосида таълимни модернизация қилиш. “Узлуксиз таълим” илмий-услубий журнал. 2020 йил. 6-сон.

ри фаолиятида муваффақиятни таъминловчи ноакадемик, устқурма билим ва кўникмалар, шахсий фазилат, хислат, қобилиятлар, шахслараро мулоқот, ҳаётий тажрибалар, ижтимоий билимлар мажмуидир.

Шахсий компетенциялар – инсон аслияти ва характерида табиатан мавжуд бўлган ва ҳаёт давомида орттириб бориладиган билим ва кўникмаларни ўзида акс эттиради. Инсон учун бошқалар билан самарали ва уйғун фаолият олиб бориш, муваффақиятга эришиш, ижтимоий ва иқтисодий дивидент олиш орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни англашга бўлган эҳтиёж замирида юзага келади.

Самарали мулоқот, жамоада ишлаш, эркин фикрлаш, ўрганиш, мослашиш, креативлик, ассертивлик, ташаббускорлик, масъулият ва қатъият, муаммони тизимли ҳал этиш, қарор қабул қилиш, ватанпарварлик, ўзини-ўзи тақдим қилиш, шахсий ўсиш, коммуникативлик, мотивациялаш, ўз вақтини бошқариш кабилар шахсий компетенцияларнинг асосини ташкил қилади.

3. ***Умумкасбий компетенциялар*** - инсоннинг қизиқиш ва қобилиятларига мувофиқ равишда мақсадли соҳа ва йўналишларни танлаш, касбий ўзгаришларга мослашиш, профессионал мобилликни (ҳаракатчанликни) намойиш этишга тайёрлик, меҳнат ва ҳунар (касб) орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни англашга бўлган эҳтиёж замирида юзага келади.

Келажакда муайян соҳа ва йўналишда фаолият олиб боришнинг ижтимоий аҳамиятини англаш, умумкасбий фаолиятга тайёрлик, рағбатнинг мавжудлиги, билим ва кўникмаларни эгаллашга тайёрлик, умумкасбий фаолиятнинг асосий йўналишлари, умумкасбий этика, мулоқот маданиятига эгалик, ўзига билдирилган масъулият ва ишончни оқлашга тайёрлик, АКТ ва мультимедиа технологияларидан фойдаланиш, иқтисодий саводхонлик, маълумотни қайта ишлаш, асосий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш кабилар умумкасбий компетенцияларнинг асосини ташкил қилади.

4. ***Касбий компетенциялар*** – ишга (касбга) талабгорнинг, унинг билими, маҳорати ва кўникмаларининг тегишли иш ўрни (касб ва мутахассислик) бўйича аниқ меҳнат функцияларини сифатли бажаришга тайёргарлик даражасини белгилайди ва муайян касб, ихтисослик, мутахассислик фаолиятини шакллантиришга қаратилган билим ва кўникмалар мажмуини амалиётда қўллаш орқали натижадорликка эришишдан иборатдир. Касбий компетенциялар - муайян касбни пухта эгаллаш, шу касб тақозо этадиган иш ўрни талабига мувофиқ зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, иш ўрнидаги функцияларни тўлақонли бажариш орқали касбий фаолият жараёнида жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни англашга бўлган эҳтиёж замирида юзага келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қурувчи касби мисолида туркум компетециялар (УМК, ШК,УКК,КК) малакавий таснифини ишлаб чиқдик.

Бўлажак қурувчи мутахассислар учун шу касб (иш ўрни)да фаолият кўрсатишини англаш, қурувчи сифатида касбий ривожланишга тайёрлик, қурилиш объекти, лойиҳаси, қурилиш жараёни, қурилиш материаллари ҳақида фундаментал билимларга эга бўлиш, пойдевор қуйиш, ғишт териш, пайвандлаш, темирбетон конструкцияларини ўрнатиш, пардозлаш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш кабилар (ушбу касб эгасининг) касбий компетенцияларнинг асосини ташкил қилади. Биз ушбу компетенцияларнинг таълим дастурларига жорий этиш жараёнида зарур бўладиган малакавий таснифини қуйидаги 1,2,3,4-жадвалларда келтирамиз:

1-жадвал

1. Ўзбекистонда бошланғич профессионал таълимда шакллантирилади-ган умуммаданий компетенцияларнинг умумий ТАСНИФИ

Компетенция коди	Шахсий фазилат, қобилиятлар
УМК 1 **Анъанавий умуминсоний қадриятларга асосланган онгли фаолият, умумбашарий бағрикенглик**	Бошқа ирқ, миллат, динлар ва маданиятларга нисбатан бағрикенглик муносабатларига амал қилади; Бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилади; Маданиятлараро ва шахслараро ҳамкорлик моҳиятини англайди; Турли миллат кишилари ўртасида ижобий муносабат ўрната олади; Бошқа халқларнинг ҳаёти ва инсонийликнинг маънавий-ахлоқий нормаларига риоя қилади; Барча тоифадаги инсонларнинг ҳис-туйғуларини ҳурмат қилади.
УМК 2 **Экологик маданият, табиатни, атроф муҳитни асраб-авайлаш**	Атроф-муҳитни асраб авайлайди; Табиий ресурслардан фойдаланишда тежамкорликга риоя қилади; Табиат ва атроф муҳит билан боғлиқ глобал масалаларни англай олади, уларни ҳал этишда бошқалар билан ҳамкорлик қилади Ўзи яшаб турган ҳудудда табиат ва борлиқ мусаффолиги, тозалиги, озодалиги билан боғлиқ тартибларга риоя этади
УМК 3 **Демократик жамият қоидаларига, умумқабул қилинган меъёрларга амал қилиш**	Умуминсоний ва демократик тартиб-тамойиллар, ижтимоий тенглик, ошкоралик, шаффофлик ва очиқлик ва адолат мезонларига амал қилади; Жамиятда демократик этика, шахс эркинлиги, сўз ва виждон эркинлиги, жамоа манфаатлари, инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари каби тушунчаларни англайди; Коррупция, жиноятчилик, миллатчилик ирқчилик ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашда муросасизликни намоён қила олади, шахсий ва умумжамоавий хатти-ҳаракатлар ва тартибларга амал қилади.
УМК 4 **Умуминсоний ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш**	Умумбашарий этикет қоидалари, юриш-туриш, кийиниш маданиятига риоя этади; Умуммиллий, маиший, ижтимоий-маданий, фалсафий, сиёсий саводхонликка эга; Умумбашарий санъат асарлари, бадиий адабиёт, тарихни англаш, эстетик дид, кенг дунёқарашга эга. Соғлом турмуш тарзига амал қилади
УМК 5 **Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш медиа маданиятига амал қилиш**	Ижтимоий тармоқлардаги турли динлар ва кофессиялар, миллатлар, маданиятлар ва жинслараро муносабатларда мулоқот меъёрларига, умумбашарий қонуниятларга амал қилади; Ижтимоий тармоқлардаги турли контентлар, ахборотларни тушинади, фойдалана олади, танқидий таҳлил қила олади, уларга тўғри, холис ва ижобий муносабат билдира олади; Ёлғон, хурофот, стереотиплар ва ёпиқ фикрлашга, ғаразли ташвиқот, фейк ахбороти, пранкинг, рақамли таҳқирлаш, троллинг ва ҳ.к. ҳодисалар оқибатида медиамакондаги бузилишларга қарши кураша олади; Ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш, муносабат билдиришнинг ахлоқий меъёрларига амал қилади.

2-жадвал

2. Ўзбекистонда бошланғич профессионал таълимда шакллантирилади-ган шахсий компетенцияларнинг умумий ТАСНИФИ

Компетенция коди	Шахсий фазилат, қобилиятлар
ШК 1 **Ватан-парварлик**	Оилага, Ватанга, Президентга садоқат ва ҳурмат сақлайди; Ўз миллатини ва Ватанини севади, у билан фахрланади, миллий урф-одатлар, қадриятларни ҳурмат қилади; Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун ҳарбий хизматга шайлигини намоён қила олади; Ватани ва халқи, миллати учун, унинг барқарор ривожланиши учун меҳнат қилиш, фидоийлик кўрсатишга тайёр.
ШК 2 **Креативлик**	Ижодий ёндашув, янгича фикрлаш ва янгиликка интилиш, ўйлаш, таққослаш, таҳлил қилиш, тасаввур қилиш, яратиш, бунёд этиш кўникмаларига эга; Эстетик дидни ривожлантириш кўникмасига эга, ўзи яратган, ишлаб чиқарган маҳсулотнинг гўзаллиги, бетакрорлигини ҳис қила олади; Энг илғор янгликларни ўзлаштириш, ўз меҳнат фаолиятига татбиқ этиш, уларни такомиллаштириш, замонавийлаштириш устида ишлаш, мутахассислиги доирасида замонавий инновацион фаолиятга асосланган янгликларни киритиш кўникмасига эга
ШК 3 **Шахсий ўсиш**	Шахсий режаларини туза олади; Жисмоний ва ақлий сифатларини ривожлантириш учун индивидуал восита ва усулларни танлай олади; Шахсий сифатларини босқичма-босқич такомиллаштириб, ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ривожлантириб боради; Мустақил ўқиб-ўрганади, ҳаётий ва касбий тажрибасини ошириб боради, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолайди ва мустақил қарор қабул қила олади; Масъулият, фидоийлик, ташаббускорлик кўрсата олади, ҳиссиётларни, стрессни бошқариш, ўзига ишонч, қатъият, ирода ва олийжаноблик хислатларига эга
ШК 4 **Жамоада ишлаш**	Жамоада ҳамкорликдаги ижтимоий бирликка амал қилади, жамоада ўзаро англаш, тушиниш ва бирдамлик билан ишлай олади; Умумий мақсад ва муваффақиятлар уйғунлигини англайди; Жамоавий ҳаракатларни мувофиқлаштира олади, бошқаларни эшитади ва англайди, мулоқотга кириша олади; Ассертивлик кўникмасига эга – жамоа олдида ўзини тақдим (презентация) қила олади. Хушмуомулалик билан далиллар асосида ўз фикрини ҳимоя қила олади; Жамоада ўзини касб эгаси, мутахассис сифатида тақдим эта олади, ўзини таништириш, омма олдида чиқиш қилиш, мижозлар (иш берувчилар) эътиборини жалб этиш кўникмасига эга.
ШК 5 **Танқидий фикрлаш**	Иш жараёнини танқидий тактик ва стратегик, тизимли, мантиқий таҳлил қила олади, шу орқали муаммонинг ечимини топиш усулларини билади; Ахборотни танқидий таҳлил қила олади, муаммони тизимли ҳал эта олади; Ўзи ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари, эришган натижаларини холис ва адолатли баҳолай олади; Ишни энг муҳимидан бошлаш, мақсад ва вазифаларни аниқлаб олиш ҳамда уни амалга ошириш кўникмасига эга;

3-жадвал

3. Ўзбекистонда бошланғич профессионал таълимда шакллантирилади-ган умумкасбий компетенцияларнинг умумий ТАСНИФИ

Компетенция коди	Лаёқат, кўникма, қобилиятлар
УКК 1 **Коммуника-тивлик**	Оғзаки ва ёзма мулоқотўрнатиш меъёр ва тартибларига риоя қилади; Иш юритиш қоидаларига амал қилади; Хорижий тилларда мулоқот қила олади; Ўз она тилида эркин мулоқот, (суҳбат, танишув)га киришувчанлик кўникмасига эга; Турли ижтимоий вазиятларда самарали мулоқот, когнитив мослашувчанлик, хизматга мослашувчанлик, ҳамжиҳатлик, самимийлик, хушмуомалаликни намоён эта олади
УКК 2 **Рақамли кўникмалар**	Ахборот-коммуникация, масофавий, рақамли технологияларидан, радиоэлектрон қурилмалар, асбоб-ускуналар ҳамда компьютер дастурларидан самарали фойдалана олади; Касбий фаолиятда иш юритишнинг электрон шакллари, рақамли трансформация қилиш дастурлари, электрон хизмат кўрсатиш шаклларини билади ва фойдалана олади Иш берувчилар, мижозлар ва ҳамкорлар билан электрон муносабатларни йўлга қўйиш кўникмаларига эга; Онлайн хизматлар кўрсатиш, жумладан, аппарат-дастурий воситаларни реализация қилиш интернет тармоғи орқали ўз хизматларини экспорт қилиш, шунингдек, маълумотларни сақлаш ва ҳисоблаб қайта ишлаш кўникмаларига эга; Робототехника, виртуал реаллик, сунъий интеллект, криптография, «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдалана олади; Ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилади.
УКК 3 **Меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш**	Меҳнат ва техника хавфсизлиги қоидалари, стандарларига риоя қилади; Ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилади; Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсата олади; Меҳнат интизомига риоя қилади; Барча асбоб-ускуналарни, воситаларни хавфсиз ҳолатини назорат қилади; Барча асбоб-ускуналар, уларнинг хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланади, техник хизмат кўрсатади ва сақлайди; Турли вазиятларда шахсий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланади; Иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлай олади ва бартараф қилади
УКК 4 **Умумкасбий саводхонлик, соҳага (муайян касбга) оид техник-технологик янгиликлар-дан хабардор бўлиш ва ўзлаштириш**	Ускуналар, асбоблар ва бошқа инновацияон технологияларгатааллуқли сўнгги вазамонавий янгиликлардан хабардор бўлиб боради ва ўзлаштира олади; Турли маълумотлар базаларини суриштириш, маълумот олиш, ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни таснифлаш харакатларни бажаради; Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олади; Касбий фаолиятида касбига оид турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олади, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олади; Касбга доир операцион компонентлар ва қурилмаларни эксплуатация қилади; Ўлчовларни ва ҳисоб-китобларни аниқлик билан бажариш ҳамда ўлчовни аниқ олиш тартибига риоя қилади.
УКК 5 **Тадбиркорлик**	Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишда зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш тартибларини билади; Тадбиркорлик соҳасида ўз имконият ва қобилиятлари, билими ва тажрибасидан келиб чиқиб, зарур бизнес йўналишини мустақил белгилай олади; Мустақил равишда истиқболли бизнес режалар тузаолади; Тадбиркорлик учун ҳудуддаги устивор йўналишларни мустақил белгилай олади, соҳада яратилган имгиёз ва переференциялардан фойдалана олади, якка тартибда (ёки оилавий касаначилик шаклида) кичик (ўрта) бизнес юритиш тартибларини билади; Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бошланғич кўникмаларига эга; Ички ва ташқи бозорлар талаб ва таклифга мувофиқ равишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотини (кўрсатилаётган хизматни) реклама қилиш, сотиш усулларини амалиётга қўллай олади; Ҳалол даромад олиш қоидаларига амал қилади

4-жадвал

4. Ўзбекистонда бошланғич профессионал таълимда шакллантирилади-ган касбий компетенцияларнинг умумий

ТАСНИФИ

(ғишт терувчи касби мисолида)

Компетенция коди	Лаёқат, кўникма, қобилиятлар
КК 1 **Ишлаб чиқаришда тошли ишларни бажариш учун тайёргарлик ишларини олиб бориш**	Ғишт териш учун керакли материаллар, асбоб-ускуна ва мосламаларни танлаш; Ғишт териш учун оҳакли аралашма тайёрлаш; Иш жойини тайёрлаш тартибига амал қилиш; Ҳавоза ва тахтадан қилинган тўшамаларни ўрнатиш; Ғишт териш ишларини бажаришда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш лаёқатига эга
КК 2 **Турли мураккаблик даражасидаги умумий ғишт териш ишларни бажариш**	Ғишт конструкцияларидаги белгиларни бажариш; Ғишт ва кичик блоклардан ясалган девор ва устунли деворларни шкатурка қилиш ва турли хил тизимли боғлам чокларини тўлдириш ва пардозлаш; Арматурали ҳамда аралаш усулидан фойдаланиб ғишт териш; Енгил конструкцияли деворларни териш; Харсангтош ва харсангтошли бетон теришни бажариш; Турли хил ғишт материаллардан парда девор ўриб чиқиш; Деворларнинг юза қисмини териш ва девор юзасини қоплаш; Шиша блокларва шиша-темир бетондан ясалган конструкцияларни ётқизиш; Умумий ғишт ишларини бажаришда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш
КК 3 **Ғишт ва тошдан ясалган мураккаб меъморий элементларни бажариш**	Перемичка, арка, гумбаз, кубба ва турли мураккабликдаги карнизлар ва безакли деворларни териш; Девор ўришда деформацияланган чокларни йўқотиш; Қудуқ, канализация ва қувурларни ўзгарувчи кесим бўйича ётқизиш; Саноат ва гидротехник иншоотларнинг ғишт-тошли кўприк конструкцияларини териш;
КК 4 **Ғиштли бинолар қурилишида монтаж ишларини бажариш**	Пайвандлаш материаллари, мосламалар, қувват манбаи ва асбоб-ускуналарни танлаш; Пайвандланган чокларни тозалаш ва пайвандлашдан қолган сиртдаги нуқсонларни олиб ташлаш; Пайвандлаш бўйича технологик ҳужжат талабларига мувофиқ металларни дастлабки, бир вақтда (қатламлар аро) қиздириш техникасига риоя қилиш; Бутловчи қисмлар ва маҳсулотларни йиғиш; Турли фазовий ҳолатдаги деталлар, маҳсулотлар ваконструкцияларни пайвандлаш; Пайвандлаш режими параметрларини танлаш; Турли мураккабликдаги деталлар, бутловчи қисмлар, рангли металлар, қотишмалар ҳамда турли пўлат конструкциялардан тайёрланган буюмларни қўлда ёйли ва плазмали пайвандлаш ҳамда кесиш ишларини бажариш; Металлар ва қотишмалардан тайёрланган турли мураккабликдаги қисмларни кислородли кесиш (йўниш ёки майдалаш)ни турли вазиятларда бажариш; Хом ашё (пайвандлаш сим, металл, электродлар, комплектлар) ва маҳсулотлар сифатини кириш назоратини ўтказиш; Пайвандлаш жиҳозлари ва ускуналарни ишчи ҳолатини назорат қилиш; Маҳсулотларни йиғиш ва пайвандлаш технологиясини оператив назорат қилиш; Пайвандлаш ишлар хажми ва материалларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш; Бажарилган ишлар таннархини ва меҳнат сарф-харажатларини ҳисоблаш кўникмасига эга.
КК 5 **Ғишт иншоотларида гидроизоляция ишларини бажариш**	Цементли қопламани текислаш; Гидро изоляциялашда горизонтал пойдеворни рулонли материал билан қоплаш; Каналлар ва қутиларни белгиланган тартибда иссиқликни изоляцияловчи материаллар билан ўраш; Пойдеворлар ва деворларни гидроизоляция ва иссиқлик изоляцияси материллари билан изоляциялаш Горизонтал гидроизоляция қилиш; Гидроизоляция ва иссиқлик изоляция қиладиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш; Гидроизоляциялаш ишларини бажаришда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш; Бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш;

Хулоса қилиб айтганда профессионал таълим дастурларидаги таълим натижаларини белгилаш ва янги профессионал таълим жараёнини ташкил этиш ҳамда бошқаришда ушбу туркум компетенциялар асос бўлиб хизмат қилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони. https://lex.uz/ru/docs/4500926/
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4884-сонли қарори. https://lex.uz/ru/docs/5085887.
3. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннингянгитараққиётдавридатаълим-тарбияваилм-фан соҳаларинирivожлантиришчора-тадбирларитўғрисида”ги 6108-сонли Фармони.https://lex.uz/ru/docs/5085999.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли қарор. https://lex.uz/ru/docs/4814154.
5. М.М.Холмухамедов, “Профессионал таълимва касбга ўргатиш тизимида таълим натижалари (Learning Outcomes) асосида таълимни модернизация қилиш. “Узлуксиз таълим” илмий-услубий журнал. 2020 йил. 6-сон.
6. Федоров А.Э., Метелев С.Е., Соловьев А.А., Шлякова Е.В.Монография “Компетентностный подход в образовательном процессе”. Омск 2012
7. Рыжкова И. Мишина А.Компетентностный подход в современном образовании России. М 2017
8. М.М.Холмухамедов. Профессионал таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг назарий асослари. 2020 №2, Kasb-hunar ta’limi
9. К. Е.Пискунова, Л.Ю.Ерохина “Общепрофессиональные компетенции сквозь призму профессионального стандарта” Интернет-журнал «Мир науки» ISSN 2309-4265 стр.4.
10. Муслимов Н.А. “Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. - Т.: Фан, 2004 - 126 б.

ПОВЫШЕНИЕ КОМПЕТЕНЦИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ – ОДИН ИЗ ВАЖНЕЙШИХ НАПРАВЛЕНИЙ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УЛУЧШЕНИЯ КАЧЕСТВА ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

ШИН А.В
К.п.н, доцент.

Аннотация. В данной статье рассматривается результаты анализа состояния исследуемого вопроса на практике, которые свидетельствуют о важности улучшения качества подготовки педагогических кадров в дошкольном образовании, для повышения качества дошкольного образования.

Автор представил в статье системный подход к повышению качества дошкольного образования, посредством совершенствования работы и при постоянном повышении уровня подготовки педагогических кадров. Где автор отметил, что важно организовывать регулярное проведение для педагогических кадров и методистов дошкольных образовательных учреждений учебные курсы и тренинги с целью повышения качество учебно-воспитательного процесса.

В статье описаны намеченные дальнейшие шаги деятельности управления повышением качества дошкольного образования.

Ключевые слова: педагог, дошкольное образования, повышение качества образования, компетенция, образовательный процесс, учебные курсы, тренинги, профессиональная деятельность.

Во всём мире процесс глобализации набирает обороты. В связи с этим особое значение приобретает развитие общества путём качественного образования молодёжи, являющейся основной опорой в овладении современными знаниями и технологиями, во внедрении их в практику. Исходя из этого, научный анализ развития сис- темы образования, преобразований в данной сфере и имеющихся проблем становится одной из важнейших задач, стоящих перед разными отраслями науки.

В ряде ведущих научных центров и университетов мира ведутся научные исследования по вопросам развития личных и творческих способностей учащихся и студентов, стимулирования их самостоятельного мышления, перехода от традиционного обучения к модульному, ориентирования на профессиональную деятельность, вовлекая их в самостоятельную работу в процессе обучения. В этом плане важное значение имеют выводы, сделанные на основе международных исследований по результатам внедрения в сферу опыта, оправдавшего себя на практике, служащего повышению качества образования.

После обретения Узбекистаном независимости в системе образования, как и во всех сферах жизни общества, стали проводиться широкомасштабные реформы. В этом процессе, наряду с достижениями, было выявлено наличие ряда недостатков и проблем.[1]

В связи с этим в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи – “расширение сети дошкольных образовательных учреждений и коренное улучшение условий в данных учреждениях для всестороннего интеллектуального, эстетического и физического развития детей, обеспечение доступности и значительного повышения охвата детей

дошкольным образованием, повышение уровня квалификации педагогов и специалистов”[1], что, в свою очередь, приобретает особенную значимость для повышения качества образования педагогических кадров в системе дошкольного образования

Качественное образование рассматривается в современном мире как ориентир развития в национальной системе образования. Вопросами качества образования посвящена важнейшая программа ЮНЕСКО «Образование для всех», в которой четко обозначено, что качество образования является определяющим фактором в вовлечения детей в образование.

Также на заседании «круглого стола» министров образования, организованного в ЮНЕСКО в 2003 году в Париже, качественное образование было признано абсолютно признанным.

Понятие «качество» многогранно и емко. В словаре Е.С.Трегубовой [8] оно обозначено как «философская категория, выражающая существенную определенность объекта, благодаря которой он является именно этим, а не иным, это характеристика объектов, обнаруживающаяся в совокупности их свойств. Качество знаний выявляется в качестве многоаспектного анализа усвоения и применения знаний человеком в различных видах деятельности. Основными параметрами качества знаний в системе являются: полнота, глубина, оперативность, гибкость, осознанность» [там же]. В толковом словаре оно обозначено, как «степень достоинства, ценности, пригодности» и степень эта может в равной мере относиться как к вещи, так и к действию, услуге, системе.

Категория «качество образования» исследуется с точки зрения различных подходов.

Первая группа исследователей трактует это понятие как сформированный уровень знаний, умений, навыков и социально значимые качества личности [2.].

Вторая - ориентирована на соответствие совокупности свойств образовательного процесса и его результата требованиям стандарта, социальным нормам общества, личности [4.].

Третья группа - на соответствие ожиданиям и потребностям личности и общества [9]. При этом качество образования определяется по совокупности показателей результативности и состояния процесса образования (содержание образования, формы и методы обучения, материально-техническая база, кадровый состав и пр.).

Четвертая группа - на соответствие результата целям образования, спрогнозированным на зону ближайшего развития личности [6]. Качество образования рассматривается в данном подходе как совокупность характеристик образованности выпускника.

Пятая группа - на способность образовательного учреждения удовлетворять установленные и прогнозируемые потребности [2]. Качество образования здесь рассматривается как свойство, обусловливающее способность образовательного учреждения удовлетворять запросы потребителей разных уровней.

Приведенный анализ подходов к определению понятия «качество образования» позволяет выявить основания к их систематизации, а также расставить акценты в трактовке данного понятия. В широком смысле качество образования рассматривается как совокупность характеристик социально-педагогического процесса: реализации его целей, современных технологий, а также условий, необходимых для достижения динамики

положительных результатов.

В дошкольной педагогике чаще всего качество образования трактуется как определенный уровень знаний и умений, умственного, нравственного и физического развития, которого достигают обучаемые на определенном этапе в соответствии с планируемыми целями; степень удовлетворения ожиданий различных участников образовательного процесса от представляемых ДОУ образовательных услуг.

Проведённый теоретический анализ понятия качества образования позволяет сделать вывод о том, что повышению качества дошкольного образования в нашей республике, возможно благодаря комплексному использованию основных методологические подходов к оценке качества ДОО. Перечислим их.

Аксиологический подход, который вытекает из учения о ценностях, представляет собой философско-педагогическую стратегию, показывающую пути использования педагогических ресурсов для развития личности и предлагающую перспективы совершенствования системы образования. Данная стратегия заключается в развитии аксиосферы дошкольника - “системно-иерархической психической структуры”, которую образует “вся совокупность разнообразных отношений человека к миру и самому себе, порождаемых жизненными потребностями и модифицируемых системой символов и средств культуры. Отличительной чертой аксиологического подхода является то, что первоосновой воспитания и развития выступает формирование у детей нравственного сознания, которое предполагает раскрытие содержания и демонстрацию социальной и личностной значимости различных национальных и общечеловеческих ценностей, при этом акцентируется внимание на приоритете общечеловеческих ценностей.).[4; 71с.]

Социокультурный подход предполагает необходимость формирование ценностного и на его основе ответственного отношения человека к окружающему миру, как основы для «вхождения» в Культуру; организацию такого образовательного процесса и создание такой образовательной среды, чтобы формирование личности протекало в контексте общечеловеческой культуры с учетом конкретных культурных условий жизнедеятельности человека; определение содержания образования на уровне содержания современной мировой культуры; организацию взаимодействия ребенка с миром Культуры: на всех уровнях (микро-, мезо-, макро-); в рамках всех возрастных субкультур (сверстники, старшие, младшие).[4; 75]

Компетентностный подход, требующий совершенствования путей в работе дошкольной образовательной организации, использования новых форм, методов и приёмов развития образования, посредством создания иной деятельности дошкольного образования. Необходима интеграция таких научно-методических разработок, которые предусматривают инновационную деятельность, обеспечивают создание базовых компетентностей детей раннего и дошкольного возраста [56 с.]

Совершенствуя работу и качество дошкольного образования, важно постоянное повышение уровня подготовки педагогических кадров. Для реализации этой задачи важно организовывать регулярное проведение для педагогических кадров и методистов дошкольных образовательных учреждений учебные курсы и тренинги.

С целью повышения качество учебно-воспитательного процесса в период

2019-2021 учебного года проводились трехэтапные мероприятия для педагогических кадров и методистов дошкольных образовательных учреждений, где учитвалась цель, чётко определены содержание мероприятий, их организаторы и участники.

Первый этап данного мероприятия приследовал цель формирования у педагогических кадров и методистов дошкольных образовательных учреждений знаний по государственным требованиям и учебной программе «Илк Қадам». В связи с чем были оргнанизованы учебные курсы и тренинги по подготовке тренеров, где участвовали 356 педагогических кадров и методистов дошкольных образовательных учреждений в качестве тренеров со всех регионов Республики; вторая цель - формирование у педагогических кадров и методистов дошкольных образовательных учреждений умений по организации методических работ ДОУ, Для этого были организованы учебные курсы и тренинги, под руководством профессиональных тренеров, где участвовали педагогические кадры и методисты дошкольных образовательных учреждений республики. Тренер - главное действующее лицо. В ходе любого тренинга очень важную роль играет тренер, который проводит тренинг. Сведения о результатах тренингов, проведенные во всех областях Республики, представлены в (таблица 1).

Важно отметить, что по результатам начального и итогового тестирования средняя эффективность учебных курсов направленная на развитие методической компетентности для педагогов-воспитателей и методистов региональных управлений ДОО составила 25.8%.

Второй этап, предусматривал две цели, *первая цель* – изучение методики внедрения государственных учебных программ «Илк Қадам» в учебно-воспитательный процесс ДОО, были организованы учебные тренинги со стороны международного детского фонда развития «ЮНИСЕФ» , где участвовали педагоги в качестве тренеров со всех регионов Республики;

вторая цель - формирование у педагогов знаний по инклюзивному образованию детей, были организованы региональные тренинги для педагогических кадров и методистов, участвовали все педагоги и методисты ДОО Республики.

Третий этап, предусматривал цель – внедрение Государственной учебной программы “Илк Қадам” и Государственных требований к развитию детей раннего и дошкольного возраста по проведению региональных тренингов, были организованы мероприятия по подготовке национальных мастер тренеров, так же были организованы региональные тренинги, участвовали Педагоги воспитатели ДОО из каждого города, района, ещё были организованы тренинги в городах и районах, участвовали педагоги и воспитатели ДОО, охват составил 33229 педагогов и воспитателей.

А так же, по результатам начального и итогового тестирования средняя эффективность семинар тренингов для педагогов-воспитателей и методистов региональных управлений ДОО составила 30%.

Следует отметить, что активно ведётся работа с педагогическими колледжами Республики, где со стороны управления было проведено изучение деятельности по всем сферам 97 педагогических колледжей в Республики и подготовлен расширенный отчет и рекомендации для дальнейшего развития их деятельности.

Разработаны рекомендации по созданию дошкольных образовательных учреждений и организации предшкольных групп для детей 6-7 лет на базе колледжей. Разра

	Регионы	Кол-во участников	Начальный результат	Итоговый результат	Средний показатель эффективность
	Республика Каракалпакстан	30	58,2%	82,3%	24,1%
	Андижанская область	14	56,4%	86,4%	30%
	Бухарская область	24	60,3%	92%	37%
	Жиззахская область	22	58,0%	82,6%	24,6%
	Кашкадарьинская область	26	54,7%	86,9%	32,2%
	Навойинская область	18	56,2%	88,2%	32%
	Наманганская область	51	62,3%	90%	27,7%
	Самаркандская область	41	64,5%	90%	25,1%
	Сырдарьинская область	23	59,8%	86,3%	26,7%
0	Сурхандарьинская область	21	54,3%	88,6%	34,3%
1	Ташкентская область	25	59,6%	90%	31,4%
2	Ферганская область	30	60,3%	91,2%	31%
3	Хорезмская область	10	51,2%	82,1%	31%
4	Город Ташкент	21	66,5%	92,3%	25,8%

Таблица 1.
Результы учебного курса по подготовки трененров

ботаны предложения по подготовке педагогических кадров для ДОО на контрактной основе, а также организация центров повышения квалификации на базе колледжей находящиеся в центрах областей.

Совместно с Государственной инспекцией по надзору за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Министерством дошкольного образования Республики Узбекистан проводилась аттестация педагогических кадров ДОО с высшим образованием для получения категории.

Следует также отметить, что в 2019-2021 годах для прохождения аттестации было подано заявок для получения II категории от 3762 педагогов-воспитателей, на сегодняшний день получили II категорию 1165 педагога воспитателя ДОО.

Говоря о результативности проводимых мероприятий, направленных на повышение качество дошкольного образования, важно отметить, что эти мероприятия нужно проводить постоянно.

И перспективно намечено проведение аттестации педагогов ДОО с высшем образованием для получения ими II категории, должна проводиться комплексная работа с педагогическими колледжами Республики по организационной и учебно-воспитательной деятельности, а также организация ДОО и курсы предшкольной подготовки детей 6-7 лет;

Постоянно организовывать семинары и тренинги для воспитателей по духовно-просветительской работе и по повыше-

ния методических компетенций.

Так же проведение тренингов для педагогов по внедрению Государственной учебной программы “Илк қадам” и Государственных требований к развитию детей раннего и дошкольного возраста.

В 2019 и 2020 годах был организован и проведён республиканский этап конкурса «Лучший воспитатель года», где были определенны и награждены победители по пяти номинациям, также отдельно награждены дипломами.

В целях подготовки научных кадров, стажировки и повышения квалификации педагогических кадров в зарубежных странах в 2019 году из числа сотрудников системы дошкольного образования на основе отбора представлены кандидатуры: в фонд «Эл-юрт умиди» 97 кандидатур специалистов; в институт подготовки перспективных кадров о изучения проблем молодёжи при Государственной академии управления при Президенте Республики Узбекистан для обучения на 4 месячных курсах 37 кандидатур специалистов; в Государственную Академию управления при Президенте Республики Узбекистан: магистратура 19 кандидатур специалистов; переподготовка (4месячная) 24 кандидатур специалистов; переподготовка (10 месячная) 8 кандидатур специалистов.

На основе вышеизложенного можно сделать вывод о том, что были выявлены проблемы и определены пути их решения, для более эффективного повышения качества дошкольного образования:

Перечислим данные проблемы и пути их решения.

1. Несмотря на то, что были проведенны семинары, тренинги и учебные курсы, методическая компетенция воспитателей остаётся на низком уровне. С целью устранения данной проблемы выдвинуты следующие пути их решения:

- создание методических центров на базе педагогических колледжей с методической помощью воспитателей. Систематически проводить учебные курсы и тренинги в конце недели;

-. проведение семинар-тренингов тренерами, подготовленных Министерством дошкольного образования и ЮНИСЕФ;

- повышение ответственности методистов ДОО и РайОДО.

2. Низкий удельный вес педагогических кадров с высшим образованием (32 % воспитателей с высшим образованием, 68 % со средним образованием).

Для устранения данного недостатка предлагается:

- привлечение в ново-открываемых ДОО выпускников ВУЗов и курсов переподготовки;

- организация курсов переподготовки для педагогов других направлений;

- увеличение квот приёма в ВУЗы.

В то же время намечены дальнейшие шаги деятельности управления повышением качества дошкольного образования, К ним относятся: разработка, утверждение концепции по дальнейшей деятельности педагогических колледжей; комплексная работа с педагогическими колледжами Республики по организационной и учебно-воспитательной деятельности, а также организация ДОО и курсов предшкольной подготовки для детей 6-7 лет; организация методических центров для помощи воспитателем ДОО на базе педагогических колледжей;проведение аттестации педагогов ДОО с высшим образованием для получения ими I категории; изучение педагогической деятельности воспитателей путем оценивания знаний и умений по профессиональной деятельности; проведение региональных семинаров, тренингов по внедрению Государственной программы «Илк Кадам» и использованию инновационных технологии в образовательном процессе и учебных се-

минаров по внедрению 5 инициатив Президента Республики Узбекистан; совместная работа с высшими образовательными учреждениями Республики Узбекистан и зарубежных стран.

Таким образом, можно выделить следующие интегральные критерии оценки ДОО, которые определяют качество дошкольного образования: обеспечение благополучия ребенка, его комфортного пребывания в детском саду; готовность детского сада к сохранению здоровья ребенка, обеспечению необходимой коррекции недостатков развития; ориентированность дошкольного образования на успешность ребенка на следующей ступени образования; удовлетворение потребностей семьи и ребенка в услугах дошкольных образовательных учреждений.

Решение проблем повышения качества дошкольного образования в ДОО требует системного подхода к его оценке. Важным условием объективности являются систематичность и регулярность процедур сбора и экспертизы данных о качестве образовательной деятельности ДОО.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» УП № 4947 от 7 февраля 2017 года // Учитель Узбекистана. – Ташкент, 2017. – № 6 (2453). – 10 февраля. – С. 2.
2. Байдемко, В. И. Компетенции в профессиональном образовании (к освоению компетентностного подхода) [Текст] / В.И. Байденко // Высшее образование в России. - 2004. - № 11. — С. 17-22
3. Бондаревская, Е.В. Теория и практика личностно-ориентированного образования [Текст] / Е.В. Бондаревская. - Ростов н/Д.: Издательство Ростовского педагогического университета, 2000
4. Бордовский, Г.А. Управление качеством образовательного процесса – Рыбинск: филиал ЯГПУ, 2012. – 71с.
5. Карелина И.О. Дошкольная педагогика: курс лекций: учебно-методическое пособие. – Рыбинск: филиал ЯГПУ, 2012. – 71с.
6. Компетентностно-ориентированный подход в образовании детей дошкольного возраста: сборник науч.-метод. работ / под ред. О.В. Дыбиной [и др.].- Тольятти, 2008. -156 с.
7. Панасюк, В.П. Научные основы проектирования педагогических систем внутришкольного управления качеством образовательного процесса: монография; М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1999. 88с.
8. Трегубова, Е.С. Система качества в медицинском вузе. Мониторинг качества: монография ГТекст1 / Е.С. Трегубова. - СПб.: Изд-во СПбГМА им. И.И. Мечникова, 2008.- 208 с.
9. Шишов, С.Е. Школа: мониторинг качества образования [Текст] - М., 2000.
10. Юсупалиева, Д. К. Дошкольное образование в Узбекистане: тенденции и современное // Молодой ученый. — 2021. — № 22 (364). — С. 492-495. — URL: https://moluch.ru/archive/364/81473/

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

У.М. АЛИЖОНОВ
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация.Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида кундузги таълим шакли билан параллел сиртқи, кечки ва дуал таълим шаклларида ҳамда қисқа муддатли касбга ўқитиш курсларида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Профессионал таълим, касбга ўқитиш, ўқув курси, сиртқи таълим, кечки таълим, дуал таълим.

Аннотация. В данной статье рассматривается подготовка кадров отвечающих требованиям рынка труда, в параллельных заочных, вечерних и дуальных формах обучения с формой дневного обучения в системе профессионального образования, а также на краткосрочных курсах профессиональной подготовки.

Ключевые слова: Профессиональное образование, обучение к профессию, учебные курсы, заочное образование, вечернее образование, дуальное образование.

Annotation. In this article, the training of Personnel Meeting the requirements of the labor market in parallel correspondence, evening and Dual education forms with the form of daytime education in the professional education system, as well as in short-term vocational training courses is covered.

Key words: Professional education, vocational training, training course, correspondence education, evening education, Dual education.

Халқаро меҳнат бозори талаблари, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар даврида замон талабларига мос малака ва кўникмаларга эга рақобатбардош ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашни, касб-ҳунар таълим соҳасида янги тизимни — халқаро андозаларга мос янги профессионал таълим тизимини талаб қилди. Натижада касб-ҳунар таълими соҳасида ҳам давлат сиёсати тубдан ўзгарди.

Президентимиз томонидан соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш ва замонавий профессионал таълим тизимини барпо этишнинг мақсад ва устувор вазифалари, бир сўз билан айтганда, соҳанинг янги миссияси белгилаб берилди. Ушбу миссиянинг моҳияти янги сифат ва форматда инсон ресурсларини ривожлантириш, ёшларда ички ва ташқи меҳнат бозори талаб қилаётган амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларнинг Ватанга муҳаббатини, халқига садоқатини юксалтиришдан иборатдир.

Ана шу миссияни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги профессионал таълим тизими, яъни 339 та касб-ҳунар мактаблари, 194 та коллежлар ва 191 та техникумлар фаолияти йўлга қўйилди.

Янги ташкил этилган профессионал таълим муассасаларига жами 183916 нафар ўқувчи-ёшлар қабул қилиниб, бугунги кунда уларга замонавий касб-ҳунар сирлари малакали педагог кадрлар тамонидан ўргатилиб келинмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг 79217 нафари касб-ҳунар мактабларига, 53943 нафари (шундан 9192 нафари давлат гранти асосида) коллежларга ҳамда 50756 нафари (шундан 8051 нафари давлат гранти асосида) техникумларга ўқишга қабул қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон тарихида янги профессионал таълим тизимини таш-

кил этишга асос бўлган бўлса, 2020 йил 24 январда давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида "Жорий ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ташкил этилади"[1] деб мазкур тизимнинг аҳамиятини яна бир бор алоҳида таъкидлади.

Бунда иқтисодиётнинг барча тармоқлари баробарида тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий бизнес, томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби тез суръатларда равнақ топаётган соҳалар учун ишчи касблар бўйича малакали кадрлар тайёрланиши кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони билан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди.

Ўзбекистон меҳнат бозори учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда ушбу профессионал таълим муассасалари тармоғи муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда мавжуд иш ўринларининг асосий қисмида айнан профессионал таълим муассасаларида битирувчиларга бериладиган малака даражалари талаб этилиши ёшлар ўртасида ушбу таълим муассасаларида ўқиш истагини янада кучайтирмоқда.

Мазкур Фармонга мувофиқ 2020/2021 ўқув йили учун профессионал таълим муассасаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва олий таълим муассасалари таклифлари асосида қабул параметрлари шакллантирилди ва қабул жараёнлари илк бор онлайн ҳужжат топшириш тартибида ташкил этилди.

Ўтган ўқув йилида янги ташкил этилган профессионал таълим муассасаларига жами 183 минг 916 нафар ўқувчи-ёшлар қабул қилиниб, бугунги кунда уларга замонавий касб-ҳунар сирлари малакали педагог кадрлар тамонидан ўргатилиб келинмоқда. Жумладан, ўқувчи-ёшларнинг 79217 нафари касб-ҳунар мактабларига, 53943 нафари (шундан 9192 нафари давлат гранти асосида) коллежларга ҳамда 50756 нафари (шундан8051 нафари давлат гранти асосида) техникумларга ўқишга қабул қилинди. (1-жадвал)

Кўплаб ота-оналарнинг мурожаатларидан келиб чиқиб ҳамда ёшларга касб ва мутахассислик эгаллаш имкониятини кенгайтириш мақсадида 2020/2021 ўқув йили учун коллеж ва техникумларга 21034 нафар ёшларни тўлов-контракт асосида қўшимча равишда қабул қилиш имконияти берилди.

Шунингдек, коллеж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур тоифаларга кирувчи жами 1157 нафар ўқувчилар тўлов-контрактлардан озод этилиши давлат гранти асосида ўқитиш таъминланди.

2021/2022 ўқув йилида профессионал таълим муассасаларида кундузги таълим шаклига қўшимча равишда кечки ва сиртқи таълим шаклларини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартда-

[1] Ўзбекистон РеспубликасиПрезиденти Шавкат Мирзиёевнинг2021 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси

ги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сон қарорига мувофиқ дуал таълим принципларини жорий этилиши ёшларни касб ва мутахассисликларни эгаллаш имкониятларини янада кенгайтирди.

2021/2022 ўқув йили учун профессионал таълим муассасаларига сиртқи таълим шаклига жами 37990 нафар, кечки таълим шаклига 15768 нафар, дуал таълим шаклига 7181 нафар ўқувчиларни қабул қилиш квоталари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва М.Улуғбек туманларига ташрифи давомида берилган топшириқлари ҳамда Яшнобод туманида жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган 13-сон учрашув баёни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги 10 та профессионал таълим муассасаларида 15 та йўналиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиладиган профессионал таълим муассасаларини ўрганиш бўйича масъул ходимлар бириктирилиб, тасдиқланган саволнома асосида таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари, муҳандислик коммуникация тармоқлари, мавжуд жиҳозлари, педагогик кадрлар салоҳияти, касбга ўқитиш йўналишлари бўйича ўрганилиб, маълумотлар таҳлил қилинди.

Шу билан бирга профессионал таълим муассасаларида “Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш” қисқа муддатли ўқув курслари учун ўқув режа ва модуллари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Савдо саноат палатаси билан биргаликда тасдиқланди.

Асосий таълим дастурларига қўшимча равишда ҳудудлардаги меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини қисқа муддатли ўқув курсларига ўқитиш мақсадида балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик, лимончилик, қуёнчилик, иссиқхона ва парник хўжаликлари конструкцияси монтажчиси бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда қисқа муддатли ўқув курсининг ўқув режа ва модуллари ишлаб чиқилди.

Қисқа муддатли курсларни ташкил этишда тармоқ вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, улар билан ҳамкорликда қисқа муддатли курсларнинг методик таъминоти яратилди ҳамда тегишли касблар бўйича курслар ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг “Қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 17 апрелдаги 2, 29қ/қ ва 001-сон қарори қабул қилиниб, 11 та касбларнинг ўқув режа ва модуллари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августда “Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги кенгайтирилган тарзда ўтказилган 65-сон видеоселектор мажлиси баёнининг 40-банди, “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори ижроси юзасидан 20 та касблар бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этилди.

Шунингдек, қолган ҳудудлардаги 100 та туман(шаҳар)лардаги профессионал таълим муассасаларида ишсиз ёшлар, касб-ҳунар эгаллаш истагида бўлган фуқаролар учун касбга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Аҳолига айниқса иш билан банд бўл-

маган аёллар ва ёшларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича иш берувчилар билан 54 та йўналиш бўйича қисқа муддатли дастурлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурлар асосида Қурилиш, Ҳунармандчилик, Тикувчилик, Ахборот технологиялари, Маиший хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишлари ва Тадбиркорликка ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳрида 10 та, Хоразмда 7 та, Сирдарёда 2 та, шу билан бирга республикадаги 26 та коллеж ва техникумларда, касбга ўқитиш марказлари мавжуд бўлмаган 100 та туманлардаги касб-ҳунар мактабларда қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Умуман олганда ёшлар ва ишсиз аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар учун жами 271 та профессионал таълим муассасаларида 21 та касб бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. Мазкур қисқа муддатли курсларда 764 та гуруҳлар шакл лантирилиб, жами 26044 нафар ўқувчи ўқитилмоқда. Шундан, 12579 нафари хотин-қизларни ташкил этади. 5192 нафар ўқувчи қисқа муддатли курсларни тамомлади ҳамда уларга ўрнатилган тартибда тегишли намунадаги сертификатлар берилди.

Қисқа муддатли курс битирувчилари учун QR-код тизимига уланган давлат намунасидаги сертификатлар бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Бизнингча, Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

профессионал таълимни 2035 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

педагог кадрлар касбий маҳорати ва амалий кўникмаларини ривожлантириш;

хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

инклюзив таълимни ривожлантириш ва энг асосийси таълим сифатини таъминлаш;

иш ўринларини сертификатлаш, бунда биринчи навбатда инсон саломатлиги билан боғлиқ иш жойларида тегишли малакага эга бўлган шахсларни ишлашга рухсат бериш тизимини жорий этиш;

2022-2026 йилларда профессионал таълим муассасаларининг моддий техник базани модернизация қилиш ва амалиётга боғлаш;

ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш;

таълимни рақамлаштириш ҳамда таълим жараёнида ва таълим дастурларини ишлаб чиқишда иш берувчиларнинг иштирокини ошириш;

ёшларни биринчи касб ёки мутахассисликни эгаллаш имкониятларини таъминлаш;

дуал таълимни халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш ва бу борада дуал таълим концепциясини ишлаб чиқиш;

нодавлат профессионал таълим ташкилотларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни/ https://lex.uz/docs/5013007
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрда ПФ-5812-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сон қарори.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА УНДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ХУЛОСАЛАР

Ш.Ҳ.УСАНОВ
Педагогик инновациялар институти бош мутахассиси

Annotatsiya. Мазкур мақола ҳар қандай давлатда ўқитувчиларнинг касбий фаолияти сифатини оширишнинг энг самарали усули бўлган малака оширишнинг ўзига хосликларини қиёслашга бағишланган. Ривожланган давлатлардаги ўқитувчиларнинг малакасини оширишдаги ўзига хос жиҳатлари мамлакатимиздаги ўқитувчилар малакасини ошириш тизимига халқаро тажрибани олиб кириш, таълим муассасасида малака ошириш ва педагогик тадқиқотларни ташкил этишга туртки бўлиши мумкин.

Kalit so‘zlar: (малака ошириш, ижодий ўқув таътили, мустақил малака ошириш, модулли-кредит, модератор, ментор, педагогик тадқиқот .

Педагоглар малакасини оширишнинг самарали тизими – ҳар қандай мамлакат ўқитувчиларининг касбий фаолияти сифатини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Турли мамлакатларда бу борада турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, малака ошириш тизимларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қиёсий таҳлили, афзаллик ва камчиликлари таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалар баён қилинади.

АҚШ, Франция, Сингапур давлатларида педагогика олий ўқув юртини тугатиш, мактабда дарс бериш ҳуқуқини бермайди. Бунинг учун бир неча ойдан бир йилгача махсус малака ошириш курсида ўқиш ёки малакали ўқитувчига шогирд тушиб, мактабда ишлаш ҳуқуқини, яъни ваколатли ташкилот олдида ўз лаёқатини тасдиқлаши, назарий имтиҳон топшириши ва амалий дарс бериши керак бўлади [1,2,3].

Ҳалқаро тажрибада малака оширишда муассаса раҳбарининг ролига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Раҳбар ходимларини қўллаб қувватлаши, маслаҳат кенгашларини ўтказиши, бунда ходимларнинг карьера қилиши билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлаши таълим сифатини оширишга таъсир қилмоқда. Кўпгина давлатларда болаларга таълим берадиган муассасаларда узлуксиз малака ошириш иш фаолиятини ташкил қилишнинг мажбурий шартларидан бири ҳисобланади.

Чет элда тажриба орттириш ҳорижий стажировкалар (Сингапур, Хитой (Шанхай)), ижодий ўқув таътили (Жанубий Корея, Сингапур, Австралия ва бошқалар), мустақил малака ошириш (Японияда тасдиқланган режа асосида мустақил равишда ўз малакасини оширадиган ўқитувчиларга ойлик иш ҳақининг 10% миқдорида қўшимча ҳақ тўланади) каби замонавий малака ошириш турларидан фойдаланилади [3,4,5]. Жанубий Корея, Сингапур ва Финляндияда ўқитувчи ҳар йили малакасини ошириши шарт. Францияда ҳар 2 йилда, Хитойда ҳар 3 йилда бир марта малака ошириши белгиланган [4,6]. Бу мамлакатларда педагогнинг малакасини ошириши унинг ойлик маошининг ошишига ва лавозимга кўтарилишига имкон беради.

Ўқитувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб тузиладиган динамик дастурлар ривожланган давлатларнинг деярли барчасида, модулли-кредит дастурлари эса Жанубий Корея, Сингапур, Хитойда қўлланилмоқда.

Малака ошириш самарадорлигини ошириш учун ўқитишнинг илғор ва самарали методларини қўллашга йўналтирилган олий таълим, малака ошириш ва умумий ўрта таълим муасасалари ўртасидаги ҳамкорлик (АҚШ), мактаб ўқитувчилари эҳтиёжидан келиб чиқиб, малакали ўқитувчи-модератор томонидан мактаб ёки бир неча мактаб ўқитувчиларининг ҳафтадаги ижодий кунларида ташкил қилинадиган махсус малака ошириш курслари ва семинар-тренинглар (Жанубий Корея, Сингапур, Хитой, Германия)лардан унимли фойдаланилмоқда [5,6].

Малака ошириш курси учун тўловларни қоплаш бир вақтнинг ўзида уч томонлама: педагог ходим, иш берувчи ва давлат томонидан (Финландия, Австралия, Чехия, Япония) амалга оширилади. Бироқ, баъзи мамлакатларда (Норвегия, Ирландия, Янги Зеландия) педагогик ходим малака ошириш курслари учун тўловлардан озод қилиниб, тўловни давлат ва иш берувчилар ўз зиммасига олишган [5].

Сўнгги пайтларда малака оширишда онлайн-курслар оммалашмоқда. Мисол учун The International Step by Step Association (ISSA) халқаро ташкилоти таклиф этаётган Kindergarten Teachers that Make a Difference онлайн-курсини келтириш мумкин [7]. Бу курс бола психологияси назарий маърузалар курси, болалар билан ишлашда ностандарт ҳолатлар бўйича видеороликлар, педагогларнинг ўз тажрибаси билан бўлишадиган интернет-форумлардан ва бошқалардан иборат.

Австралияда устозлар амалиёти (The Professional Mentoring Program for Early Childhood Teachers) етарлича оммалашган [8]. Бу малака ошириш дастури доирасида ёш педагогга тажрибали педагог бириктирилиб, биргаликда болалар билан машғулотлар ўтади, жараёнда ёш педагог зарур тажриба орттириб боради. Бундан ташқари ёш педагог малака ошириш курсидан кейин ҳам устозидан исталган фаолиятига оид саволларга жавоб олиб бориши мумкин. Устоз бир неча йиллар раҳбарлик қилиб боради.

Германияда бошқа давлатлардан кўчиб келаётганларнинг мигрант-болалари учун ижтимоий мослашувчанлигини оширишга қаратилган немис тилини ўргатиш билан боғлиқ малака ошириш курслари кўпроқ оммалашмоқда [9]. Ҳудди шундай курслар Францияда ҳам оммалашмоқда.

АҚШда турли касб ўргатувчи ташкилотлар ва ассоциациялар мавжуд бўлиб, турли соҳа педагоглари учун турли қисқа муддатли ва бир кунлик семинарлар (workshop) ташкил қилишади. Бу тадбирларда қатнашиш учун ташкилий тўловлар кўзда тутилган. Бундан ташкари АКШда кўплаб касбга оид конференциялар ташкил этилади. Бу конференциялар турли штат ва мамлакатлардан келган педагоглар учун ўзига хос мулоқат, тажриба алмашиш майдони ҳисобланади [10].

Америка педагоглари (боғча, мактаб) учун ҳар йили касбий маҳоратини ошириш режасини олдиндан тузиб чиқиш тавсия этилади. Таълим муассасаси ўзининг тарбиячиси ёки педагоги учун формал малака ошириш курсларида қатнашиши учун тўловларни тўлаш имконияти бўлмаган ҳолда, АҚШда ривожланган ментор тизими курсларни тинглаш имкониятини тўлиқ яратиб беради. Таълим тизими “ветеран”лари эса педагогларга ўз тажрибаларини ўргатиш ва ёш педагогларни психологик қўллаб-қувватлаш ишларини олиб боришади [10].

Жанубий Кореяда синфда ёки гурухда иш жараёнида малака оширишга катта эътибор беришади. Бу касбий маҳоратни ошириш жараённи ифодалаш учун махсус «педагогик тадқиқот» (teacher research) терминини ишлатишади. Бундай тадқиқот

экспериментал характерда бўлиб, у ёки, бу педагогик методикани реал дарс жараёнида самарадорлигига баҳо бериш имконини беради. Бу тадқиқотлар натижалари ҳамиша ҳам чоп қилинавермайди, натижалар педагоглар ҳамжамияти учун жуда аҳамиятли бўлиб, тадқиқот якунлари бўйича педагоглар бир-бири билан баҳам кўришади. Кореяда бундай педагогик тадқиқот ўтказиш мактабгача ва умумтаълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

Данияда эса касбий маҳоратни оширишнинг анъанавий ташкил этиш шакллари билан бирга ҳозирда педагогик жамоада ўзаро тажриба алмашишни енгиллаштириш мақсадида электрон ресурслар (e-learning)дан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Шундай қилиб, малака оширишни ташкил этишда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, педагогларнинг касбий маҳоратини оширишнинг кўплаб вариантлари ва ёндашувлари мавжуд.

Хулоса ва тавсиялар:

малакали ва педагогик салоҳиятли ўқитувчилар тоифалари учун малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

Мактаб ва профессионал таълим муассасаларда малакали модератор ўқитувчилар ёрдамида ташкил қилинадиган доимий ҳаракатдаги курсларда, режали малака ошириш курслари ва семинар-тренингларда, ўқитувчилар уюшмалари ва ассосациялари томонидан ташкил қилинган семинар-тренингларда, нодавлат малака ошириш таълим ташкилотларида малака оширишни ташкил қилиш тавсия этилади;

Малака оширишдан малака оширишгача даврда соатларни йиғиб бориш механизмини жорий қилиш;

Тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари асосида), билвосита малака ошириш (таълим дастурларисиз) турлари спектридан фойдаланиш;

Малака ошириш машғулотларида инновацион технологиялар ва методлар: "тажриба” + "рефлексия” = "ривожланиш" формуласи асосида бошқа ўқитувчиларнинг ва ўз фаолиятини рефлексив кузатиш ва фаол амалиёт, конкрет вазиятлар таҳлили (кейслар), лойиҳа иши, кичик тадқиқот, муаммоли вазият, микродарс, видеомаъруза, мунозара, дискуссия, офф-лайн маслаҳатлар, видеоконференциялар, тренинг, ишбоп ўйинлар, ижодий ҳисоботлар ва тақдимотлар, масофавий таълим технологиялари ва методларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

Малака ошириш натижаларининг ўқитувчининг кейинги фаолиятида тоифасини ёки маошини оширишда, аттестацияда ҳисобга олиш механизмини жорий этиш;

Ягона малака ошириш порталини ишга тушириш. Унда малака оширишнинг ва ўқитишнинг энг самарали инновацион технологиялари ва ўқитувчиларнинг илғор педагогик тажрибалари ҳақидаги маълумотларни қўйиш ва оммалаштириш. Ҳар бир ўқитувчининг портфолиолари жойлаштиришлари учун шахсий кабинетлар очиш, уларга тегишли логин ва паролларни бериш. Ўқитувчилар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш;

Малака ошириш дастурларида ўқитувчилар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб танлайдиган модуллар сони ва уларга ажратилган соатлар миқдорини ошириб бориш;

Малака ошириш дастурларини жамоада ишлаш ва турли интерфаол методлар асосида ташкил қилинадиган амалий машғулотлар, семинар-тренинглар ва ўқув амалиёти ҳамда кўчма машғулотлардан иборат қилиб тузиш. Битирув малака иши бўйича индивидуал равишда иш олиб боришига алоҳида эътибор бериш ва унинг ҳимоясида тингловчининг шахсий ёндашувини эътиборга олиш;

Малака ошириш машғулотларини:

фаол маъруза, ҳикоя ёки мунозара шаклидаги семинар, дарсларни кузатиш, дарс ўтиш, дарсни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда бошқа амалий фаолиятларга оид амалий машғулот, тажриба алмашиш, ўқув экскурсиялари ва кўчма машғулотлар ҳамда якуний назоратга тайёрланиш дарсларидан иборат қилиб ўтиш;

Малака ошириш мазмунига замонавий ёндашувлардан келиб чиқиб, малака ошириш курси дастурлари қуйидаги модуллардан иборат бўлиши тавсия этилади:

• Таълимга оид сўнгги йиллардаги асосий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни.

• Педагогик компетентлик ва ўз касбий фаолияти мазмуни ва хусусиятларини тизимли англаш;

• Дарс берадиган фани бўйича билимларини модернизация қилиш ва бойитиш;

• Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш;

• Инновацион ёндашув ва илғор тажрибаларни жорий этиш;

• Педагогнинг ижодий (креатив) фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш;

• Педагогнинг рефлексив (ўз фаолиятини баҳолаш) кўникмаларини шакллантириш.

• Таълим муассасаларида ўқитувчининг билим савиясини аниқлаб бориш механизмини яратиш. Бунда педагогнинг билим, кўникма ва малакалари олий ва касб-ҳунар (профессионал) таълим муассасаларида қўйилган талабларга мос келмайдиган ҳолатлар аниқланганда педагог томонидан ўз маблағи ҳисобига малака ошириш тизимини жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Слюсаренко В.А. Тенденции развития системы повышения квалификации // Современная педагогика. 2017. № 2 [Электронный ресурс]. URL: http://pedagogika.snauka.ru/2017/02/6787 .
2. Жуковский И. В. Информационное обеспечение учительских кадров во Франции // Инновации в образовании. – 2002. – № 3. – С. 34–40
3. Мязина О.Ю. Анализ системы повышения квалификации учителей в зарубежных странах . – Известия ВГПУ, №2(261), 2013 г. Педагогические науки
4. Никитин, Э. М. Зарубежный опыт повышения квалификации педагогических кадров [Текст] / М. Никитин. – М.: Знание, 1995.
5. Е. С. Заир-Бек, Анализ европейских моделей повышения квалификации учителей как источник развития непрерывного педагогического образования в педагогическом университете, Журнал “Актуальные проблемы современного образования”, 2014, №3, 36-45 стр.
6. Котельникова Н. Н. Инновационные формы повышения квалификации учителей в Китае [Текст] // Педагогика: традиции и инновации: материалы Междунар. науч. конф. (г. Челябинск, октябрь 2011 г.).Т. II. — Челябинск: Два комсомольца, 2011. — С. 151-153. — URL https://moluch.ru/conf/ped/archive/19/974.
7. https://ktul.com/news/local/kindergarten-teacher-making-a-difference.
8.www.vu.edu.au/sites.
9. Грачева Е. Ю. Формы проведения занятий в Центре повышения квалификации немецких учителей [Текст] // Педагогика: традиции и инновации: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Челябинск, октябрь 2012 г.). — Челябинск: Два комсомольца, 2012. — С. 209-211. — URL.
10. http://nauka-pedagogika.com/pedagogika-13-00-08/dissertaciya-teoriya-i-praktika-povysheniya-kvalifikatsii-uchiteley-ssha

МИЛЛИЙ КВАЛИФИКАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

САРМАНОВ ОБИДЖОН БАХОДИРОВИЧ
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги етакчи мутахассиси
ПИ ва КҲТТБПККТ ва УМОинститути мустақил изланувчиси (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизда миллий квалификация тизимини жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари, миллий квалификация тизимининг таркибий қисмлари, тармоқ квалификация рамкасида ишлаб чиқариш таълими усталарига қўйиладиган талаблар ёритиб берилган.

Таянч иборалар: ишлаб чиқариш таълими усталари, Квалификация, миллий квалификация рамкаси, тармоқ квалификация рамкаси, профессионал стандартлар, компетенция.

Annotation: This article discusses the legal basis for the implementation of the National qualification system in our country, the components of the national qualification system, the requirements for masters of industrial education in the network qualification system

Keyword: Master of industrial training, qualification, national qualifications framework, industry qualifications framework, professional standards, competence

Аннотация: В данной статье рассматриваются правовые основы внедрения Национальной квалификационной системы в нашей стране, компоненты национальной квалификационной системы, требования к мастерам производственного образования в сетевой квалификационной системе

Ключевые слова: Мастер производственного обучения, квалификация, рамки национальных квалификаций, отраслевая рамка квалификаций, профессиональные стандарты, компетенция.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ва иқтисодиётлари учун энг муҳим вазифалардан бири бу барқарор ўсиш ва ривожланишни таъминлашдир. Ушбу ривожланишнинг муҳим жиҳати меҳнат бозори ва таълим тизими ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашнинг зарурати ошиб бормоқда. Меҳнат бозорида иш берувчиларнинг ваколатларида мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тегишли даражадаги таълим ва тайёргарликка эга бўлган малакали мутахассислар керак.

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганадиган бўлсак, улар Миллий малака тизимини жорий қилиш орқали бу муаммони ҳал қилишганлигини кўришимиз мумкин.

Миллий малака тизими дастлаб Европа мамлакатларида жорий қилинди. Бу тизимни жорий қилишнинг асосий сабаблардан бири Европа мамлакатлари ўзларининг меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги муаммоларни бартараф қилиш ҳисобланади. Европанинг бир давлатида олинган диплом (квалификация) иккинчи давлатда тан олинишидаги муаммолар, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Шундан кейин миллий малака тизимини амалиётга жорий қилинди [2].

Миллий малака тизими. Бугунги кунда бу тизим дунёдаги 155 та давлатда жорий қилинган бўлиб, шу тизим асосида ўзининг меҳнат бозорига рақобатбардош кадрларни тайёрлаб келмоқда [3].

Миллий малака тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- миллий квалификация рамкаси;
- тармоқ квалификацион рамкалари; профессионал стандартлар;
- таълим дастурлари (таълим стан-

дарти, малака талаби, ўқув режа ва ўқув дастурлар);

- сертификатлаш (баҳолаш натижасида).

Миллий квалификация тизимини жорий қилишнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, бу тизим кадрлар тайёрлашга қўйиладиган аниқ талабларни белгилаб беради.

Мазкур Миллий малака тизимини жорий қилиш бўйича Республикамизда амалий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармони асосида кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар белгиланди ва табақалашган профессионал таълим тизими жорий қилинди.

Бундан ташқари ушбу фармонда миллий квалификация тизимига мувофиқ хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажриба асосида миллий квалификация рамкани, тармоқлари учун квалификация рамкаларни ва Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқиш топшириқлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида" 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарори билан миллий малака рамкаси тасдиқланди.

Бугунги кунда юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда тармоқ малака рамкалари ва миллий профессионал стандартлар ишлаб чиқилмоқда.

Тармоқ квалификация рамкаси – тармоқда тан олинадиган квалификация даражалари тизимлаштирилган тавсифини белгиласа, профессионал стандарт – ходимга маълум бир касбий фаолият турини, шу жумладан, маълум бир меҳнат функциясини бажариш учун зарур бўлган малака талаблари белгианади.

Миллий квалификация рамкаси тармоқлар квалификация рамкаларини, профессионал стандартлар ва бошланғич, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларни ишлаб чиқишга, миллий ва халқаро даражада квалификацияларни тан олишини таъминлайдиган, олинган малакаларни тармоқлараро ва халқаро миқёсда таққослашни таъминловчи ва касбий компетенцияни баҳолаш тизимини жорий қилиш ва иш ўринларини сертификатлашга хизмат қилади [4].

Бундан ташқари миллий квалификация рамкаси меҳнат бозори ва таълим тизимини интеграциясини таъминлаб беради.

Миллий квалификация тизимини амалиётга жорий қилиш қуйидагиларни таъминлаб беради:

меҳнат бозоридаги ишчи касб ва лавозимларга қўйиладиган аниқ талабларни белгилаб бериш ва аниқ талаблар асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва мазкур таълим дастури асосида таълим олганларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини баҳолашнинг аниқ талабларини белгилайди;

корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга қабул қилишда, ходимларнинг лавозимларнининг ўсиши (карьерный рост)ни белгилайди;

иш ўринларини сертификатлашни таъминлайди;

ходимларнинг малакасини доимий равишда оширишга қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Демак, миллий квалификация рамкаси давлатнинг меҳнат бозорида ва таълим тизимини интеграциясини таъминлаб берса, тармоқ квалификация рамкаси қайсидир бир соҳанинг кадрларга қўйиладиган талабларини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш таълими устасининг бажарадиган ишлари, уларга қўйиладиган талабларни ва хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш натижасида миллий квалификация рамкасининг 5-даражасига тўғри келиши аниқланди.

Миллий квалификация рамкасининг 5-даражасига қўйиладиган талаблар қуйидагича:

Билимлар: меҳнат ёки ўқув соҳасидаги ҳар томонлама ихтисослаштирилган махсус ва назарий билимлар, шунингдек ушбу билимлар чегараларини англаш;

Кўникма ва малака: абстракт муаммоларни ижодий ҳал қилиш учун талаб қилинадиган англаш ва амалий маҳоратнинг ҳар томонлама кўлами. Профессионал вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни мустақил излаш қобилияти;

Компетенциялар: ташкилотнинг ички вазифаларини бажариш учун меҳнат жараёнини мустақил бошқариш ва назорат қилиш қобилияти. Ўзи ва бошқаларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

Таълим соҳасининг тармоқ квалификацион рамкасида ишлаб чиқариш таълими усталарига қўйиладиган талаблар қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тоифасиз ишлаб чиқариш таълими устаси:

- таълим-тарбия усуллари ва воситаларини услубий йўриқномалар ва тавсияларга мувофиқ танлаш қобилиятини намоён этиши;

- иш натижаларини яхшилаш мақсадида меҳнат фаолиятини назорат қилиш қобилиятини намойиш этиши;

- касбий масалаларни ҳал этишда оғзаки ва ёзма мулоқотнинг турли воситаларидан фойдаланиши;

- касбий фаолиятида АКТ ва махсус билимларни қўллаши;

- ўз фаолияти ва фаолият натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаши;

- ўз устида ишлаш, индивидуал таълим олиш ва касбий ривожланиш йўналишларини белгилаш қобилиятини намойиш этади, педагог касбига барқарор қизиқиш намойиш этиши;

2-тоифали ишлаб чиқариш таълими устаси;

- асосий билимларни танқидий фикрлаш асосида қўллаш.

1-тоифали ишлаб чиқариш таълими устаси:

- асосий билимларни таълимдаги классик ва инновацион ғоялар асосида қўллаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий квалификация тизимини жорий қилиш меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш тизимини тизимлаштириб, ишлаб чиқариш таълими усталарига қўйиладиган аниқ талабларни белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарори.

3. Стефани Аллэ “Национальные системы квалификационных стандартов: внедрение и результаты. Отчет об исследовании, проведенном в 16 странах/ Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии; Департамент по профессиональным навыкам и возможностям трудоустройства» – Москва: МОТ, 2011. 142 с

4. Совершенствование системы профессиональных квалификаций “Реформирование системы профессиональных квалификаций в странах-партнерах ЕФО" © Европейский фонд образования, 2014 г.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МОДЕЛИ

ФЕРУЗ ҲАСАНОВИЧ ҒАФФАРОВ
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг (DSc) докторанти

Annotatsiya. Мақолада профессионал таълим тизими моҳиятига кўра таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи профессионал таълим муассасаларининг (педагогика коллежлари мисолида) таълим жараёнини такомиллаштириш юзасидан Профессионал таълим тизимида тайёрланадиган замонавий кадр модели келтириб ўтилган ҳамда таълим назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик тамойилига асосланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Kalit so‘zlar: : профессионал таълим, Халқаро стандарт таснифлагич, анъанавий таълим, интеграциялашган таълим, дуал таълим, малака, компетенция, назария, амалиёт.

Аннотация. В статье представлена современная модель подготовки кадров в системе профессионального образования для совершенствования образовательного процесса учреждений профессионального образования (на примере педагогических колледжей) в соответствии с 4 уровнем Международной стандартной классификации образования. Информация о том, что образование основано на принципе связи теории и практики.

Ключевые слова: профессиональное образование, международный стандартный классификатор, традиционное образование, интегрированное образование, дуальное образование, квалификация, компетентность, теория, практика.

Annotation. The article presents a modern model of personnel training in the vocational education system to improve the educational process of vocational education institutions (for example, pedagogical colleges) in accordance with the 4th level of the International Standard Classification of Education. Information that education is based on the principle of connection between theory and practice.

Key words: vocational education, international standard classifier, traditional education, integrated education, dual education, qualifications, competence, theory, practice...

Мамлакатимизда илғор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи профессионал таълим тизимида замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишни таъминлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий таълим мазмунини модернизациялаш, ўқувчилар ички имкониятларини рўёбга чиқаришга имкон берувчи зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган таълим муҳитини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда профессионал таълим тизими тараққиётнинг янги босқичига – информацион босқичга ўтаётган жамият эҳтиёжларига мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” ва “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини

рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”[1] устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Профессионал таълим Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”-ги Қонунига кўра, эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олади:

бошланғич профессионал таълим;

ўрта профессионал таълим;

ўрта махсус профессионал таълим.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.[2]

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инновацион технологик жараёнлар, тадбиркорлик, кичик бизнес соҳаларида яратилаётган янги технологик иш ўринлари ўрта бўғин кадрларини тайёрловчи мутлақо янги касб-ҳунар таълими муассасалари тармоғини шакллантиришни талаб этмоқда.

Касб-ҳунар таълими тизимининг шаклан ва мазмунан мутлақо янги тармоғини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими барпо этилиши белгиланди. Талаб ва мақсад битта - энди профессионал таълим муассасаларида ўқиган ёшлар аниқ иш ўрнига, ўз касби бўйича зарур илмга, кўникмага эга бўлиши шарт.

Янги тизимнинг асосий принципи - аввал иш ўрни аниқ бўлади, иш берувчи ўзининг малака талабларини, шу касбнинг илмини, ўқитиш технологиясини беради, шундан кейингина мутахассис тайёрланади.

Бугунги кунда профессионал таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39

[2] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни таълим тўғрисида ЎРҚ-637-сон 23.09.2020 https://lex.uz/docs/5013007

этиш олдимизда турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Айниқса, жамият ва шахс тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган, келажак бунёдкорлари бўлган ёш авлодни тарбиялаш масъулияти юкланган таълим соҳаси муттасил янгиланиш, илғор ва инновацион ғоялар билан уйғун тараққий этишни талаб қиладиган соҳадир.

Фармонга мувофиқ, профессионал таълим муассасалари мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги тоифаларга ажратилди:

Биринчи тоифа – Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 3-даражасига мос келувчи дастурлар асосида 9-синф битирувчилари таркибидан ёшларнинг профессионал таълим олишини таъминлайдиган Касб-ҳунар мактаблари ташкил этилди. Касб-ҳунар мактабларида ўзлаштириш кўрсаткичлари ва умумтаълим фанларига қизиқиши пасайиб бораётган 9-синф битирувчилари 2 йиллик таълим дастурлари асосида ўқитилади.

Иккинчи тоифа - Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи дастурлари асосида иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар асосида яратиладиган янги иш ўринларини малакали мутахассислар билан тўлдиришга йўналтирилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар тизимида фаолият кўрсатадиган Коллежлар фаолият олиб боради.

Учинчи тоифа – Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган, вазирлик, идора, ташкилотлар тизимида фаолият кўрсатадиган Техникумлар ташкил этилди[3].

Таълимда назария ва амалиёт интеграциясининг афзалликлари яққол кўриниб турибди, чунки бу шаклда ўқитиш ишлаб чиқариш эҳтиёжларига имкон қадар яқинлиги, бандликнинг юқори фоизи, турли хил ўқув дастурларининг кўпайиши, талабанинг ҳар томонлама профессионал ривожланиши, касбни рағбатлантиришга олиб келувчи кўрсаткичдир.

Шу маънода, касбий таълимда назарий маълумотларни амалиёт билан мустаҳкамлаш бўйича хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш давр талабидир.

Интеграция бугунги босқичда алоҳида лойиҳалар доирасида касбий таълим тизимига фаол равишда жорий этиб келинмоқда. Турли мамлакатларда дуал таълим тизимини амалга ошириш тажрибалари таҳлили уларнинг маҳаллий таълим тизими шарт-шароитларига, анъаналарига, миллий ўзига хосликларига мослаштирилишини талаб қилади. Бироқ, унинг асосий хусусиятлари – амалий-йўналтирилганлиги, жипс ижтимоий шериклик (давлат, иш берувчилар ва таълимнинг), таълим олувчи ёшларнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича устознинг етакчилик роли мазкур таълим тизимининг амалга оширилишидаги исталган вариацияларида ўзгармас бўлиб қолаверади.

Интеграциялашган таълимни амалга ошириш меъёрий, ташкилий, ўқув-методик, кадрлар, диагностик таъминот масалаларининг минтақавий, ишлаб чиқариш, ҳар бир коллеж ва корхона-ташкилотлардаги мавжуд кадрлар ва моддий-техник ресурсларига мос ҳолда ишлаб чиқилишини кўзда тутади. Ижтимоий шерикларнинг ўзаро ҳаракатлари муваффақиятлигига минтақавий иқти-

содий тизимнинг юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланиши тўла ҳолда боғлиқ бўлади.

Биз амалга оширган анкета сўровномаси натижалари айниқса, амалиёт устозларининг психологик-педагогик фаолиятни долзарблаштириш заруратини белгилаб берди, бунда устоз олдига касбий кўникмаларни узатишдан ташқари яққол ифодаланадиган тарбиявий вазифалар ҳам қўйилади. Таъкидлаб ўтиш зарурки, психологик-педагогик тадқиқотлар таҳлили интеграциялашган таълим тизими учун устозлик фаолияти тизимини тадқиқ қилиш, шунингдек, устозларни тайёрлаш бўйича илмий-методик таъминот масалаларини илмий ўрганиш бўйича тадқиқотлар мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Иккинчи тоифа - Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи профессионал таълим муассасаларининг (педагогика коллежлари мисолида) таълим жараёнини такомиллаштириш юзасидан Профессионал таълим тизимида тайёрланадиган замонавий кадр моделини келтириб ўтамиз (1-расм).

Коллежларда ўқувчиларга таълим беришнинг шакллари хилма-хилдир. Масалан: назарий билимлар ўқувчиларга асосан дарс жараёнида экскурсиялар, консультациялар жараёнида берилади. Амалий билимлар эса ўқитишнинг бошқа шаклларини талаб этади. Бундга лаборатория, ўқув устахоналари, ер участкасида амалга ошириладиган амалий машгулотлар киради. Педагогик амалиёт ҳам ўқувчиларга илмий билимлар беришнинг энг муҳум шаклларидан биридир [4].

Таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикр лаш, фаолликка ўргатиш қийин. Анъанавий таълимда тушунтириш, сўраш, мустаҳкамлаш, баҳолаш тартиби амал қилади.

Бугунги кунда қуйидагилар анъанавий таълимнинг камчиликлари сифатида эътироф этилмоқда:

таълим жараёнида ўқитувчининг кўпроқ фаоллик кўрсатиши, фақат тушунтириш, буйруқ бериш, ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши;

таълим жараёнида ўқувчиларга асосан назарий билим (маълумотлар) берилиши;

таълимда мажбурийлик, насиҳатгўйлик, қаттиққўллик, авторитаризм тамойилларига амал қилиш;

ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатмаслиги, фақат ўқитувчининг маърузасини тинглаши ва топшириқларни бажариши, уларнинг мустақил фикр юритишга, ташаббускорликка ўргатилмаслиги;

таълимнинг ўртача даражада билим олувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги [5].

Дуал таълим тизимининг элементларига асосланган таълим муассасаси ва корхона мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари профессионал аҳамиятга эга бўлган компетенцияларнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради.

Бироқ, таълим назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик тамойилига асосланади. Агар биз дуал таълим тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, унда у касб таълими муассасаларидаги назарий тайёргарликни ташкилот ёки корхонадаги амалий машғулотларни бирлаштиради. Ўқиш даврлари амалиёт вақтлари билан алмашади. Ушбу даврлар ўқувчининг олган мутахассислиги ва у ишлаётган корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил муддатларга эга бў-


Ижтимоий эҳтиёж: Профессионал таълим тизимида замонавий кадрларни тайёрлашга бўлган давлат ва жамият талаблари
Мақсад: Юқори малакали ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш
Халқаро таснифлагич
3-даража
4-даража
5-даража
Касб-ҳунармактаблари
Коллежлар
Техникумлар
Таълим соҳасининг таълим стандарти
Таълим функциялари
Малака талаблари, намунавий ўқув режалар
Ўқув дастурлари
Ўқитиш материаллари
Таълим жараёни
Анъанавий таълим
Интеграциялашган таълим
Дуал таълим
Амалдаги ўқув жараён
Интеграциялашган таълим ўқув режа ва дастурилари
Профессионал таълимм уассасаситомонида нташкилотбилан келишганҳ олдатасдиқланадиганўқувр ежасиваўқувжараёнграфи гиасосидаташкилэтилади
Ташкилий-жараёнли шарт-шароитлар
Турлари
Функциялари
Босқичлари
Таъминоти
Интеграциялашган таълимни баҳолаш тизими
Мезонлар
Назоратнингинновационтехнологияларивб аҳолашвоситалари:
Даражалар
Натижа: малакали профессионал ўрта маълумотли кадр

лиши мумкин, аммо вақт ўлчови бўйича ўқишнинг амалий қисми камида 50% бўлиши керак.

Интеграциялаштириш жараёнлари хозирги замон илмий билимларининг ўзаро таъсиридан фаркли ўларок қуйидаги йўналишларда кечиши мумкин:

алоҳида олинган фан доирасида ички илмий ривожланиш сифатида;

фанлараро ўзаро алоқадорлик доирасида, яъни бир ёки бир неча соҳалар доирасида;

махсус яхлит илмий билимлар доирасида кабилар.

Юкорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар уйғунлигини интегратив ёндошув сифатида тасаввур этиш мумкин. Икки ва ундан ортик нисбатан мустақил қисмларда кечаётган жараёнларни бирлаштириш - интеграциялаштиришнинг натижаси бўлиши мумкин.

Профессионал таълим тизими учун амалиёт базаларини олиш, битирувчиларни ишга олиш, рейтингни ошириш, таълим сифати, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш имконияти, ижтимоий шериклик, замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган иш жойлари; давлат ва жамият учун – малакали кадрлар етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш; инновацион жараёнларнинг тезлашиши муҳим ҳисобланади.

Бўлажак касб эгалари билан иш берувчилар ўзаро муносабатларнинг янги механизмини йўлга қўйишлари зарур, бу ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, иш берувчиларнинг касбларга бўлган талабларини ўрганиш, янги иш вазифалари, зарур қўшимча компетенцияларни аниқлаш, меҳнат бозорини ҳисобга олган ҳолда кадрларни шакллантириш каби долзарб масалаларни бугунги кун талаби даражасида ҳал этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон 23.09.2020 https://lex.uz/docs/5013007.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони.
4. Ахметжанов М.М., Ғаффаров Ф.Ҳ., Шарипова Ш.С., Ўринов У.А. Касбий таълим методикаси дарслиги. - Т.: «Фан ва технология», 2020. – 250 бет
5. Махсус фанларни ўқитиш методикаси ўқув қўлланмаси // Д.Тожибоева// Тошкент 2007 йил 256 бет

БЎЛАЖАК АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА МАХСУС КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

К.М.ГУЛЯМОВ

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда махсус компетенцияларни ривожлантириш жараёнини мақбуллаштиришга ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитлар муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Бўлажак амалий санъат ўқитувчилари, махсус компетенциялар, касбий тайёрлаш, педагогик шарт-шароитлар, умумдидактик тамойиллар, ўқитиш, метод.

Аннотация. В статье рассматриваются педагогические условия, позволяющие оптимизировать процесс развития специальных компетенций в профессиональной подготовке будущих учителей прикладного искусства.

Ключевые слова: будущие учителя прикладного искусства, специальные компетенции, профессиональная подготовка, педагогические условия, общедидактические принципы, обучение, методика.

Annotation. The article discusses the pedagogical conditions that help to optimize the process of developing special competencies in the professional training of future teachers of applied arts.

Keywords: Future teachers of applied arts, special competencies, professional training, pedagogical conditions, general didactic principles, teaching, method.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадал ривожланиши кузатилмоқда. Узлуксиз таълим жараёнига компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни жорий этиш сиёсий, умумдавлат ва дидактик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ҳисобланади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ– 4623-сонли қарорида «Соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш; олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборотком муникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш; юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш» каби устувор йўналишлар белгиланган [2, 10 б.].

Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш тизими замонавий дидактикада мавжуд бўлган ўқитишнинг асосий усуллари ва тамойилларини амалга оширишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, педагогик жараён тамойиллари педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талабларини акс эттиради, унинг йўналишини кўрсатади ҳамда педагогик жараённи ижодий ёндашув асосида қуришга ёрдам беради. Ҳар қандай фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган махсус компетенцияларни ривожлантиришда ижодий ёнда-

шув алоҳида аҳамият касб этади.

Замонавий педагогикада умумдидактик тамойиллар икки гуруҳга бўлинади, улар биргаликда талабаларнинг ижодий фаолияти жараёнини таъминлайди:

•талабаларнинг амалий санъат ва ҳунармандчилик бўйича қобилиятларини ривожлантириш учун педагогик жараённи ташкил этиш тамойиллари (илмийлик тамойиллари, кўргазмалилик, изчиллик ва тизимлилик, онг ва фаолиятнинг бирлиги, ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлик, инсонпарварликка йўналганлик);

•амалий санъат дарсларида талабаларнинг махсус компетенцияларини ривожлантиришни бошқариш тамойиллари (шахснинг индивидуал хусусиятларини, онгини, ижодий фаоллиги ва мустақиллигини, етарли даражада мураккаблигини, мавжудлик ва мақсадга мувофиқлиги, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш кучини инобатга олганда, ўқитишнинг ривожлантирувчи ва тарбиявий тамойиллари, муаммоли таълим). Буларни барчасини муайян педагогик шарт-шароитлар яратилганда амалга ошириш мумкин.

Хорижий давлатлар ва ватанимиз тадқиқотчилари томонидан таклиф қилинаётган таянч, касбий ва махсус компетенцияларнинг турлича таснифларида компетенцияларнинг шундай барқарор гуруҳлари аниқ белгилаб берилдики, уларни эгалламасдан туриб, инсон замонавий жамиятда муваффақият билан, зиддиятларсиз, қарама-қаршиликларсиз яшаши ва фаолият кўрсатиши мумкин эмас [2, 18 б.].

А.Г.Бермус ўз тадқиқот ишларида умумий компетенциялар [1] рўйхатини шакллантиради ва унинг таркибий қисмларини асосий тўрт компетенцияга бўлади: инструментал, шахслараро, тизимли ва махсус компетенциялар.

Махсус компетенция деганда, маълум бир фан бўйича ўқув жараёнлари ва уларда ўқитиладиган фанлар бўйича лаёқатлилик даражаси назарда тутилади. Биринчи даража турли фан соҳалари учун қуйидаги компетенциялар ҳисобга олиниши лозим:

- фаннинг тармоқ ва асосларини намойиш этиш;
- эгалланган билимларни мантиқан ва тартибли мушоҳада этиш;
- янги ахборотни вазиятта сола олиш ва талқин этиш;
- фан умумий тизимини ва фан ости соҳалариаро алоқаларни тушуна олиш;
- танқидий таҳлил методларини тушуниш ва улардан фойдаланиш назариясини ривожлантириш;
- фаннинг метод ва техникаларидан тўғри фойдаланиш;
- маълум фан соҳасида тадқиқот ишлари сифатига баҳо бера олиш;
- илмий назарияларни текшириш ва тажрибалар натижаларини тушуна олиш қобилиятлари.

Н.А.Муслимовнинг фикрига кўра ўқитувчи компетенцияси таянч ва махсус педагогик компетенциялардан иборат бўлиб, таянч компетенция – олий таълим тизимида фаолият олиб борувчи барча ўқитувчиларга хос бўлган, махсус компетенция эса ихтисослик фани бўйича таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг таълим жараёни ниҳоясида эга бўлган барча социолингвистик сифатлари, билими, кўникма ва малакалари йиғиндисидан иборатдир [2, 88 б.].

Психологик ва педагогик адабиётларда «шарт-шароитлар» тушунчасига турли таърифлар берилган. Биз педагогик шарт-шароитларни талабанинг махсус тайёргарлик жараёнининг ажралмас қисми сифатида шахснинг бадиий қоби-

лиятининг юқори даражадаги ривожланишига ўтишни таъминлайдиган ўқув жараёнининг чора-тадбирлари мажмуи сифатида кўриб чиқамиз.

Я.А.Пономаревнинг фикрича, бундай шарт-шароитлар мажмуаси ижодий муаммоларни ҳал қилишни осонлаштирадиган ва натижада керакли компетенцияларнинг шаклланишига, ижодий муҳитнинг яратилишига олиб келадиган вазиятларни яратишдан бошланади [4].

Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида қуйидаги педагогик шарт-шароитларни эътироф этиш мумкин: таълим мазмуни, унинг ташкил этилиши, методлари ва услубий техникаси, воситалари ва унинг натижаларини назорат қилиш.

Олий таълими тизимида ўқитиш методикаси энг муҳим муаммолардан ҳисобланади, унинг ҳал қилиниши эса бевосита таълим жараёни ва ўқитишнинг натижасига боғлиқ.

Психологик ва педагогик адабиётларда «ўқитиш усули» тушунчасининг роли ва таърифи тўғрисида турли фикрлар мавжуд. И.Ф. Харламов ўқитиш методлари – бу ўқитувчининг ишини ўргатиш ва ўрганилаётган материални ўзлаштиришга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал қилиш учун талабаларнинг ўқув ва когнитив фаолиятини ташкил этиш усуллари деб ҳисоблайди [6].

В.А. Сластенин «яхлит педагогик жараённинг усуллари – бу таълим ва тарбия муаммоларини ҳал қилиш учун педагог ва талабаларнинг касбий ўзаро таъсири» деб таъкидлайди [7, 269 б.]. Усуллар уни ташкил этувчи элементларга (қисмларга, деталларга) бўлинади, улар услубий техника деб аталади. Педагогик жараённи амалга ошириш усуллари ва услубий методлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, улар ўзаро ўтишни амалга ошириши, муайян педагогик вазиятларда бир-бирини алмаштириши мумкин.

Психология ва педагогика фанида ўқитиш усулларининг турли таснифлари ишлаб чиқилган ва уларнинг хилма хиллиги педагогик жараён мазмунининг кўп қирралилиги, алоҳида бойлиги ва ташкилий шаклларнинг ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Бу усулларни тақсимлаш билан боғлиқ: ўқув ва когнитив фаолиятни ташкил этиш; ўқув ва когнитив фаолликни рағбатлантириш; ўқувчиларнинг бир-бири билан ўзаро алоқасини ташкил этиш; ўқувчиларнинг ақлий функциялари, ижодкорлиги ва шахсий фазилатларини ривожлантириш; ўқув-билиш фаолияти, талабаларнинг ижтимоий ва ақлий ривожланишининг самарадорлигини кузатиш ва диагностикаси.

Олимларнинг таъкидлашича, ҳар қандай фаолият, ҳаракат қилиш истагини келтириб чиқарадиган шахснинг муайян мотивацияси мавжуд бўлганда, энг яхши сифат кўрсаткичлари билан давом этади. Мотивация – бу одамнинг хулқ-атворини физиологик ва психологик назорат қилишнинг динамик жараёни бўлиб, унинг йўналишини, ташкилотчилигини, фаоллигини, барқарорлигини белгилайди [3].

Талабаларнинг когнитив фаоллигининг табиати бўйича М.Н.Скаткин ва И.Я.Лернер томонидан таклиф қилинган ўқитиш усулларининг таснифи энг кенг тарқалган бўлиб, беш гуруҳни ўз ичига олади:

- тушунтириш ва тасвирий усул;
- репродуктив усул;
- муаммонинг баёни;
- қисман қидириш усули;
- тадқиқот усули [5].

Бу дидактик методлар тизими тарбиялаш ва ривожлантирувчи ўқитишнинг барча мақсадларини, ўқитиш усулларининг барча шаклларини қамраб олади,

ўқитиш усулларининг барча жиҳатларини тизимли кўриб чиқишни акс эттиради, ўқув жараёнининг ҳар бир ҳаракатини талабалар эҳтиёжлари ва мотивлари билан боғлайди.

Тадқиқот ишимиз жараёнида биз бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг махсус компетенцияларини ривожлантириш жараёнини оптималлаштиришга ёрдам берадиган қуйидаги педагогик шарт-шароитлар тўпламини аниқладик:

• олий ўқув юртларида талаба қобилиятини ривожлантириш ғояларини эркин амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

• ўқитишнинг яхлит методик тизимига мувофиқ талабалар билан ишлаш ўқитувчининг педагогик маҳорати;

• аудиторияда қулай ижодий муҳит яратиш;

• эҳтиёжлар ва таълим учун мақбул мотивацияни шакллантириш;

• муаммоли вазиятларни ва топшириқларни яратиш;

• мустақиллик ривожланиши билан қўллаб-қувватланадиган ўз-ўзини ривожлантириш;

• халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш.

Шундай қилиб, олий таълим тизимида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг махсус компетенцияларини ривожлантиришнинг истиқболли ёндашувларидан бири бу уларнинг фаол шахсий мовқеинии эгаллаши, ўз мойиллиги ва қобилиятини тўлиқ намоён қилиши, ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларини рўёбга чиқариши мумкин бўлган педагогик шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании // Интернет-журнал “Эйдос”. 2005. 10 сентября. http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm.
2. Гулямов К.М. Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: TO'YTEPA PRINT, 2020. – 156 б.
3. Климов Е. А. Введение в психологию труда. М., 1982. – 204 с.
4. Пономарев Я. А. Психология творчества и педагогика. М.: Педагогика, 1976. – 280 с.
5. Педагогика и психология высшей школы: учеб. пособие / под ред. М. В. Буланова-Топоркова. Ростов н/Д: Феникс, 2002. – 660 с.
6. Реан А. А., Бордовская Н. В., Розум С. И. Психология и педагогика. СПб.: Питер, 2000. – 432 с.
7. Сластенин В. А., Исаев И. Ф. Педагогика. М., 2000. – 576 с.

SPORT-SOG‘LOMLASHTIRISH TURIZMI KADRLARINI TAYYORLASH PEDAGOGIK TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI

RAXIMOV VLADIMIR SHAVKATOVICH
O‘zbekiston Milliy universiteti Taekvondo va sport faoliyati fakulteti dekani

Annotasiya. Maqola oliy ta’limning davlat ta’lim standartlari doirasida sport-sog‘lomlashtirish turizmi sohasi uchun kadrlar tayyorlash muammolariga bag‘ishlangan. Sport-sog‘lomlashtirish turizmi bo‘yicha kadrlarini tayyorlash tarkibi ko‘rsatilgan bo‘lib, unda pedagogik tizimning mazmuni ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: Sport-sog‘lomlashtirish turizmi, ta’lim jarayoni, ta’lim yo‘nalishi, kadrlar tayyorlash, kadrlar tayyorlashning pedagogik tizimi.

Ma’lumki, turizm davlat ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining muhim tarkibiy qismi, mustaqil va ijtimoiy yo‘naltirilgan soha sifatidagi sport-sog‘lomlashtirish turizmi esa jamiyatning muhim qatlamining turmush tarzidir. Sport-sog‘lomlashtirish turizmi shaxsni ma’naviy va jismoniy rivojlantirish, tabiatga hurmatni tarbiyalash, xalqlar va millatlar o‘rtasida o‘zaro tushunish va o‘zaro hurmatni kuchaytirishning samarali vositasidir.

Sport-sog‘lomlashtirish turizm bo‘yicha oliy ma’lumotli mutaxassilarni tayyorlash alohida ahamiyatga ega bo‘ladi, bunda u o‘z sektori, yo‘nalishi yoki turi bo‘yicha kompetentlilik bilan cheklanib qolmaydi.

Sport turizmi atamasi ijtimoiy hodisa sifatida sport harakatida sportning turlaridan birini ifodalar edi. U bilan bir qatorda turistik-sport faoliyati, piyoda, suvli, velosayohat, chang‘idagi sayohat va boshqa turistik ko‘chishlar shaklida amalga oshiriladigan havaskorlik turizmi ham rivojlandi. Sport turizmi alohida bir turdagi sport turi sifatida sport tasnifiga kiritildi.

Aholining sog‘lomlashtirilish va bilishga doir-ta’lim faoliyati masalalarida sport turizmi, aniqrog‘i, ixtisoslashtirilgan turizm funksiyalarining kengayishi, havaskorlikning o‘sishi uning mohiyati ommaviy sport-sog‘lomlashtirish turistik majmuasiga aylanishini shartladi. Bizning talqinimizda turistik-sport harakati bugungi kunlarda funksiyalarning katta to‘plami bilan namoyon bo‘ladi.

Aynan aholining bo‘sh vaqtini tashkiliy o‘tkazish uchun yuqori ijtimoiy ahamiyatga egalik, shu jumladan, sezilarli miqdordagi moliyaviy aylanma xizmatlarning mazkur sektorini o‘z meyoriy-huquqiy asosi, xizmat ko‘rsatish infratuzilmasi, dasturiy-metodik asoslari va mutaxassis-kadrlari bilan institusional jihatdan rasmiylashtirishni shartladi. Biz taklif etgan yangi avlod mutaxassisi modelidan o‘qitish kursi dasturlari va ta’lim mazmunini ishlab chiqishda foydalanildi.

Yuzaga kelgan vaziyat yuqori ijtimoiy-madaniy darajada va sezilarli iqtisodiy samara bilan turistik-sport xizmatlarining turli xillarini taqdim etishga qobil bo‘lgan mutaxassis-kadrlarni tayyorlash muammosini dolzarblashtiradi. Bu yerda eng ko‘p talabga yuqorida sanab o‘tilgan talablarni ta’minlashga qobil bo‘lgan kadrlar resurslari ega bo‘ladilar. Bular turistik-sport opereytingi menejerlari bo‘lib, ular turli xildagi turistik va sport korxonalarining har xil bo‘g‘inlari uchun tayyorlanadi. Biroq, ta’lim tizimida ko‘rstaib o‘tilgan yo‘nalishda aholining bo‘sh vaqtini turizm va sport

vositalari bilan to‘ldirishga qobil bo‘lgan mutaxassislarni atyyorlash mumikn bo‘lgan mutaxassiliklar va ta’lim dasturlari mavjud emasdir.

Aholining bo‘sh vaqti ijtimoiy hodisa sifatida o‘zining tashkiliy asoslariga, rejalashtirilgan yo‘nalishlariga, guruhlarni to‘ldirishning belgilangan tartibiga, ishtirokchilarni zaruriy jihozlar bilan ta’minlashga, xizmat ko‘rsatish infratuzilmasini ta’minlashga, xavfsizlik shartlarini yaratishga va boshqa shu kabilarga ega bo‘ladi. Bundan tashqari, turistik-sport faoliyatining mazkur tur guruhi sportchilar, sport jamoalari, ularning muxlislari va mutaxassislari, murabbiylarining joydan-joyga ko‘chishlari bilan bog‘liq bo‘ladi. turistik-sport harakati turizmning bir komponenti sifatida dunyodagi ko‘plab mamlakatlarda o‘zining tashkiliy tuzilmasi, yuzaga kelgan xizmat ko‘rsatish tizimi va faoliyatning “yo‘ldosh” turlari ,sport resurslarining import-eksporti, sportchilarni sotish-sotib olish, shartnoma va mukofot pullarini to‘lash, reklama mahsulotlarini sotish va boshqalar bilan xarakterlanadi. O‘tib borayotan asr o‘z navbatida turistik-sport harakatining ijtimoiy-iqtisodiy samarasini ta’minlovchi bo‘sh vaqt iqtisodiyotining birlashgan majmuasi rivojlanishiga kuchli turtki berdi.

Turistik-sport menejerlarini kasbiy tayyorlash quyidagilar amalga oshirilganda samarali bo‘ladi va mehnat bozori talablariga mos keladi:

- o‘qitish mazmuni va tuzilmasi o‘z ichiga ijtimoiy amaliyotda turizm va sport menejmentini, sport faoliyati va sport turlari amaliyotini, turistik-sport yo‘nalishidagi menejerlarning moliya-xo‘jalik faoliyatini, turizm va sportda reklamalai-axborot faoliyatini, turizmda menejment va rekrealogiyani, sport tadbirlari vaqtida turistik tadbirlarni tashkil etishn oladigan bo‘lsa;
- o‘qitish shakllari turistik-sport ixtisoligi uchun kasbiy ahamiyatli bo‘ladigan sifatlar, xizmat ko‘rsatishning yuqori madaniyati, profesionalizm, kompetentliilk, kuzatuvchanlik, chidamliilk, hozirjavoblik, tashkiliylik, faoliyatga tayyorlik, jamao va klub bilan ishlay olish mahorati va boshqa shu kabilarning shakllantirilishiga yordam beradigan bo‘lsa;
- turistik-sport ixtisosligi mutaxassislarining quyidagi funksiyalarii amalga oshirish uchun yetakrlicha ko‘nikmalar shakllanishini ta’minlovchi o‘qitish metodlari jamlanmasi ishlab chiqiladigan bo‘lsa:
- tashkiliy (musobaqalarga tayyorgarlik va ularda ishtirok etish bilan bog‘liq jamoalar turlarini tashkil etish; ko‘p sonli ishtirokchilar va tomoshabinlarning kelishi bilan bog‘liq musobaqalarni tashkil etish va o‘tkazish; qayta orqaga jo‘natish ishlarini tashkil etish va boshqalar);
- axborotli (gonorar olish shartlari bilan televizion reportajlar va reklama faoliyatining boshqa turlarini tashkil etish);
- bilishga doir (sport tadbirlari o‘tkazilayotgan mamlakat aholsining maishiy turmushi, milliy qadriyatlari bilan tanishish);
- moliyaviy (sport turizmi, sport tadbirlari, sport jamoalari, sport-turistik marshrutlarining moliyaviy ta’minoti; turistik-sport resurslari eksporti: g‘alabalar uchun mukofot miqdorini belgilash, esdalik sovg‘alarini tarqatish);
- ijtimoiy-maishiy (tomoshabin-turistlar va muxlislarga xizmat ko‘rstaish bo‘yicha ishlar; musobaqa paytida spport jamoalari va muxlislar uchun meyoriy shart-sharoitlarni yaratish; sport turizmi sohasida musobaqalar va chempionatlarni (mintaqaviy, milliy va xalqaro dasturlar) rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish);

• turistik-sport opereytingi menejmenti sohasida kasbiy ta'lim mazmunini shakllantirishga talablar jamlanmasi, bu o'z ichiga turistik-sport ijtimoiy amaliyoti menejmentini bilish, turistik-sport tadbirlarini (konkret opereytingni) o'tkazish bo'yicha mahorat va sport turlarini tashkil etish bo'yicha mahoratni egallash; moliya-xo'jalik tayyorgarligi; amaliyotda sport turizmi chora-tadbirlarini amalga oshira olish mahorati; reklama-axborot tayyorgarligi va turizmda rekrealogiya menejmentini bilish;

• sport turizmi menejmenti ixtisosligining ta'lim standarti va turistik-sport opereytingi bo'yicha mutaxassislarni tayyorlashning o'quv dasturlari mazmuni o'zida turizm va sportda opereyting menejerlari ixxtisoslashuvining didaktik asoslari yaxlitligini namoyon qiladi.

• turistik-sport opereytingi menejerlarini kasbiy o'qitish shakllari va metodlari o'zichiga o'qitish shakllarining individuallashtirilishi va differensiasiyalashtirlishiga urg'u berish bilan o'tkaziladigan ishbilarmonlik o'yinlari, maxsus treniglar, o'quv-ishlab chiqarish amaliyotini oladi.

Insonning faol dam olishida muhim tarkibiy qism bo'lib ixtisoslashtirilgan (sport) turizmi hisoblanib, u o'zida tomoshabinlar va muxlislar sifatida musobaqalarga boradigan turli mamlakatlar aholisining anchagina katta qismi bo'lib hisoblanadigan kishilar, sport sohasidagi rahbarlar va xizmat ko'rsatuvchi personal, sport bilan shug'ullanuvichlarning o'zlari jalb etluvchi faoliyatning dinamik ravishda rivojlanadigan sohani namoyon qiladi. turistlar oqimi o'z hajmi bo'yicha shiddat bilan ortib bormoqda. Sport sohasidagi rahbar xodimlar faoliyatining mazmuni ham murakkablashib bormoqda.

Ekspertlarnig baholashlariga ko'ra, ixtisoslashtirilgan (sport) turizm har yili musobaqalarning millionlab ishtirokchilari, tashkilotchilari va tomoshabinlarining bir joydan ikkinchi joyga ko'chib yurishlarini rag'batlantiradi. Ishtirokchilarning sport manfaatlarining yo'naltirilganligi musobaqalarni muvaffaqiyatli o'tkazish va ularda g'alaba qozonish istagi bilan bog'liq bo'ladi. Bunda sport turizmi ishtirokchilari manfaatlarining yo'naltirilganligi musobaqalar o'tayotgan u yoki bu mamlakat mintaqasida yashovchi aholining madaniyati, san'ati, adabiyoti, maishiy turmushidagi o'ziga xosliklar va mehnatini o'rganish bilan bog'liq bo'ladi.

Mana shunga bog'liq holda sport turistlariga samarali xizmat ko'rstaishga va shu jumladan, sport jamoalari menejerlari, sport tadbirlari menejerlari, sport turizmi moliyaviy menejerlari funksiyalarini ham bajarishga qobil bo'lgan mutaxassis-kadrlarni tayyorlash muammosi paydo bo'ladi.

Deyarli yuzdan ortiq xalqaro birlashmalar (turizm turlari bo'yicha federasiyalar) vakillarining mavjud ish tajribalariga qaramasdan, sportchilarni tayyorlash va musobaqalarni o'tkazishning zamonaviy shart-sharoitlari yangi avlod mutaxassislari – turistik-sport opereytingi menejerlarining yuzaga kelishi zaruratini belgilab beradi. turistik-sport harakati operatori faoliyatining bosh yo'nalishi – bu tadbirlarda xizmat ko'rsatayotgan mutaxassislarga, tadbirlar ishtirokchilarining o'zlariga, tomoshabinlarga xizmatlar ko'rstailishini tayyorlash va ularni amlaga oshirishdir.

Turistik-sport mahsulotini shakllantirish xizmat ko'rstaish dasturlarini ishlab chiqish va xizmatlar majmuasini amalga oshirishdan iborat bo'lgan ma'lu mbir tashkiliy ishlarni ko'da tutadi.

Yaqin o'tmish davrlarida turizm va sayohatlar indiviudal xususiyatlarga ega edi, shuning uchun bunday chora-tadbirlarni rejalashtirish sayohatchining o'zi yoki uning

topshirig‘i bo‘yicha sayohatlar byurosi tomonidan amalga oshirilar edi.

Hozirgi vaqtda turizmning ommaviy rivojlanishi davrlarida bu ish bilan turoperator deb ataluvchi firmalar va mutaxassislar shug‘ullana boshladilar. Turoperator differensiallashtirilgan turistik mahsulotni yaratadi, bunda uni o‘z mijozlarining ehtiyojlari, talablar, xohish-istaklari va qiziqishlarini hisobga olgan holda komplektasiyalaydi.

Ommaviy turizm turistik xizmatlarning standartlashtirilishini? ularning tizimlashtirilishini, oldindan tayyorlanadigan, rejalashtirilgan “xizmatlar paketlari”ning yaratilishini shartladi. Mana shu “xizmatlar paketi” turoperatorlar tomonidan taklif qilinadi. Bu paketga transport xizmatlari, mehmonxona, restoran, ma’lum bir sprt musobaqalarisha va tadbirlariga borishning sayohatli dasturlari, dam olish-ko‘ngilochar tadbirlar – shou, kino va videobiznes, sport va kurort tashkilotlari, ya’ni, barcha xizmatlarni ko‘rsata oladigan kompaniya, muassasa, korxona, firmalar kiradi.

Sport turopereytingi – bu ma’lum bir yakuniy mahsulot (konkret tur) ni yaratish jarayonlarini boshqarishdir. Turoperatorlar va sport turopereytingi tizimiing asosiy vazifasi bo‘lib nafaqat turistik mahsulotni yaratish, balki uni sotish, ya’ni, turli xil jarayonlarni yagona tizimga keltirish hisoblanadi. Sport turopereytingi quyidagilarni ko‘zda tutadi: turistik-sport industriyasining turli xildagi takliflaridan bir nechta ixtisoslashtirilgan takliflar tanlab olinadi, ular kombinasiyalashtiriladi va o‘z dasturi shakllantiriladi, keyin esa vositachilar orqali yoki to‘g‘ridan-to‘g‘ri mijozlarga yetkaziladi (sotiladi).

Turistik-sport opereytingi an’anaviy turoperatorlik faoliyatidan farq qiladigan o‘ziga xos xususiyatlariga egadir. Bu sport harakati ishtirokchilari (sportchilar, havaskorlar, muxlislar)ning talablari va sport turizmi vazifalari bilan mos holdag izaruriy xizmatlar majmuasi va ixtisoslashtirilgan turistik-sport dasturlari komplektasiyalanishi bilan bog‘liq turistik tadbirkorlik turidir.

Sport-sog‘lomlashtirish turizmi nafaqat sportning bir turi bo‘lib, balki havaskorlik faoliyati bo‘lib ham hisoblanadi, u bilan ishdan yoki o‘qishdan bo‘sh vaqtlarda shug‘ullanadilar. Bu yerga turizm ham sportning bir turi sifatida, ham havaskorlik sport faoliyati sifatida, ham sportchilar va muxlislarning bir joydan ikkinchi joyga o‘tib yurishlari sifatida kiradi. Lekin unday yoki bunday holda ham sportt turizmining bosh vazifasi kishilarning ma’naviy, psixik va jismoniy sog‘ligini saqlash hamda mustahkamlashdan iborat bo‘lib qolaveradi.

Turistik-sport opereytingi menejmentning ma’lum bir tizimi bilan bog‘liq bo‘ladi.

Turistik-sport opereytingi menejmenti – bu turistik-sport mahsulotini va zaruriy xizmatlar majmuasini yaratish jarayonlarini boshqarish bo‘yicha faoliyatdir.

Tabiiyki, faoliyatning bu turi malakali mutaxassislar – turistik-sport opereytingi menejerlarining mavjudligini talab qilib, ular kasbiy faoliyatining mazmuni quyidagilardan iborat bo‘ladi:

- psixik va jismoniy zo‘riqishlar profilaktikasiga va ularning bartaraf etilishiga yo‘naltirilgan maxsus turistik-sport harakatli tartibini ishlab chiqish va amalga oshirish;
- shaxsning ijtimoiy-madaniy, iqtisodiy va jismoniy tarbiyalanishi;
- sport turistlariga xizmat ko‘rstaish sikllarini tuzib chiqish;
- rekreasion muhitni shakllantirish, uni takror hosil qilish va muhofaza qilish;
- sport turizmi va rekreasion majmua sohasida tijorat hamda boshqaruv faoliyatini tashkil etish.

Umuman olganda, turizm sohasida ta'limning rivojlanishi turizmning bilimlarning fanlararo sohasi sifatida yuzaga kelish jarayonini aks ettiradi. Lekin barcha ixtisosliklar ham oliy ta'limning davlat standartlariga ega emas.

Mana shunday yo'nalishdagi mutaxassisni tayyorlash faqat endigina turistik ta'lim muassasalari amaliyotiga joriy etib borilmoqda. Lekin shunga qaramasdan, sport-sog'lomlashtirish turizmi boshqaruvining o'ziga xolsiklari mazkur yo'nalishda kadrlarning tayyorlash zarurati borligi tasdiqlaydi.

Xulosa qilib aytganda, "Sport-sog'lomlashtirish turizmi" yo'nalishi bo'yicha mutaxassislarni tayyorlash turizmning xilma-xilliklarida uning ijtimoiy va davlat tomonidan qo'llab-quvvatlaniishni ta'minlash maqsadi bilan ijtimoiy amaliyotga ishlarning yangi texnologiyalarini joriy qilish, shuningdek, sport-sog'lomlashtirish turizmi bo'yicha oliy ma'lumotli kadrlarni tayyorlash an'anaviy turizmni ham rivojlantirishiga xizmat qiladi. Bunda albatta sport-sog'lomlashtirish turizmi bo'yicha kadrlarni tayyorlash uchun zaruriy didaktik asoslarini ishlab chiqish lozim.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.un.int/uzbekistan/news
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-yanvardagi "O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommaviylashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5924-son Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Turizm, sport va madaniy meros sohalarida davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 06.04.2021 yildagi PF-6199-son Farmoni.
4. Тангриев А.Т., Махмудов М.Р. Спортивній туризм в Узбекистане. Научно теоретический журнал «Наука и образование сегоднуа». – 2019.
– С.34-38.
5. Костуиченко В.Ф. Профессиональное образование и спорт (противоречиуа и пути их разрешениуа) / В.Ф. Костуиченко, М.Y. SHенникова // Современніе проблемі теории и практики физической культурі: науч.-практ. конф., посвуash. 90-летиуи со днуа рождениуа Николауа Ивановича Пономарева. СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2012. С.85-95.
6. Rakhimov V.Sh. Social functions of physical culture and sports in modern society. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020 Part III ISSN 2056-5852.
7. Rakhimov V.Sh. Innovative approaches to improving quality training specialists in physical education. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020, 225-230.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ

ДИЛФУЗА КАМБАРОВА
Педагогик инновациялар институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак ўрта тиббий ходимларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнини касбий билим, сифат, компетентлик мезонлари асосида такомиллаштириш, ўрта тиббий ходимларни меҳнат функцияларини аниқлаш орқали уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш методикасини тўғри танлаш, амалий таълимни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар:тиббий таълим, симуляция, сифат, функция, малака, касбий малака, амалий компетенция.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования учебного процесса при подготовке будущих медицинских сестер на основе профессиональных знаний, качества, критериев компетентности, правильного выбора методов развития их практических навыков и компетенций путем определения должностных функций медицинских сестер, совершенствования практических навыков.

Ключевые слова: медицинское образование, моделирование, качество, функция, квалификация, профессиональная квалификация, практическая компетентность.

Annotation. The article discusses the issues of improving the educational process in the preparation of future nurses on the basis of professional knowledge, quality, competence criteria, the correct choice of methods for developing their practical skills and competencies by defining the job functions of nurses, improving practical skills.

Key words: medical education, modeling, quality, function, qualifications, professional qualifications, practical competence.

Республикамизда профессионал таълим соҳасида тарихан қисқа вақт ичида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Профессионал таълим мазмунини янгилаш, сифат даражасини яхшилаш мақсадида Ўзбекистонда Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этиш масалалари белгилаб берилди. Ўқитувчиларнинг назарий ва методик савияси ва малакасини оширишни такомиллаштириш орқали малакали мутахассислар тайёрлаш, кўргазмали қуроллар ва техник воситалар билан таъминлаш ишларига катта эътибор берилди. Шу жумладан профессионал таълим тизимида тиббий таълимни модернизациялаш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, тиббий таълимнинг самарали тизимини яратиш, тиббий соҳасини касбий компетентликка эга бўлган рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан мамлакатимизда 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этилди. Қарорда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат сало-

матлиги техникумларининг моддий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгиланган нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш;

валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш вазифалари белгилаб берилди.

Замонавий тиббиётда ҳамширалар нафақат шифокор буюртмаларини бажарадиган, балки тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари, касалликнинг олдини олувчи, ўз ўрнида мураббий, психолог, маслакдош ва текширувчи вазифаларини ҳам адо этади.

Тиббиёт хамширасининг асосий вазифаларидан бири – жамият ва бемор киши саломатлиги йўлида ҳолис меҳнат қилиш, ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, беморга диққат–эътибор, ғамхўрлик билан муносабатда бўлишдир. Ўзининг барча ҳатти-ҳаракатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш, тиббиёт ходимининг юксак вазифасини англаш, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат ва садоқатни, бурчига содиқликни тарбиялаш, юксак инсонпарвар касбнинг олижаноб анъаналарини сақлаш ҳамда кўпайтиришдан иборатдир. Буюк алломалар фикрича, ахлоқда диёнат, қаноат, шижоат, илм, сабр, интизом, виждон, бурч, жавобгарлик, масъулият, иффат, ҳаё, идроқ, хайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат, қадр-қиммат, номус, хулқ – атвор, бахт каби инсоний ҳислатлар мужассамлашгандир. Юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган тиббиёт ходими ўз бурчини аниқ ва сифатли бажаради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баёнотига кўра тиббиётда ҳамширалар глобал саъй-ҳаракатларнинг(айниқса пандемия шароитларида) муваффақиятли амалга оширилиши учун жуда муҳимдир. Ушбу тоифадаги тиббиёт ходимлари соғлиқни сақлашнинг барча устувор муаммолари, шу жумладан соғлиқни сақлашнинг универсал қамрови, руҳий саломатлик ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик, беморларнинг хавфсизлиги ва туғруқ вақтида соғлиқни сақлашнинг глобал муаммоларини ҳал қилишда ўзларининг бебаҳо хизматлари билан ҳисса қўшадилар. Ҳамшираларнинг касбий ва амалий тайёргарлигини ва касбий малакасини максимал даражада оширишга қаратилган тизимли ҳаракатларни йўлга қўймасдан туриб, соғлиқни сақлаш бўйича ҳар қандай глобал муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун ҳамширалар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш, уларнинг касбий функциялари аҳамиятини ошириш, шунингдек уларни ўқитишга, малакасини оширишга сарфланадиган маблағлар ҳажмини ошириш орқали максимал самарадорликка эришадиган муҳит яратиш талаб этилади.

Тиббиёт соҳасидаги жадал ривожланиш, янги технологияларни кириб келиши, тиббий таълимда ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш сифатига олдига янги талаблар қўймоқда. Бу жараёнда тиббий таълим муассасаларида мутахасисларни компетенцияларини ривожлантиришга эътиборни қаратиш, малака талабларини компетенциявий ёндашувлар асосида

такомиллаштириш, таълим жараёнига янги, инновацион технологияларни, симуляцион воситаларни жорий қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тиббий фанлар мазмунини такомиллаштиришни, тиббий фанларни ўқитишнинг замонавий методларини ишлаб чиқишда бевосита амалий таълим ва компетенцияларни ривожлантириш бўйи ча ишланмаларни ишлаб чиқишни тақазо этади.

Одатда "ҳамшира" деганда ёрдамчи ходимлар таркибига кирадиган, ҳамширалик соҳасида ўрта махсус тиббий маълумотга эга бўлган мутахассис тушунилади ва унинг мавқеи мутахассис шифокорга нисбатан анча паст хисобланади. Хорижий давлатларда ва Америка Қўшма Штатларнинг сўнгги ўн йилликда бу қараш мутлақо ўзгарди. Бунга асосий сабаб тиббиётнинг тезкор суръатларда ривожланиши ва таълимда назарияни амалиётга алмаштирилиши, яъни ўқитишни амалиётга йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Ҳамширалик таълими бугунги кунда тиббиёт билан боғлиқ бўлган бошқа фанлардан кенгроқ хабардор бўлишни ва тадқиқот натижаларидан клиник ва бошқарув қарорларида фойдаланишни назарда тутади. Бу жараёнда хамшира шифокор билан хамкорликда ишловчи мутахассисга айланади.

Ҳозирги пайтда ҳамширалар нафақат шифокор буюртмаларини бажарадиган, балки тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари, касалликнинг олдини олувчи, ўз ўрнида мураббий, маслакдош ва текширувчи вазифаларини ҳам адо этади.

“Ҳамширалик иши” йўналишларида тиббий таълимни ташкил этишда таълимни бевосита амалиёт билан боғлаш, амалий таълимни амалга ошириш, яъни амалий компетентликни ривожлантириш муҳим саналади.

Шуни таъкидлаш керакки, профессионал таълим ҳар доим амалий йўналтирилганлиги билан ажралиб турарди, бу ерда амалий машғулотлар машғулотлар учун ажратилган вақт бюджетининг 60-70 фоизини ташкил этиши лозим. "Ҳамширалик иши" ихтисослиги тиббий таълимнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг мазмуни малака талаблари асосида белгиланади.

Касбий фанлар ва таълим амалиётлари махсус жиҳозланган ўқув хоналарида ёки ўқув муассасаси базасидаги ўқув амалий марказларида амалга оширилади. Шунингдек, ижтимоий шериклик дастурларини амалга ошириш доирасида тиббиёт ташкилотларида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш амалиётлари ҳам ниҳоятда муҳим саналади. Тиббий таълимда амалиётнинг самарали ташкил этилган шарт шароитлари келажакда ҳамширанинг амалий малакасини изчил шакллантирини таъминлашдир, бу жараёнда ўқувчилар ҳамширанинг касбий фаолияти турлари билан танишиш, танланган касбнинг ўзига хос хусусиятларини, моҳиятини ва ижтимоий аҳамиятини англашлари мумкин бўлади. Ўқувчилар ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари билан биргаликда тиббиёт турларида қатнашадилар, беморларни текширишда ёрдам беришади, операциядан кейинги даврда уларни кузатиш ва парвариш қилиш, тиббий ходимларга тиббий ҳужжатларни тўлдиришда, тиббий ёзувларни расмийлаштиришда ёрдам беришади, яъни ҳақиқий профессионал муҳит шаклланади.

Тиббиёт техникумларидаги амалий таълим жараёнини кузатиш, таҳлил қилиш орқали “Ҳамширалик иши” йўналишида амалий таълимни ташкил этишда дуч келаётган асосий муаммолар ўрганилди ва уларни ечимлари юзасидан хулосалар қилинди.

1. Мутахассислик фанлар бўйича

ўқув жиҳозларининг етишмаслиги, мавжуд жиҳозларнинг аксарияти мунтазам фойдаланиш оқибатида эскирган ва яроқсиз ҳолга келганлиги.

Бу муаммони ечимини республикамизда фантом, муляжлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, виртуал таълим воситаларини яратиш, симуляцион воситаларни яратиш ва амалдагиларини жорий этиш, илғор хорижий давлатлар билан тиббий жиҳозлар олиш бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини кўпайтириш, коллежларда бюджетдан ташқари маблағларни топиш масаласини ҳал этиш (қисқа курсларни ташкил этиш, симуляцияларни ишлаб чиқиш, электрон ресурсларни яратиш) орқали ечиш мумкин.

2. АРМ ларда ўқув адабиётларнинг ва техник воситаларнинг етишмаслиги.
Бунда эскирган дарсликларни янгидан яратиш,етарли бўлмаган дарсликларни қайтадан чоп этиш, электрон дарсликлар ва маъруза матнлар тайёрлаш, АРМ ўқув залларини компьютер билан таъминлаш ишларини кучайтириш.

3. Амалий базаларда коллеж ўқувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш учун етарли шароит мавжуд эмаслиги, амалий базаларда ўқув хоналар етишмаслиги.

Ўқув муассасаларида малакали педагог кадрлар таркибини вужудга келтириш ва педагоглар салоҳиятини ошириш мақсадида малака ошириш режаларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, коллежларда ташкил этилган «Педагогик маҳорат» курслари, «Устоз-шогирд», «Ёш ўқитувчилар» мактабларининг фаолиятини кучайтириш;

4. Ўқув-услубий иш ҳужжатларини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри ва эстетик жиҳатдан талаб даражасида тайёрлашга эришиш учун услубий семинарлар ташкил этиш, услубий тавсия номалар тайёрлаб тарқатиш, шунингдек ўқитувчиларнинг тажриба алмашишини йўлга қўйиш; АРМларни дарсликлар ва техник воситалар билан етарли даражада таъминлаш учун эскирган дарсликларни янгидан яратиш, етарли бўлмаганларини қайта чоп этиш, баъзи коллежлардаги ортиқча китобларни янги очилган эҳтиёжи бўлган коллежларга бериш, меъёр талаблари даражасида тайёрланган маъруза матнлар билан бойитиш;

5. Амалий машғулотларда телемедицина имкониятларидан фойдаланиш, интелектуал тадбирларнинг таъсир кучи ва самарасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчида ўқувчининг ички захираларини очиш қобилияти, ўқитишда фаол усуллардан, хусусан тақлид қилиш ва тақлид қилмаслик усулларидан фойдаланган ҳолда, таълим жараёнида конструктив ўзгаришларни таъминлаши керак, яъни келажакдаги мутахассисга унинг қобилиятлари ва имкониятларини баҳолаш, унинг ўрнини тўғри аниқлаш, касбий фаолиятни давом эттириш учун аниқ йўналиш бера олиши керак. Бўлажак мутахассис маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиши, муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт деб қараладиган амалий фаолиятни амалга оширишга тайёр бўлиши керак. Шу сабабли, профессионал таълим тизимини ўзгартириш, амалий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган умумий ва касбий компетенцияларга эга бўлган мутахассисни тайёрлаш учун таълим муҳитининг амалиётга йўналтирилган шароитларини таъминлаш керак.

Тиббий таълимда ўқитиш усулларини танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил усуллар қўлланса, уни му-

стаҳкамлашда иккинчи ва мавзуни умумлаштиришда яна бошқа хил усуллар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйлаш ва самарали усулларни қўллаш жуда муҳим. Ўқитувчи-педагогнинг вазифаси самарали усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларда фаоллик сифатларини таркиб топтириш ва қийинчиликларни енгишга ўргатишдир. Бу жуда муҳим бўлиб, назарий билимларни амалий фаолиятга айлантиришни осонлаштиради.

Шундай қилиб, ўқитиш усуллари педагог ва талабалар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга каратилган тадбирдир. Техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланаётган бир даврида ўқувчиларда дарсга мотивациясини ошириш ниҳоятда мураккаб жараён хисобланади. Амалий дарсларни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак? – деган саволга жавоб топишда ўқитувчи изланиши, тиббиёт соҳасидаги янгиликлар билан танишиб бориши ва татбиқ этиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори.Lex.uz
3. Ф.А.Акилов, Р.Б.Нуруллаев ва бошқалар. ХАМШИРАЛИК ИШИ. Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларининг тиббиёт йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчилар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун ўқув қўлланма.
4. СОСТОЯНИЕ СЕСТРИНСКОГО ДЕЛА В МИРЕ, 2020. ВОЗ.144 с.
5. Вербицкий, А.А. Контекстное обучение в системе профессионального образования / А.А.Вербицкий // Медицинская сестра, - 2011. - № 6. - С.25.
6. Глухих, С.И. Интегративно-деятельностный подход к подготовке медицинских сестёр в непрерывном профессиональном образовании/ С.И. Глухих// Автореф. дис.канд.пед.наук: 13.00.08. Москва 2012, 302с.
7. Зимняя, И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования / И.А. Зимняя // Эйдос : Интернет-журнал. – 2006. – (Электронный ресурс). – http://www.eigos.ru
8. Краснова, С.А. Профессиональная компетентность среднего медицинского персонала / С.А. Краснова // Вектор науки Тольятгинского государственного университета. - Тольятти : ТГУ, 2011. - № 2 (16). -С. 417-420

КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАСБ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ СИФАТИДА

РАХИМОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация. Мақолада олий касбий таълим жараёнида касб таълими йўналишлари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнини амалга ошириш босқичлари, назарий билим ва амалий кўникмаларни ривожлантириш тамойиллари, ҳар бир талаба учун муҳим бўлган ижтимоий компетенцияларни эгаллаш зарурияти масалалари талқил қилинган.

Калит сўзлар. Касб, таълим, жараён, сифат, натижа, компетентлик, билим, кўникма, малака, шаклланиш.

Аннотация. В статье рассматриваются этапы реализации процесса развития профессиональной компетентности студентов профессионального образования в процессе получения высшего образования, принципы развития теоретических знаний и практических навыков, необходимость приобретения социальных компетенций, важных для каждого студента. .

Ключевые слова. Профессия, образование, процесс, качество, результат, компетентность, знания, умение, квалификация, образование.

Annotation. The article discusses the stages of implementation of the process of development of professional competence of students of vocational education in the process of higher education, the principles of development of theoretical knowledge and practical skills, the need to acquire social competencies that are important for each student.

Keywords. Profession, education, process, quality, result, competence, knowledge, skill, qualification, formation.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларимиз қалбида она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини камол топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, касб таълими йўналиши талабаларида ўқув-билиш фаолиятига инновацион ёндашув асосида касбий компетентликни ривожлантириш кўплаб объектив ва субъектив омиллар таъсирида кечадиган яхлит жараён саналади. Ҳар қандай жараён муайян босқичлар асосида кечади. Шундан келиб чиққан ҳолда талабаларда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг босқичларини белгилашга эътибор қаратилди. Талабаларда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнини қуйидаги босқичларда амалга ошириш белгилаб олинди:

1. **Мослаштириш - йўналтириш босқичи.** Ушбу босқичда касб таълими йўналишлари талабалари гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар ҳамда умумкасбий фанлар бўйича ўқув жараёнининг ташкил этилиши аосида ўқув-билиш фаолиятининг моҳиятини англайди. Турли характер, мураккаблик ва шаклдаги ўқув топшириқларни бажариш орқали ўқув, илмий-тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида олиб борилади-

ган педагогик фаолиятнинг мазмунидан хабардор бўлади. Уларнинг ўқув-билиш фаолияти бевосита ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш усталарининг раҳбарлиги остида ташкил этилади. Бунда ўқитувчилар томонидан бериладиган методик кўрсатмалар, йўриқномалар талабаларда барча турдаги, хусусан, мустақил таълим бўйича талабаларда касбий компетентликни самарали ташкил этиш йўли, шакл, метод ва воситалари тўғрисидаги тасаввурнинг ҳосил бўлишини таъминлайди, тушунчаларни қарор топтиради. Билимларнинг ўзлаштирилиши репродуктивлик касб этади. Яъни талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти кўп ҳолатларда ўқитувчилар томонидан берилган маълумотлар, билимларни қайта баён қилишга асосланади.

2. **Шакллантириш босқичи.** Мазкур босқичда касб таълими йўналишлари талабалари турли мураккабликдаги ўқув топшириқларини сифатли бажариш, мустақил таълимни самарали ташкил этишга доир кўникмаларни ўзлаштиради. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятига инновацион ёндашув аста-секин продуктивлик (маҳсулдорлик) касб эта бошлайди. Эндиликда улар турли мураккабликдаги ўқув, илмий-тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида олиб бориладиган педагогик фаолият моҳиятини ифодаловчи ўқув-билиш ҳаракатларини мустақил бажаришни бошлайди. Зарур ўринлардагина ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш усталарнинг методик раҳбарлигига эҳтиёж сезилади.

3. Ривожлантириш босқичи. Бу босқичнинг асосий хусусияти касб таълими йўналишлари талабаларининг ўқув-билиш фаолиятида мустақилликнинг ёрқин намоён бўлиши билан белгиланади. Талабалар ҳар қандай мураккабликдаги ўқув-билиш ҳаракатларини мақсадли, изчил, узлуксиз равишда ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш устасининг раҳбарлигисиз мустақил амалга оширади. Ушбу босқичда талабаларнинг ўқув, илмий-тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида олиб бориладиган педагогик фаолиятга оид кўникмалари секин-аста малакаларга айланади. Бунинг натижасида талабаларда қисман-изланувчанлик ва ижодийлик юзага келишига эришилади.

Талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда тадқиқот характеридаги амалий ҳаракат кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар, олий таълим муассасаларида таҳсил олиш жараёнида бир қатор илмий характердаги тадқиқотлар(курс иши, бакалаврлик ва магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар)ни амалга оширади. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг тадқиқот кўникма ва малакаларига эга бўлишларини тақозо этади.

Касб таълими таълим йўналишлари бўйича бакалаврларга қуйидаги умумий малакавий компетентлик сифатларига эга бўлиш талаблари қўйилади:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсати масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, миллий маънавий масалалар ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён эта олиши ҳамда илмий асослаши, миллий мустақиллик ғоялари асосида фаол ҳаётий фикрга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит та-

саввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожи ҳақидаги билимларни эгаллаши, замонавий илмий асосларда улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда фойдалана олиши;

- ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш, ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак;

Касбий компетентлик узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни билиш талабларига жавоб бериши керак.

В.П.Беспалько билиш назариясига психологик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўқувчилар мисолида шахс томонидан ўқув-билиш материалларининг ўзлаштирилиши босқичлари асосида фаолият даражасини қуйидаги гуруҳлаштириш мумкинлиги ғоясини илгари суради:

1-даража: аввал ўзлаштирилган материални иккиламчи идрок этиш (англаш) орқали объектларни билиш ва улар асосида оддий ҳаракатларни бажариш.

2-даража: аввал бажарилган ҳаракатларни репродуктив (унумли, самарали) ҳаракатларни мустақил бажариш йўли билан қайта тиклаш.

3-даража: намуна асосида ҳаракат қилиш йўли билан продуктив (маҳсулдор) ҳаракатларни ташкил этиш орқали янги билимларни эгаллаш.

4-даража: янги билимларни мустақил ўрганишга қаратилган ижодий ҳаракатларни ташкил этиш[1].

В.П.Беспальконинг ёндашувидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда улар томонидан бажариладиган ўқув-билиш ҳаракатлари паст, ўрта ва юқори даража тарзида баҳоланади.

А.В.Усова ўқувчиларнинг билиш кўникмалари шаклланганлик даражаси қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин, деган ғояни илгари суради: бажариладиган операцияларнинг таркиби ва сифати; уларнинг англанганлиги; уларнинг тўлиқлиги ва ихчамлиги; мураккаблик даражаси; уларни бажаришдаги амалий изчиллик [3].

Билиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси қуйидагича ҳам аниқланади:

I (паст) – ўқувчилар томонидан атиги алоҳида операциялар бажарилади (тартибсиз, англанмаган);

II (ўртача) – ўқувчилар томонидан талаб этилган барча операциялар бажарилади, бироқ, уларнинг изчиллиги етарлича ўйланмаган, ҳаракатлар тўлиқ англаб етилмаган;

III (юқори) – ўқувчилар томонидан барча операция ва ҳаракатлар амалий изчиллик асосида онгли равишда бажарилади.

Н.А.Половникова ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришдаги мустақилликлари даражасини қуйидагича гуруҳлайди: 1) таҳлид қилиш; 2) ижодий ишлаб чиқиш; 3) ижодий яратувчанлик [2].

Фаолият даражасини аниқлашга қаратилган турли ёндашувларни умумлаштирган ҳолда биз қуйидаги ёндашувнинг бир қадар аниқ ва асосланган эканлигига ишонч ҳосил қилдик:

1-даража: репродуктив (маҳсулдор – қайта акс эттириш; унга мувофиқ ўқув-билиш фаолияти намуна бўйича амалга оширилади);

2-даража: эвристик (ижодий ишлаб чиқариш; унга кўра ўқув-билиш фаолияти топшириқ ва шароитларга бир қадар яқин келадиган алгоритмнинг мустақил танланган варианти бўйича ташкил этилади);

3-даража: ижодий (фаолиятни мустақил режалаштириш ва эркин бажариш).

Назарий билим ва амалий кўникмаларнинг бирлиги тамойили барча фан блокларини ва таълимнинг барча босқичларини ўрганишда қуйидагича амалга оширилиши керак: педагогик ва ўқув амалиётлари жараёнида фактларни тўплаш ва уларни турли фанлардан назарий машғулотлар жараёнида тушуниш; дидактикани, таълим назарияси ва методологиясини ўрганиш; уларни педагогик амалиёт жараёнида қўллаш, техник фанлар блокини ўрганиш, уларни технологик амалиётларда қўллаш. Илмий назарияни ўзлаштириш амалиётнинг зарур шартидир, бу эса ўз навбатида дастлаб олинган билимларни мустаҳкамлаш ҳамда назарияни янада тушуниш ва ривожлантириш учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, бу мотивацияга сезиларли таъсир кўрсатади ва касбий аҳамиятга эга билимларни ривожлантиришга мотивацион ва қиймат муносабатларини шакллантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Назарий ва амалий тайёргарликнинг бирлиги шу қадар боғлиқки, у талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг яхлит жараёнида умумий йўналиш бўлиши керак.

Биз касбий малакани таълим билан эмас, балки фаолият билан боғлаш мақсадга мувофиқдир, деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз. Фаолият одамларнинг бутун алоқа тизимини ўз ичига олади: уларнинг ўзаро таъсири, тажриба алмашиш, билим олиши. Фаолият ўз иштирокчиларининг фаолиятини рағбатлантирадиган саъй ҳаракат бўлиши лозимлигини ташкил этади ва у ўз навбатида уларнинг шахсий ривожланиши ва ўзини такомиллаштириш учун рағбат бўлиб хизмат қилади. Касб таълимида касбий компетентлик тушунчасига шахснинг муайян меҳнат вазифаларини бажариш қобилияти ва шу қобилиятига эга бўлиши, яъни касбий малаканинг моҳияти норматив ҳужжатларда акс эттирилган касбий фаолиятнинг объектив стандарти, ходимнинг шахсиятининг субъектив қобилиятлари билан боғлиқлиги даражасида ифодаланадиган мустақил ва масъулиятли тарзда ҳаракат қилиш имконини берувчи ақлий ҳолат сифатида қаралади. Касбий малакани шакллантириш касбий муҳитда ўз-ўзини ривожлантиришнинг индивидуал усулларини шакллантиришни таъминлайдиган профессионал фаолият субъектининг шахсий ўзига хослигини ривожлантириш жараёни сифатида тавсифланади.

Касбий малакани унинг асосий таркибий қисмлари сифатида тизимли ва мазмунли таҳлил қилишда учта компонент мавжуд: умумий касбий саводхонлик(зарур билим), фаолият жараёнида мавжуд билимлардан фойдаланиш қобилияти ва шахсий фазилатлар. Бироқ, бу фазилатларга қўшимча равишда, касбий қобилият инсонга ноёб ҳодиса сифатида хос бўлган хусусиятларни яратади, бу эса касбий фаолиятда ўзига хос шахсий услубини намоён этади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, касбий таълимда касбий компетентликнинг асосий таянч ғоясини қуйидаги-

ча ифодалаш мумкин: компетентликка йўналтирилган касбий таълим – таълим олувчилар томонидан тизимли, ижтимоий, умумкасбий, педагогик-психологик ва соҳага оид компетенцияларни мажмуавий равишда ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу компетенциялар олинган билимлар асосида инсоннинг ҳам ўз шахсий манфаатлари, ҳам жамият ва давлат манфаатлари йўлидаги амалий фаолиятга интеграциялашган касбий тайёргарлигини таъминлаши керак. Компетентлик тушунчаси нафақат когнитив ва операцияли технологик, балки, мотивацион, ахлоқий, ижтимоий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига олади.

Касб таълими йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида компетентлилик сифатлари асосида касбий таълим мазмунини лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда бўлажак мутахассисларнинг шундай сифатлари: юқори даражадаги билим ва касбий кўникмалар асосида улар педагогик фаолиятни ва ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қила оладиган, янги ностандарт ғояларни илгари сура оладиган, рационал, замонавий талабларга жавоб берадиган метод ва воситаларни, касбий ва илмий ахборотларни ўзлаштиришнинг янги усулларини амалиётда қўллай оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг холатини сезиларли даражада ўзгартириш учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда компетентлилик асосида ёндашилган ҳолда таълим мазмунини лойиҳалаштириш зарур. Касб таълими мазмунини компетентлилик асосида ёндашилган ҳолда такомиллаштиришда асосий вазифалар:

- Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда дарсликларини такомиллаштириш, мазмунан узвийлаштириш билан таълим узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқув режаларидаги турдош фанларни интеграциялаш орқали ўқув юкламалари кўлами ва ҳажмини оптималлаштириш;
- талабаларнинг Давлат таълим стандартлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг барча босқичлар учун ягона таълим тизимини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- таълим муассасаларида виртуал ўқув-лаборатория, замонавий ахборот коммуникация, электрон-техник ва масофадан ўқитиш имкониятларини кенгайтириш, дарслик, қўлланма ва ўқув фильмларининг электрон турларини яратиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш;
- тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунини ва сифатини янада яхшилашдан иборат.

Мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси талабанинг ўқув фаолиятини мутахассиснинг касбий фаолиятига айлантириш жараёни сифатида тузилиши мумкин бўлиб, бунда бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шартлари қуйидагича бўлади:

- ўзлаштирилган ижтимоий тажрибаларни қайта ишлаш, изланувчанлик ва ижодкорлик фаолиятларида намоён бўладиган аниқ ифодаланган касбий йўналтирилганлик, билимларни эгаллаш фаоллиги;
- касбий фаолиятда кўп учрайдиган ҳар қандай ностандарт вазиятларда мустақил равишда қарор қабул қила олишга, шунингдек, яхлит жараённинг барча воқеа ва ҳодисаларини, далилларини таҳлил қила билишга асос яратадиган илмий тафаккурни ривожлантириш;
- миллий ва жаҳон маданиятини эгаллаганлик, таълим олиш жараёнини анг

лаганлик, ўзининг педагогик қобилиятларини такомиллаштириш, ўзини-ўзи ривожлантиришга йўналганлик, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш каби кенг доирани ўз ичига олган мустақил таълимни ташкил этиш;

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни индивидуаллаштириш орқали ақлий ва амалий фаолиятида ўзининг индивидуал услубларига эга бўлиш имконини берадиган таълимни ташкил этиш.

Педагог олимларнинг тадқиқотларида турли даражадаги педагогик ходимларнинг касбий компетентлигининг бошқа таркибий қисмлари ҳам кўрсатилади. Масалан, А.К.Маркованинг фикрича, таълим муассасаси раҳбари учун унинг таълимий компетенцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки бу компетенция бошқарув ходимларининг касбий ва шахсий жиҳатдан ўсишининг мазмуний ва технологик томонларини таъминлашга хизмат қилади. Таълимий компетенция раҳбар ходимнинг “Менконцепцияси”ни ва унинг узлуксиз касбий таълимда бошқарувчилик ролини, узлуксиз равишда касбий ва шахсий жиҳатлардан ўзини-ўзи такомиллаштириб боришга, таълимий жиҳатдан маҳсулдорликка тайёрлигини шакллантиришни кўзда тутади [4].

Кўпгина илмий-педагогик тадқиқотларда “педагогик компетентлик” тушунчасидан фойдаланилади, бунда ушбу тушунча икки хил маънода ишлатилади.

Биринчи ҳолда касбий компетентликнинг бир кўриниши бўлиб, муайян касбий соҳа вакилларига тегишли – таълим соҳаси (ўқитувчилар, педагоглар, таълим муассасалари ҳамда таълимни бошқариш органлари раҳбарлари ва б.). Бу ҳолда мазкур атаманинг синонимлари сифатида “педагогнинг касбий компетентлиги”, “касбий-педагогик компетентлик”, “касбга оид педагогик компетентлик” каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин.

Иккинчи ҳолда, педагогик компетентлик – фаолияти педагогикага тегишли бўлмаган, лекин маълум бир даражада (қисман) педагогик йўналтирилганлиги мавжуд бўлган мутахассисларнинг касбий компетентлигининг таркибий қисми сифатида тушунилади. Уларга “инсон-инсон” тизимида, яъни одамлар, айниқса болалар ва ёшлар ишлайдиган кўпгина мутахассисларни киритиш мумкин (ижтимоий соҳа ходимлари, психологлар, реабилитологлар, ҳарбий қисмларнинг офицерлари ва б.).

Мазкур муаммо бўйича бажарилган илмий ишлар таҳлили натижаларига кўра, педагогик компетентликни ташкил этадиган қуйидаги асосий таркибий қисмларни аниқлаштириш мумкин:

– методологик, педагогик фаолиятнинг умумий методологиясини ўзлаштирилганлигини акс эттирувчи;

– фанга оид махсус, таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган билим ва кўникмалар соҳасига оид;

– методик, диагностика, ўқитиш, тарбиялаш ва назорат қилишнинг турли методикаларини билишни ҳамда уларни амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда қўллай олишни таъминловчи;

– махсус-психологик, таълим олувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга ола билиш, психологик усуллар ва педагогик мақсадларга эришиш йўлларидан оқилона ва тўғри фойдалана олиш имкониятларини берувчи.

Бундан ташқари, ҳар бир замонавий одам учун муҳим бўлган ижтимоий компетенцияларни эгаллаш зарурияти педагогнинг касбий компетентлиги тузилмасига индивиднинг турлича ижтимоий қарашларини ифодалаш имконини берувчи таркибий қисмни киритишни тақозо этади. Шунинг учун ижтимоий компетентлик

тузилмасида қуйидаги нисбатан мустақил ҳисобланадиган таркибий қисмларни (компонентларни) ажратиб кўрсатиш мумкин:

– ижтимоий-индивидуал компетентлик, ўзини бу дунёда инсон, индивид, шахс сифатида ҳис қилиш имконини берувчи;

– ижтимоий-фуқаролик компетентлиги, ўзини жамиятнинг аъзоси, фуқаро сифатида ҳис қилиш имконини берувчи;

– коммуникатив компетентлик, бошқа одамлар билан муваффақиятли ўзаро мулоқот олиб бориш имконини берувчи;

– ахборот компетентлиги, кенг ахборот майдонида эркин ҳаракатлана олиш ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, олий таьлим муассасаларида етук малакали кадрларни тайёрлаш тизимида таьлим олувчи ва таьлим берувчилар ўртасидаги субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект муносабатларига ўтилиши таьлим жараёнини компетентли ёндашув асосида қурилишига замин яратди.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигининг мазмунли тузилмаси таълим тизимидаги ҳар қандай туб ўзгаришларнинг бошланишида аниқлаб олинадиган мутахассис модели учун асос қилиб олинган. Касбий компетентлик мазмуний тузилмасининг ҳар бир компонентига алоҳида, фанга оид махсус компетентлик сифатида қараш мумкин, негаки, уларнинг ҳар бири мураккаб, уч даражали тузилишга эга бўлган компонентли тузилмадан иборат.

Шахснинг ўзига хос, интегратив сифати ҳисобланадиган компетентликнинг тизимни ҳосил қилувчи, марказий компоненти – билиш воситаларига оид компетентлик бўлиб, у иккита таркибий қисмдан иборат: моддий-мотивацион ва рефлексивлик - креативлик. Назарий ва амалий билимларни амалий ҳаракатларнинг мослашувчан, ўзгарувчан ва тезкор шаклларига кўчиришнинг бу воситаларини эгаллаганлик тизимли компетентликни ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – с. 70-71.
2. Половникова А.В. Обществознание. Учебник для 10 -11 класса: Базовый уровень. – М.: Просвещение, 2017. – С. 208.
3. Султонова Ў.Н. Физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2007.– 22б
4. Усова А.В. Теория и практика развивающего обучения, индивидуально-личностного подхода в обучении. – Челябинск: ЧТУ, 1996. – С. 45.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУА ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ТЎРАБЕКОВ ФАРХОД САНАҚУЛОВИЧ
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инновацион таълим” кафедраси доценти
ШАРИПОВ БЕГЗОД ДИЛМУРОДОВИЧ
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратура талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълимда электрон ўқув – методик мажмуалар яратишда дидактик воситалардан фойдаланиш ва замонавий ахборот технологиялари муҳитида электрон ўқув-методик мажмуанинг таълим воситалари сифатида қўлланилиши, бунда таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш, тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиши ўқув материалларини визуаллаштириш шулар орқали ўқувчилар касбий компетентлигини шакллантириш ахборот таълим муҳити билан самарали интерактив ўзаро алоқаларига эришиш йўлида техник тажрибани имитация қилиш ҳамда лойҳалаштириш, моделлаштириш технологиясидан фойдаланувчи виртуал лабораториялар келтирилган.

Калит сўзлар: Профессионал таълим, ўқув – методик мажмуа, ахборот технология, ахборот-рецептив, виртуал реаллик, Электрон ўқув-методик мажмуа, интернет, интерактив ўзаро алоқаларга, компьютер графикаси ва аннимация..

Аннотация. В статье рассматривается использование дидактических инструментов при создании комплексов электронного обучения в профессиональном образовании и использование комплексов электронного обучения в качестве учебных пособий в среде современных информационных технологий, включая индивидуализацию и дифференциацию учебного процесса, самоконтроль. учебной деятельности студентов, виртуальные лаборатории с использованием моделирования и проектирования, технологии моделирования технического опыта с целью достижения эффективного интерактивного взаимодействия с информационной средой обучения.

Ключевые слова: Профессиональное образование, учебно-методический комплекс, информационные технологии, информационно-приемная, виртуальная реальность, Электронный учебно-методический комплекс, Интернет, интерактивные взаимодействия, компьютерная графика и анимация.

Annotation. The article discusses the use of didactic tools in the creation of e-learning complexes in vocational education and the use of e-learning complexes as teaching aids in the environment of modern information technologies, including the individualization and differentiation of the educational process, self-control. educational activities of students, virtual laboratories using modeling and design, technology for modeling technical experience in order to achieve effective interactive interaction with the information learning environment.

Key words. Professional education, educational and methodological complex, information technology, information reception, virtual reality, Electronic educational and methodological complex, Internet, interactive interactions, computer graphics and animation.

Замонавий ўқув-методик мажмуалар ўқув материалларининг турли шакллари (электрон, қоғоз ва ҳоказо) мажмуаси бўлиб, улар фанларнинг касбий таълим дастурларига мос келувчи, аудитория машғулотларининг барча турлари ва мустақил таълимни ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштиради.

Ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг муаммоли усули ахборот-рецептив ва репродуктив методлари билан биргаликда кенг қўлланилади. Бу муҳитда

электрон ўқув-методик мажмуалар таълим мазмунини тақдим этиш, тингловчининг билиш фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш воситалари сифатида ишлатилади. Айнан бир ўқув материали бир қанча воситалар, масалан, нашр, аудио-видео, флешкалар кўринишида тақдим этилиши мумкин. Ўқитишнинг ҳар бир воситаси ўзига хос дидактик имкониятларга эгадир. Ўқитувчи бундай имкониятларни яхши билиши ва ўқув материалларини ушбу воситалар бўйича тақсимлай олиши, улардан дидактик масалалар ечимига қаратилган ўқув ахборотларни узатиш тизими сифатида фойдаланиши мумкин.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида электрон ўқув-методик мажмуанинг таълим воситаларига қуйидагилар киради:

ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг электрон версиялари;

компьютер мультимедиали ўргатувчи тизимлар;

аудио ўқув-ахборот материаллари;

видео ўқув-ахборот материаллари;

виртуал лаборатория ишлари;

тренажёрлар;

маълумотлар ва билимлар базаси;

электрон кутубхоналар;

эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари;

виртуал реаллик асосидаги ўқитиш воситалари.

Таъкидлаш лозимки, таълимнинг электрон воситалари замонавий ахборот технологиялари орқали жорий этилади. Анъанавий дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бошқа нашр материалларининг электрон форматдаги нусхалари электрон ўқув-методик мажмуалар яратишда ишлатилади.

Электрон дидактик материалларни яратишда дастлаб қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратмоқ керак:

электрон ўқув қўлланмалари таркибан асосий мазмунни ёритиши ва уни изоҳлаш учун қўшимча ўқув ахборотларини олиш бўйича гипермурожаатлар берилганлиги;

ўқув материалларини таркибий тузилмасини шакллантиришда модул тизимидан фойдаланилиши;

мустақил таълимни ташкил этиш ва ўқув материалларини ўрганиш бўйича батафсил йўриқноманинг келтирилиши;

назорат топшириқлари, ўз-ўзини текшириш саволлари, тест топшириқларининг бўлиши.

Электрон ўқув-методик мажмуалар ташкилий-методик, ахборот-ўргатувчи ва назорат қилувчи дидактик функционал блоклардан ташкил топади. Мажмуанинг педагогик-психологик вазифалари ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, ўқувчилар билан ўқитувчилар орасидаги дидактик мулоқот ва таълим воситалари орқали амалга оширилади. Бунда таълим мақсадларига эришишда педагогик дастурий воситалар:

- таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- тингловчининг ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиш ва тўғри йўналтириш;
- компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш;
- ўқув материалларини визуаллаштириш;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш;
- ўқувчиларни ўз-ўзларини назорат этиш;
- турли педагогик вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- фикрлашнинг аниқ бир шакли (кўргазмали-образли, назарий) ни ривожлантириш;

- касбий билимларни эгаллаш мотивларини кучайтириш;

- билиш фаолияти маданиятини шакллантириш каби имкониятларни яратади.

Ахборот технологияларининг ривожланиши таълимга компьютер мультимедиа имкониятларини жорий этиш орқали янги истиқболларни очиб берди.

Электрон ўқув-методик мажмуа қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлишини тавсия этиш мумкин:

таълим йўналиши ёки мутахассисликнинг Давлат таълим стандарти;

Давлат таълим стандартига мос равишда яратилган намунавий дастур;

фаннинг мақсади, вазифаларини, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларининг мазмунини, назорат ҳамда курс ишларининг мавзуларини, масалалар, топшириқларни, якуний назорат саволларини ва фаннинг ўқув-методик таъминоти, мустақил ишни ташкил этишга доир йўриқномани ўзида мужассамлаштирган ишчи дастур;

ўқув-услубий харита ва календар тематик режалар;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув материалларининг электрон версиялари;

машғулотларда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш бўйича методик кўрсатмалар;

назарий билимларни қўллаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантирувчи амалий ҳамда лаборатория машғулотларининг методик таъминоти;

ўқув-малакавий амалиёт дастури, уни ташкиллаштириш бўйича методик қўлланма;

назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга қаратилган назорат топшириқлари ва тестлар;

фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича баҳолар тақсимоти, топшириқлар тури, баҳолаш мезонлари.

Электрон ўқув-методик мажмуанинг объекти маълум ўқув фанини ўқитиш бўйича қонуниятлар, илмий асосланган алгоритмларни, технологик ёндашувларни, шунингдек, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, мустақил ишнинг таълим ресурсларини ўз ичига олади. Мажмуадан фойдаланиб, ўқув жараёнини ташкиллаштириш, унда келтирилган таълим ресурсларидан фойдаланиш, педагог билан тингловчиларнинг ўзаро мулоқотлари компьютер ва коммуникация воситалари асосида амалга оширилади.

Фикримизга кўра, электрон ўқув-методик мажмуа воситалари ва таълимнинг ахборот-коммуникация муҳити қуйидаги асосий талаб ва вазифаларни бажарилишини таъминлайди:

- тингловчиларни ва уларнинг ахборот муҳитидан фойдаланиш фаолиятларини қайд этиш;

- педагоглар томонидан тингловчиларнинг мустақил фаолиятини маслаҳат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

- тингловчиларга зарурий ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш учун тавсия этиш;

- ўқув жараёнида, тингловчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни тест синовлари ёрдамида ташкил қилиш;

- электрон ўқув-методик мажмуа базасида тингловчиларга тавсия қилинган ўқув материалларидан, қўшимча адабиёт ва бошқа воситалардан фойдаланиши учун таълим муассасаси ахборот ресурсларидан масофадан фойдаланиш имкониятини яратиш;

- виртуал лаборатория машғулотлари ва индивидуал амалий топшириқларни бажаришда масофадан туриб кафедра ўқитувчиларининг маслаҳати, шунингдек,

бошқа ёрдамларни уюштириш.

Бу талабларни амалиётга жорий қилиш – ахборот-таълим муҳитини яратишни ва фан бўйича ўқув-методик мажмуанинг шаклланганлик даражасига кўра, уни босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради. Тадқиқот ишларимиз натижасида электрон ўқув-методик мажмуани шакллантириш ва амалиётга жорий этишнинг қуйидаги тўртта босқичи таклиф этилди.

Электрон ўқув-методик мажмуани шакллантиришни биринчи босқичида ўқув дастурлари, маърузаларнинг матнлари, назорат учун мўлжалланган саволлар, фаннинг мазмунини қамраб олувчи якуний назорат топшириқлари, лаборатория машғулотларининг рўйхати, баёни ва улар бўйича назорат саволлари, ўқув фани бўйича курс лойиҳалари, уларни бажариш бўйича индивидуал топшириқларга оид методик тавсияномаларнинг электрон версиялари ишлаб чиқилади.

Иккинчи босқичда яратилган ўқув-методик материалларни жойлаштириш учун дастурий платформа ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда фанлар бўйича электрон ўқув-методик мажмуа яратилиб, уни ўқитишнинг масофали ёки аралаш-анъанавий ва замонавий технологиялари бўйича ўзлаштириш имкониятлари таъминланади.

Тўртинчи босқичда тингловчининг билиш фаолиятига мос бошқариш элементлари киритилади ҳамда ўқув жараёнининг якуни бўйича тингловчи билим, кўникма ва малакаларининг Давлат таълим стандартларига мослигини аниқловчи дастурий таъминот орқали назорат ва мониторинг тизими яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўрабеков Ф. С. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш методикаси: Пед. фан. ном.… дисс //Тошкент: ТДПУ. - 2011. - Т. 177.
2. 2. Турабеков Ф. С. Основные подходы к созданию электронного учебника по методике трудового обучения //Вестник Университета Российской академии образования. – 2010. – №. 4.
3. 3. TurabekovF. «AXBOROT TEXNOLOGIYALARI TEXNOLOGIK TA’LIMI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA MUSTAQIL TA’LIMNI SAMARALI TASHKIL ETISH VOSITASI SIFATIDA». Архив научных исследований, т. 1, вып. 44, февраль 2021 г.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Д.Р.РАХМАТУЛЛАЕВА
Педагогик инновациялар институти доценти, PhD., мустақил изланувчи
О.БАҚОЕВ
Вобкент тумани 2-сонли касб-ҳунар мактаби директори

Аннотация: Ушбу мақолада янги профессионал таълим тизими ва унинг мақсади ҳамда олдида турган устувор йўналишлар, шунингдек, профессионал таълим муассасаларида мавжуд жиҳозлар ва базасидан самарали фойдаланган ҳолда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ва ўз ўзини молиялаштириш масалалари ҳақида сўз юритилган.

Таянч иборалар: профессионал таълим, касбий, рақобатбардош, кадр, тадбиркорлик, амалий таълим, бюджетдан ташқари маблағ

Annotation: The article examines the new system of vocational education, its goals and priorities, as well as the issues of attracting extra-budgetary funds and self-financing through the effective use of existing equipment and premises in vocational education institutions.

Keyword: professional education, vocational, competitive, personnel, entrepreneurship, practical training, extra-budgetary funding**.**

Аннотация: В статье рассматривается новая система профессионального образования, ее цели и приоритеты, а также вопросы привлечения внебюджетных средств и самофинансирования за счет эффективного использования существующего оборудования и помещений в учреждениях профессионального образования.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессиональное, конкурентоспособное, кадры, предпринимательство, производственная практика, внебюджетное финансирование**.**

Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли бўлиб камол топишларида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ёшларимизнинг пухта билим олишлари, маълум бир соҳани тўла эгаллашлари ҳамда жамиятда ўз муносиб ўринларига эга бўлишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Шахс, жамият ва давлатнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришда профессионал таълим тизими сезиларли ўрин эгаллаб, у ҳам техникавий, ҳам ижтимоий (соғлиқни сақлаш, таълим, хизмат кўрсатиш ва б.қ.), ҳам бошқа соҳаларда мутахассисларни тайёрлашнинг кенг доирасини амалга оширмоқда. Шу боисдан, ўрта бўғин мутахассисларини меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ малакали ва сифатли кадрлар тайёрлаш, ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган, касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига ҳамда халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш мақсадида “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилиниб [1], унда профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш,ўқувчиларни ўз ўзини бандлигини таъминлашга ва ўз реал даромад манбаига эга бўлишга ўргатиш каби қатор вазифалар белгиланган.

Меҳнат бозорига кириб келаётган

ёшларнинг 70 фоизга яқини, айнан, ўрта профессионал таълим тизимига тўғри келади. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти учун бўлажак мутахассисларни тайёрлаш борган сари тизимли хусусиятга эга бўлиб бормоқда. Ўқувчилар тадбиркорлик компетенцияларини айнан, профессионал таълим муассасаларида эгаллайди ва битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятининг асослари билан фаол таништириш керак. Бунинг учун таълим муассасасаларида ўқиш жараёнларини амалий таълимга йўналтирлган ҳолда ташкил этиш лозим.

Амалий таълимга йўналтирлган ҳолда таълим жараёнларини ташкил этиш учун профессионал таълим тизимидаги таълим муассасаси жиҳозларидан ҳамда таълим муассасаси базасидан самарали фойдаланган ҳолда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ва таълим муассасасида бизнесни ташкил этиш, мустақил равишда хўжалик фаолиятини юритиш, таълим муассасасини молиялаштириш ҳамда ўқитувчи ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, профессионал таълим муассасаларида бизнес ва тадбиркорлик ҳамда уни ташкил этиш, унинг меъёрий ва ҳуқуқий асослари, тадбиркорликнинг шакллари бўйича маълум даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлишни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган қўшимча хизматларни тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштириш назарда тутилмайди. Бунинг сабабларидан бири кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини соғлом рақобат муҳитида доимо ошириб боришдир. Бугунги кунда молиялаштиришнинг турли усулларидан фойдаланиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш, бюджетдан ташқари маб лаг ишлаб топиш фаолиятини ривожлантириш шунингдек, таълим сифатини ошириш масалалари - профессионал таълим тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Таълим муассасаси ўзининг ташкил этилиш мақсадларига мос равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин ва топилган даромад моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтирилади.

Профессионал таълим тизимида ҳозирги кун шароитида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш орқали таълим муассасаларининг моддий-техник баъзасини, ўқитувчи ходимларнинг моддий ва маънавий хаётларини яхшилашга ва рағбатлантириб боришга, ўқувчиларга стипендиялар ташкил килиш, таълим муассасасида маъданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ишларига ҳамда жамиятимизда юкори ўринларда бўлишларига ёрдам беради.

Профессионал таълим тизимидаги мавжуд муассасаларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг молиявий таъминот даражасини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган таълим хизматлари кўрсатилиши, тадбиркорлик фаолиятини, маслаҳатлар бериш тизимини, экспертиза қилишни, ноширлик ишларини ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари йўлга қўйиши мумкинлиги; профессионал таълим муассасаси томонидан тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирадиган фаолиятдан олинган бюджетдан ташқари маблағлар белгиланган тартибда ишлатилаши; иқтисодиёт тармоқлари, хўжалик ва хизмат кўрсатиш соҳасида кадрларга бўлган реал эҳтиёж асосида кадрлар тайёрловчи қўшимча касблар ва мутахассисликлар, шартнома асосида қисқа муддатли ўқув курслари очиш; профессионал таълим муассасасида асосий таълим боскичидан ташқари тўлов контракт асосида кўшимча таълим хизматлари кўрсатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бунда таълим муассасасининг ўқувчиларни қабул қилиш имкониятлари, моддий-техник базанинг яратилганлиги, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталар таъминоти ва ўқиш истагидаги шахсларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади ҳамда таълим муассасасининг объектлари ва мол-мулкидан ўқув машғулотлари даврида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойда-

ланишга йўл қўйилмайди. Тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган маблағларни коллежнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга ва таълим-тарбия жараёнини замонавий ўқув-техник воситалар, мебеллар билан таъминлашга, коллеж ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари, ходимларини ижтимоий ҳимоялашга ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантиришга сарфлаш белгиланган [2].

Вобкент тумани 2-сон касб-ҳунар мактабида ҳам айнан, бюджетдан ташқари маблағ топиш мақсадида 7 йўналиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари, 16 та соҳа бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4962-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар мактабида 368 нафар яқин ишсиз фуқаролар, хусусан "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари" ва "Темир дафтар"га кирганларгақисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилиб, касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

Касб-ҳунар мактабида Бухоро вилоят тадбиркор аёл ассоциациясининг "Маҳаллий ривожланиш маркази" ташкил этилиб, ассоциация томонидан Марказда "Аёллар сартароши", "Ошпазлик", "Тикувчилик", "Компьютер саводхонлиги" устахоналари жихозланиб, ишсиз ва темир дафтардаги ёшлар, хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилмоқда. 2020 йилда давлат бюджети ва касб-ҳунар мактаби махсус ҳисоб рақами маблағлари ҳисобидан 90 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган 234 млн. сўмлик енгил конструкцияли ўқув устахона биноси қурилди. Устахонада электрпайвандлаш иши, дурадгорлик иши, токарлик иши устахоналари жихозлари жойлаштирилиб, ўқувчилар томонидан касб ўрганиш билан биргаликда дарсдан кейин пайвандлаш, дурадгорлик ва токарлик соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариб, қўшимча даромад ишлаб топиш йўлга қўйилган.

Касб-ҳунар мактабида ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, касб-ҳунар мактабига даромад ишлаб топиш мақсадида 16 та соҳа бўйича ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятлари ташкил этилган бўлиб, булар тикувчилик, асаларичилик, пайвандлаш, дурадгорлик, токарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нон(патир), миллий ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, спорт хизматлари, аёллар сартарошлиги хизмати, автомашиналарни ювиш, мой алмаштириш, компьютер хизматлари ташкил этилган.

Шунингдек, таълим муассасада Республика асаларичилар уюшмаси билан ҳамкорликда Асаларичилик йўналиши бўйича "Симуляцион марказ" ташкил этилган. Бундан ташқари касб-ҳунар мактаби махсус ҳисоб рақами маблағлари ҳисобидан асаларичилик хўжалиги ташкил этилган бўлиб, унда ўқувчилар асаларичилик касби бўйича амалий кўникмаларни эгаллашлари учун 40 та асалари оилаларини парваришлаб келмоқда.

Вобкент туман 2-сон касб-ҳунар мактаби махсус ҳисоб рақамига маблағ ишлаб топиш мақсадида келгусида:

1. Касб-ҳунар мактабида бир қатор лойиҳалар бўйича (чорвачилик, қуёнчилик ва балиқчилик, қўзиқорин етиштириш) ишларни ривожлантириш.

2. Касб-ҳунар мактаби жойлашган ҳудуд аҳолисига пуллик таълим хизматини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги "Автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 408-сонли қарорига асосан ҳайдовчиларни тайёрлашни йўлга қўйиш.

Демак, профессионал таълим муассасаларининг директорлари ва бошқарув ходимлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш учун кўпроқ куч, ғайрат, билим ва профессионалликка эга бўлишлари керак. Таълим муассасаси томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш директор ва бошқарув ходимларидан нафақат ташаббускорликни, балки улардан муассасасининг ҳуқуқий ва иқтисодий ҳолатини аниқ тушунишни ҳам талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сонли қарори.
3. Д.Рахматуллаева Геология-минерология соҳаси бўйича касб-ҳунар мактабларида бюджетдан ташқари маблағ топиш асослари //“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги Республика миқёсида ўтказиладиган 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференцияси. -Тошкент: «Tadqiqot», 2021. – 25-26 б.

ФАКТОРЫ РИСКА СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ И СПОРТИВНОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ СПОРТСМЕНОВ

Ф.Ҳ КАРИМОВ
доцент ТМИ

Аннотация. В статье определены основные факторы риска состояния здоровья и спортивной подготовленности спортсменов в целях создания информационной модели.

Ключевые слова: профессиональное образование, инновационгон программное обеспечение, объект, субъект, научно-педагогическое, учебно-методическое, справка-информация, метод, предмет.

Введение. Рост нагрузок в спорте, приводящий к повышению уровня физического и психоэмоционального стресса, отражается на показателях здоровья. Согласно последним данным[1-12], показатели заболеваемости профессиональных спортсменов по основным нозологическим группам (сердечно-сосудистые заболевания, болезни органов дыхания, болезни нервной системы, травмы, дефицит витамина D и др.) в 1,5–3 раза выше среднестатистических цифр, а в ряде случае доходят до 8-кратного размера. И это при том, что данная группа является самой здоровой частью популяции. Многие заболевания протекают в скрытой форме и диагностируются только на позднем этапе, когда патологические изменения носят необратимый характер и становятся причиной вынужденного завершения спортивной карьеры. Поэтому чрезвычайно важную роль в спорте играет ранняя многокомпонентная диагностика и формирование программ профилактики и лечения, основанных на динамическом анализе всей текущей и предшествующей информации о здоровье и отклонениях. Создание информационной модели, основанной на знаниях, включающей в свой состав электронный паспорт здоровья спортсмена и базу знаний в области состояния здоровья спортсменов, обеспечивающей повышение эффективности детского, юношеского, массового и профессионального спорта, является, несомненно, обоснованным и актуальным направлением исследований.

Основная часть. Динамическое наблюдение за состоянием спортсменов сегодня можно реализовать с помощью современных информационно-коммуникационных технологий[13-19]. Сложность рассматриваемой системы требует создания, помимо информационно-аналитических задач, задач, реализующих методы искусственного интеллекта, в части автоматического вывода экспертных заключений, рекомендаций по лечению, профилактике, реабилитации, объемам и интенсивности тренировочного процесса, рационам питания и пищевым ограничениям.

Современный уровень развития профилактического здравоохранения и медицины характеризуется все большим влиянием генетической диагностики. На основании комплексного анализа данных анкетирования, генетических, лабораторных, инструментальных исследований появляется возможность прогнозировать появление и предупреждать развитие заболеваний, персонифицировать меню, оттачивать объемы и интенсивность физических нагрузок, наконец, проводить спортивную и медицинскую селекцию в детско-юношеском спорте. Зачастую только совокупность знаний при интер-

претации результатов исследований и их грамотное аналитическое сопровождение, не требующие физического контакта узкопрофильного специалиста и спортсмена, дают полную картину состояния спортсмена, прогноз на будущее и определяют тактические способы коррекции. Особую актуальность имеет текущий контроль состояния спортсмена врачом спортивных команд с помощью информационно-коммуникационных технологий, позволяющий на сборах в условиях ограниченного времени исполнить все предписания профильных медицинских специалистов.

Мы предлагаем сгруппировать и конкретизировать основные причины и факторы риска следующим образом:

1. Недочеты системы отбора и допуска к спортивным тренировкам:

• допуск к тренировкам в составе команд высокой квалификации лиц с нарушениями в состоянии здоровья. Особенно опасны очаги хронической инфекции, а также перенесенный ревматизм, воспалительные заболевания сердца, печени и почек, врожденные дефекты и пороки сердца;

• неучет наследственности, семейных заболеваний, ранних смертей в семье;

• тренировки и соревнования в болезненном состоянии (острые заболевания или обострения хронических) или при недостаточном восстановлении после них, что сопровождается аллергизацией организма, снижением иммунитета, чрезмерным напряжением функций при нагрузках, склонностью к рецидивам, осложнениям, перенапряжению, падению работоспособности;

• несоответствие морфофункциональных особенностей избранному виду спорта, что увеличивает для организма «цену» нагрузки и спортивного результата, обусловливая чрезмерное напряжение адаптационных механизмов;

• несоответствие возрастов.

2. Нарушения режима и методики тренировки:

• нерегулярная, неритмичная тренировка;

• форсированная тренировка (это особенно опасно для юных спортсменов, не достигших еще должного уровня развития адаптационных механизмов; в периоде полового созревания);

• монотонная, узкоспециализированная тренировка, без переключения, варьирования условий и средств подготовки (особенно на ранних этапах спортивной специализации, а для квалифицированных спортсменов - после достижения спортивной формы);

• неправильное сочетание нагрузок и отдыха, отсутствие условий и средств восстановления;

• длительная тренировка на фоне недовосстановления утраченной адаптации;

• частые напряженные соревнования и участие в них без необходимой подготовки и на фоне недовосстановления;

• отсутствие учета возраста, пола, индивидуальных физических и психологических особенностей спортсмена;

• психологическая несовместимость с тренером и участниками;

• отсутствие психологической разгрузки;

• неправильное использование фармакологических и других сильнодействующих средств восстановления и повышения спортивной работоспособности;

• употребление допингов;

• частая и массированная сгонка веса;

• недостаточная предварительная адаптация к тренировке и соревнованиям в непривычных условиях среды;

• включение в программу соревнований новых видов спорта без достаточного предварительного изучения их влияния на организм (особенно для женщин).

3. Нарушение требований гигиены и здорового образа жизни:

• неудовлетворительное состояние мест занятий, инвентаря, обуви и одежды тренирующихся;

• неблагоприятные погодные условия и экологическая обстановка;

• несбалансированное, несвоевременное, не соответствующее требованиям вида спорта и этапа подготовки питание, низкое качество продуктов и приготовления пищи;

• отсутствие витаминизации;

• употребление алкоголя, никотина, наркотических средств;

• недочеты в организации занятий и дисциплины;

• неблагоприятные бытовые условия;

• неправильное сочетание тренировки с учебой или работой;

• частые стрессовые ситуации в спорте, на работе (учебе), в быту и семье;

• отсутствие общей и санитарной культуры.

4. Недочеты врачебного и педагогического контроля, лечебно-профилактической работы:

• нерегулярная и некачественная диспансеризация;

• отсутствие регулярных врачебных и врачебно-педагогических наблюдений;

• недостаточная эффективность методов контроля, их несоответствие виду спорта;

• неумение спортсмена вести самоконтроль, недостаточность медико-биологических знаний, неумение оценить свое состояние и его изменение под влиянием различных факторов;

• несвоевременное и некачественное лечение травм и заболеваний в процессе занятий спортом;

• отсутствие закаливания и средств повышения специфической и неспецифической устойчивости организма;

• недостаточное и неправильное (без учета медицинских показателей) санаторно-курортное лечение или его отсутствие;

• отсутствие обоснованной системы профилактики;

• плохой контакт в работе врача и тренера: отсутствие должных медико-биологических знаний у тренера, его неумение использовать данные врачебного контроля, недостаточное участие врача в планировании и коррекции тренировочного процесса.

5. Специфические факторы отдельных видов спорта:

• недостаточный учет особенностей их воздействия на организм;

• отсутствие специальной профилактики и защитных приспособлений;

• недостаточное оздоровление специальной среды (воды в бассейне, состояния трасс и пр.);

• повторные нокауты и нокдауны - падения с нарушением правил допуска после черепно-мозговой травмы.

В связи с изложенным выше материалом можно предложить следующую последовательность действий при организации тренировочного процесса:

• составление программ тренировок с планированием реабилитации и лечения (с учетом избранного вида спорта);

• исследование состояния здоровья спортсменов в динамике тренировочного процесса;

• коррекция программ тренировок, реабилитации и лечения с учетом выявленных изменений.

Авторами разрабатывается информационная модель для всесторонней оценки и коррекции состояния здоровья и спортивной формы высококвалифицированных спортсменов национальных сборных Узбекистана, с помощью которой будет возможным установить связи между различными показателями спортивной формы и состояния здоровья атлетов. Использование информационной модели позволит спортивным врачамизбежать

ошибок, связанных с необходимостью обработки большого массива информации, полученных в процессе физического и медицинского обследования спортсменов, с внедрением новых диагностических и терапевтических подходов. Регулярный мониторинг спортсменов имеет основополагающее значение для определения отношений между нагрузкой и риском заболевания. Это включает в себя точные измерения и мониторинг спортивных и не спортивных нагрузок спортсменов, их работоспособность, самочувствие, медицинские показатели. Преимущества мониторинга: позволяет выяснить причины изменений работоспособности и чрезмерной усталости и определить соответствующие методы восстановления, определение объемов нагрузки с минимизацией и риска дизадаптации, травм и болезней.

Своевременное определение и устранение негативных факторов, влияющих на физическую форму и здоровье спортсменов, оптимизация спектра методов диагностики и лечения выявленных заболеваний и оценка их эффективности, прогнозирование динамики улучшения/ухудшения спортивной формы при определенных физических нагрузках и развития неблагоприятных состояний приведет к улучшению качества первичной профилактики, ранней диагностике и лечения выявленных заболеваний.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Umarov, J., Kerimov, F., Toychiev, A., Davis, N., Osipova, S. Association of the 25(OH) Vitamin D status with upper respiratory tract infections morbidity in water sports elite athletes // Journal of Sports Medicine and Physical Fitness. 2019. №59(12). pp. 2058-2065.
2. Kerimov F.A., Islamova J.I., Davis N.A., Syrov V.N., Osipova S.O. Intestinal parasitic diseases in junior wrestlers : imitation of overtraining syndrome // Intern. J. Wrestling Science. Sept. 2014. Vol.4, Issue 2. pp. 15-18.
3. Holick MF. Vitamin D deficiency // N. Engl. J. Med.; 2007; 357(3):266-281. doi: 10.1056/NEJMra070553.
4. Dahlquist DT, Dieter BP, Koehle MS. Plausible ergogenic effects of vitamin D on athletic performance and recovery // J Int Soc Sports Nutr. 2015; 12:33.
5. Poudowski P, Grant WB, Bhattoa HP, Bayer M, Povoroznyuk V, Rudenka E et al. Vitamin D Status in Central Europe // Int J Endocrinol. 2014. pp. 587-589.
6. Cardoos N. Overtraining syndrome // Curr Sports Med Rep. 2015 May-Jun;14(3):157-8.
7. Nieman D., Nehlsen-Cannarel S., Fagoaga O. et al. Immune function in female elite rowers and non-athletes // Br. J. Sport. Med. 2000. Vol.34. no. 3. pp. 181-187.
8. Blume K., Nina Körber N., [...], Wolfarth B. Training Load, Immune Status, and Clinical Outcomes in Young Athletes: A Controlled, Prospective, Longitudinal Study // Front Physiol. 2018; 9:120.
9. Simpson R.J., Kunz H., Agha N., Graff R. Exercise and the Regulation of Immune Functions // Prog Mol Biol Transl Sci. 2015;135:355-80.
10. Гаврилова Е. А. Современные представления о синдроме перетренированности / Е. А. Гаврилова // Спортивная медицина: наука и практика. – 2013. – № 1 (10). – С. 77–78.
11. Гладков В. Н. Некоторые особенности заболеваний, травм, перенапряжений и их профилактика в спорте высших достижений / В. Н. Гладков. – М. : Сов. спорт, 2007. – 386 с.
12. Дорофеева Е. Е. Современные представления о методах реабилитации и метаболической защиты спортсменов высокого класса / Е. Е. Дорофеева, И. В. Карпенко // Теорія і практика фізичноговиховання : наук.-метод. журн. – 2013. – № 2. – С. 133–139.
13. Narzullaev D.Z. Conversion of feature types in the analysis of heterogeneous data in scientometrics // International Scientific and technical conference "Role of scientific - technical information in the development of innovation activity". 2012. Tashkent. pp. 242-245.
14. Nishanov, A.K., Djurayev, G.P., Khasanova, M.A. Improved algorithms for calculating evaluations in processing medical data // Compusoft. 2019. Vol. 8, Issue 6. pp. 3158-3165.
15. ЖуравлёвЮ.И. Избранные научные труды. М.: Магистр. 1998. 420 р.
16. ЖуравлёвЮ.И., КамиловМ.М., Туляганов Ш.Э. Алгоритмы вычисления оценок и их применение. Ташкент: ФАН, 1974.
17. Kamilov M.M., Nishanov A.K., Beglerbekov R.J. Modified stages of algorithms for computing estimates in the space of informative features // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. April 2019. Vol. 8. Issue 6. pp. 714-717.
18. Никифоров А.М., Фазылов Ш.Х. Методы и алгоритмы преобразования типов признаков в задачах анализа данных. Ташкент: ФАН, 1988. 131 с.
19. Флах П. Наука и искусство построения алгоритмов, которые извлекают знания из данных. Пер с англ. под ред. А.А. Слинкина.М.: ДМКПресс, 2015. 400 с.

„DEVONU LUG‘ATIT TURK“ ASARIDAGI SOMATIZM KOMPONENTLI MAQOLLARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATI

AKBARALIYEVA XURSHIDA SHAVKATJON QIZI
Navoi shahar 4-sonli maktab o‘qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur maqolada somatizm komponentli maqollarni zamonaviy tilshunoslikda tutgan o‘rni va lingvo madaniy xususiyatlari tahlil qilindi

Kalit so‘zlar: somatizm, ibora, frazeologiya, frazeologik birlik, frazeologizm.

Аннотация. В статье анализируются роль и лингвокультурные особенностистатей компонента соматизма в современной лингвистике.

Ключевые слова: соматизм, выражение, фразиология, фразиологическая еденица, фразиологизм.

Annotation. The article analyzes the role and linguocultural features of somatism component articles in modern linguistics.

Key words: somatism, expression, phraseology, phraseological units..

Ma’lumki, fikrimizni ifodalayotganimizda bir necha so‘zlarning birikishidan tashkil topgan tilimizdagi tayyor birliklardan foydalanamiz. Bunday birikmalar tilda tayyor holatda bo‘lib tilning jozibasini, ta’sirchanligini oshirib, ular barqaror birikmalar deyiladi. Barqaror birlikmalar quyidagi turlarga bo‘linadi:

- frazeologizmlar
- maqollar va matallar
- aforizmlar va idiomalar kiradi.

Ushbu barqaror jumlalar o‘zbek tilshunosligida o‘rganilishi dolzarb masalalardan biri sanaladi.

Maqollar xalqning hayotiy tajribasi, donishmandligi natijasidan kelib chiqadi. Ular nutq jarayoniga qadar tilda tayyor birikma sifatida mavjud bo‘ladi.

Grammatik jihatdan gap holida shakllangan, to‘g‘ri ma’noda qo‘llaniladigan, xalq donishmandligi natijasida yuzaga keladigan barqaror birikmalar matallar sanaladi. Maqollar va matallar har ikkalasi ham xalqning hayotini uzoq davrlar mobaynida kuzatish orqali hosil qilgan hayotiy tajribasining ixcham shaklda ifoda topishidir.

Ma’no yaxlitligiga ega bo‘lgan va nutqiy jarayonga qadar ikki va undan ortiq so‘zlarning barqaror munosabatda tashkil topgan, nutqqa tayyor olib kiriluvchi ko‘chma ma’nodagi tayyor birikmalarga frazeologizmlar deyiladi. Ferdinand de Sossyur o‘z davrida frazeologizmlarni tildagi tayyor birliklar sifatida qayd etgan.

Ushbu maqolamizda barqaror birliklarning tarkibiy qismini tashkil etuvchi somatik komponentli maqollar xususida so‘z yuritamiz.

Jahondagi ko‘plab tillarda yaratilgan maqollarning asosiy qismini somatik komponentli maqollar tashkil qiladi. Somatik komponentli maqollarning tarkibidagi somatizmlar, ya’ni tana a’zolari nomlarini bildiruvchi so‘zlar qatnashgan birliklardir. Somatik frazeologiyada har bir xalqning ko‘p asrlik tajribasi, turmush tarzi, madaniyati, ma’naviyati, urf-odatlari va an’analari o‘z aksini topgan bo‘ladi.

Somatik frazeologizmlarning ilk tadqiqotchilaridan biri F.Bakk sanaladi. U butun dunyodagi frazeologizmlarni uch

guruhga: faqat odamlarni tasvirlaydigan, odamlar va hayvonlarni tasvirlaydigan iboralarga ajratdi. Keyingi yillarda somatik frazeologizmlar qiyosiy planda turli tizimdagi tillar doirasida o‘rganila boshlandi. Xususan, Y.Dolgopolov (rus, ingliz va nemis tillarida somatik frazeologizmlar), M.Abilgaliyeva (qozoq va nemis tillarida somatik frazeologizmlar) kabi olimlarning tadqiqotlarida muhim yutuqlar qo‘lga kiritildi. Ushbu maqolamizda somatik frazeologizmlar haqida emas somatizmlar qatnashgan maqollarni lingvokulturologiyaning obyekti sifatida tahlilga tortamiz.

Maqolamizning asosini Mahmud Koshg‘ariyning „Devonu lug‘atit turk“ („Turkiy so‘zlar devoni“) asarida keltirilgan somatik komponentli maqollarning lingvomadaniy xususiyatini aniqlashga bag‘ishladik. Bu asar Sharqiy Turkistondan Kasbiy dengizi bo‘ylarigacha bo‘lgan ulkan hududda yashagan turkiy xalqlarning tili va madaniyatini o‘zida mujassamlashtirganligi bilan nihoyatda bebahodir.

Mahmud Koshg‘ariy to‘plagan maqollar juda qadimdan turkiy tillarda mavjud bo‘lgan va ular turli urug‘ va qabila vakillarida yozib olingan. Eng qadimgi turkiy xalqlarning til xususiyatlarini o‘rganishda bu materiallar kata ahamiyat kasb etadi. Maqollar hozirgi o‘zbek adabiy tilining rivojlanishida, til va meyorlarning o‘sishida alohida rol o‘ynaydi. Maqolamiz uchun 16 ta somatizmlar (tana a’zolari) qatnashgan maqollarni „Devonu lug‘atit turk“ tarkibidan ajratib oldik.

Bu borada lingvokulturologik obyekt bo‘la oladigan maqollarni quyidagicha tahlil qilamiz:

„Quruq qashuq ag‘izga jaramas, quruq so‘z quloqqa jaqishmas“ (Quruq qoshiq og‘izga yoqmas, quruq so‘z quloqqa yoqmas). Quruq qoshiqni og‘izga solgan bilan qorin to‘ymaydi. Shunga o‘xshab quruq so‘zdan ham naf yo‘q. Qoshiqni boshqa maqsadda emas aynan taomlanish uchun og‘izga solinishi kerakligini madaniyat jihatdan ham bog‘liqligini ko‘ryapmiz. Hozirda „Quruq qoshiq og‘iz yirtar“ maqoli mavjud va u aynan o‘sha ma‘noni bermasa ham o‘zgargan holda yetib kelgan. „Quruq“ leksemasi bu yerda tarbiya, yo odob, yoki biror kimga foyda, naf keltirmaydigan so‘z ma’nosida qo‘llanilyapti.

„O‘kuz azaqi bo‘lg‘incha, buzag‘u bashi bo‘lsa yik“ (Ho‘kizning oyog‘i bo‘lguncha, buzoqning boshi bo‘l). Kishining erki, mustaqilligi hamma narsadan muhim ekanligi „buzoqning boshiga“, bo‘ysunish, tobelik „ho‘kizning oyog‘iga“ o‘xshatilyapti. „Bosh“ leksemasi bu o‘rinda yuqori, „oyoq“ leksemasi esa quyi ya’ni antonimlik – zidlik, qarama-qarshilik aks ettirilgan. „Bosh“ va „oyoq“ leksemasi ozodlik va qaramlikni ifodalash uchun ham qo‘llanilyapti.

„Ag‘iz yesa ko‘z uyalur“ (Og‘iz yesa ko‘z uyalur). Bu maqol birovning biror narsasini yeganlar uning hojatini chiqarishi lozimligini ko‘rsatish uchun aytiladi. „Ko‘z“ leksemasi birov bergan taomdan yegandan so‘ng uning ishini bitirib berishligi, uyalish hissiyoti bilan bog‘langan. Uyat, andisha turkiy xalqlar mentalitetiga xos bo‘lgan etalon sanaladi.

„Erik erni yag‘lig‘, ermagu bashi kanlig“ – tirishqoqning labi yog‘liq, erinchoqning boshi qonlik. Chunki tirishqoq ko‘p ishlab, yaxshi taomlar, go‘sht, yog‘lar topadi. Erinchoq o‘zining yalqovligi bilan ishdan qochadi. Xafalikdan boshini uradi, uni qonatadi. Bu maqol yalqovlikni tashlashga g‘ayrat bilan ishlashga aytiladi.

„Boshi qanlig“ bu yerda hayot yo‘lida yo‘liqadigan inson sinoviga nisbatan ham ishora qilinyapti

Izlik bo‘lsa er o‘ldirmas, ichlik bo‘lsa at yag‘rimas – choriq bo‘lsa, odamning oyog‘i og‘rimaydi, to‘qim bo‘lsa ot yag‘ir bo‘lmaydi. Bu maqol ish ketini o‘ylashga undab qo‘llanadi.

Erdam bashi til – odobning boshi til. Shirin tilli bo‘lgan kishi yuqori martaba topadi. Madaniyatimizda bolalarga salom berishni, shirinso‘z va muloyim bo‘lishni o‘rgatamiz. Yana yoshlikdan bolalarimizga kattalarga salom berishni, kichiklarni izzat qilishlikni o‘rgatamiz.Bu maqol ham madaniyatimizning tildagi ifodasidir.

Besh erangak tuz ermas – besh qo‘l barobar emas. Shunga o‘xshash odamlar ham bir – biridan farq qiladi.Bu yerdagi qo‘l leksemasi, besh barmoq, besh panja ma’nosini ifodalash uchun qo‘llanilgan. Jamiyatdagi tenglik yo tengsizlik haqida so‘z boryapti

Yalinguq urulmish qap ul, ag‘zi yazilib alqinur – odam bolasi puflab shishirilgan mesh kabidir, og‘zi ochilsa, el uni yo‘qotadi, so‘ndiradi.

Qulaq eshitsa, ko‘ngil bilir,

Ko‘z ko‘rsa, uzik kelir – quloq so‘zni eshitsa, ko‘ngil biladi, ammo ko‘z seviklisini ko‘rsa, shavq qo‘zg‘aladi.

Yag‘ini ataqlasa bashqa chiqar – dushmanni kichik hisoblasa boshga chiqadi, ya’ni bu bilan boshni halok qiladi, degan mazmun anglatadi. Ehtiyot bo‘l va dushmanni kichik hisoblama, demoqchi bo‘ladilar. Xalqimizda dushmanni kichik hisoblama u o‘zining yomonligi bilan kichik bo‘lsa ham ziyon keltira oladi degan hikmat bor.

It chaqiri atqa tegir,

At chaqiri itqa tegmas – chag‘ir ko‘zli it otga tenglashadi, ammo chag‘ir ko‘zli ot itga tenglasha olmaydi, chunki bu xil otning ko‘zi xira bo‘ladi. Inson biror qobilyati bilan yuqori mansab orttira oladi, lekin boy bolasi ekanligi boy otasining fazilati unda ham borligini anglatmaydi. Kishi mehnati va qobilyati bilangina natijaga erisha olishligi „chag ‘ir ko‘zli it otga tenglashadi“ deb o‘xshatilgan.

Karish yag‘iri o‘g‘ulqa qalur – ot kaftining yag‘iri o‘g‘ulga meros qoladi, chunki kift bo‘g‘inlar to‘planadigan joy bo‘lib u yerdagi yag‘ir tezda tuzalmaydi. Bu bilan yag‘irdan saqlanishga buyuriladi. Yana shuni aytish mumkinki turkiy xalqlar madaniyatida otasining aybi yo yaxshiligi o‘g‘liga meros qoladi chunki „olmaning tagiga olma tushadi“ maqoli ham yuqoridagi maqolga ma’no jihatdan bir xil deb ayta olamiz.

Eshyak ayur bashim bo‘lsa,

Sundurida suv ichkayman – eshak aytadi boshim omon bo‘lsa, dengizdan suv ichaman. Bu maqol maqsadga erishish uchun uzun umr orzu qiluvchilarga nisbatan qo‘llaniladi.

Tilin tugmishni tishin yazmas – til bilan bog‘langan tish bilan yechilmas. Bu maqol vadaga vafo qilishga undab aytiladi.Vadaga vafo erkaklarning nomusi kabi yuqori pog‘onada turadi.Aynan turkiy xalqlarda muhim qadriyat sifatida tilga olinadi.

Ko‘kka sag‘ursa, yuzga tushur – osmonga tupursa, yuzga tushar. Bu maqol o‘zidan katta bilan qarshilashish istaganda (og‘irlik) o‘ziga tushishiga aytiladi.

Bushlaglansa buxsuqlanur – kishi manmanlikka borsa, o‘rgatuvchini tahqir qilsa, qo‘li gardanida bo‘ynidabo‘ladi, tashvishi ortadi. Bu maqol faqat o‘zi bilganicha ish istovchilarga nisbatan qo‘llanadi. Manman kishi bo‘ynigacha

tashvishga botishiga ishora qilinyapti.

Bu o‘rinda Mahmud Koshg‘ariy butun turkiy qabilalar tilidan yozib olgan somatizmlar qatnashgan maqollarni 16 tasinigina tahlil qildik.Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki maqolada maqollardagi somatizmlar inson hayoti va uning boshiga tushadigan yaxshi va yomonliklarni tilning imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda o‘shatishlar misolida yoritilganligi aniqlandi. Turkiy xalqlarning tili va madaniyatini nechog‘lik boyligini maqollarda ming yillik hayoti, urf-odatini aks ettirganligi bilan ma’lum bo‘ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mahmud Koshg‘ariy ,,Devonu lug‘atit turk“. Tarjimon va nashrga tayyorlovchi S.M.Mutallibov. Tom I II III.– Toshkent,1960-1963. T.1. –1960.499 b.T.2.– 1961.427 b.T.3.– 1963.466 b.
2. Usmonova Sh.R. O‘zbek va turk tillarida somatik frazeologizmlar: f.f.n diss¬¬¬¬ – Toshkent, 1998. 136-bet.
3. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка:Дисс…кан.филол.наук.Т.,1976.-146 с.
4. BakirovB.U. Mahmud Koshg‘ariyning,,Devonulug‘otitturkasaridagimaqollarxususida // DLTvaTXMHJSTO‘ Samarqand, 2002.
5. Mahmudov N. O‘xshatishlar va milliy obraz. O‘zbek tili va adabiyoti. Toshkent, 2013.
6. ЛиловаА. Введениеобшуютеориюперевода. – М., 1985.
7. Internet saytlari
8. http//www.tdpu.uz Nizomiy nomidagi TDPU sayti.
9. http:/ www.pedagog.uz/ Pedagogik ta’lim muassasalari portal.
10. http://www.edu.uz/
11. www.google.uz

ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ, ИЖОДИЙ ВА МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ТЎРАЕВ МУЗАФФАР ФАРМОНОВИЧ
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада бўлажак муҳандис-дастурчиларни тайёрлашда АКТ соҳасини ривожлантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, касбий фаолиятга тайёрлашнинг юқори сифатли моддий-техник базасини таъминлаш, уларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари баён этилган. Бундан ташқари ушбу жараёнда саноат иш берувчилари билан кенг алоқаларни ўрнатиш, замонавий технологиялар ва ахборот технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган малака ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш орқали уларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Касбий фаолият, интеграллашув, интеллектуал ресурслар, касбий тайёргарлик, индивидуаллаштириш, компетенция, коммуникатив, технопарк, илмий-экспериментал, мотивация.

Аннотация: В данной статье возможности современных информационно-коммуникационных технологий получили широкое применение при разработке образовательных программ, обеспечении качественной материально-технической базы профессиональной подготовки с учетом тенденций развития ИКТ в подготовке будущих инженер-программистов. Кроме того, обсуждаются вопросы установления широких контактов с промышленными работодателями, обучения их профессиональной деятельности для организации квалификационных и производственных практик, направленных на использование современных и информационных технологий.

Ключевые слова: профессиональная деятельность, интеграция, интеллектуальные ресурсы, профессиональная подготовка, индивидуализация, компетентность, коммуникативная, технопарк, научно-экспериментальная, мотивация.

Abstract: In this article, the capabilities of modern information and communication technologies have been widely used in the development of educational programs, providing a high-quality material and technical base for professional training, taking into account the trends in the development of ICT in the training of future software engineers. In addition, the issues of establishing broad contacts with industrial employers, training their professional activities for the organization of qualification and production practices aimed at the use of modern and information technologies are discussed.

Keywords: professional activity, integration, intellectual resources, professional training, individualization, competence, communicative, techno park, scientific and experimental, motivation.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда ривожланиши, жаҳон иқтисодиётига интеграллашув таълим тизими соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар ва янгиликларни жорий этишни талаб этмоқда.

Таълим соҳасида қабул қилинган барча қарор ва фармонларда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш, мамлакатимизда ҳамда жаҳонда бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, замонавий мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандис-дастурчиларни тайёрлашнинг миллий ва жаҳон таълим тажрибасига асосланган ташкилий-педагогик механизмла-

рини такомиллаштириш орқали мамлакатимиз интеллектуал ресурслари потенциалини ошириш алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бўлажак муҳандис-дастурчиларни тайёрлашда АКТ соҳасини ривожлантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, дастурий таъминот муҳандисларини тайёрлаш учун янгича ахборот ва таълим муҳитини яратиш, талабаларга дастурий таъминот муҳандиси сифатида касбий тайёргарликни индивидуаллаштириш учун шахсий электрон муҳитни яратиш имкониятини бериш, касбий фаолиятга тайёрлашнинг юқори сифатли моддий-техник базасини таъминлаш, уларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, саноат иш берувчилари билан кенг алоқаларни ўрнатиш, замонавий технологиялар ва ахборот технология- ларидан фойдаланишга йўналтирилган малака ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ундан ташқари таълим жараёнида педагогик технологиялар, инновациялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор хорижий тажрибалардан таълим беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [1].

Олий таълим муассаларида таълим олаётган талабаларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун махсус фанларни ўқитишни самарали ташкил қилишни таъминлаш лозим.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги, мулоқот компетенцияси каби фазилатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш энг муҳим амалий аҳамиятга эга вазифалардан бири ҳисобланади [2].

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларидан фойдаланиб, шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш, касбий йўналганлик, мулоқот компетенциясини ривожлантириш ва унда мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялаш таълим жараёнининг асосий мақсадига айланиши лозим.

Талабаларни мустақил, ижодий ва мулоқот компетенциясини шакллантиришга хизмат қиладиган таълимнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

таълим жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этиш;

талабаларга тақдим этилаётган ахборотлар орасида алоқадорликнинг мавжудлиги;

ҳар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлиши [3].

Бўлажак мутахассисларнинг мустақил, ижодий ва мулоқот компетенциясини ривожлантириш учун асосан, ўз устида ишлашни тавсия қилинади. Талабаларни билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ялпи таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, мулоқотга киришиш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.

Муҳандис-дастурчиларни меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар асосида тайёрлаш, уларни

технологик жараёнларни автоматлаштириш, техник билимларни, замонавий дастурлаш технологияларни амалиётда қўллаш, жамоада ишлаш ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади [4].

Бўлажак мутахассисларни ахборот технологиялари муҳитида касбий фаолият юритиш компетентлигини ривожлантириш қуйидагилардан иборат:

Юридик - зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимояланиш ва ахборот хавфсизлигига риоя қилишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш;

Дастурий-техник - автоматлашган ахборот тизимлари ва алоқа тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш метод ва воситаларини эгаллаганлик;

Меъёрий-методик - фаолият тури билан боғлиқликда ахборот хавфсизлиги соҳасида шахсий ва жамоавий меъёрларга риоя қилиш;

Ижтимоий-маданий - жамият аъзолари ва шахсий қадриятлар тизимига таъсири нуқтаи назаридан ахборий фаолиятни қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқликда ахборот билан ишлаш фаолиятини бошқариш.

Бўлажак муҳандис-дастурчиларнинг креатив компетентликни шакллантиришнинг технологик босқичлари қуйидагилардан иборат:

мотивацияни фаоллаштириш;

ижодий муҳитни яратиш;

ижодий тавсифдаги ўқув-касбий вазифаларни қўллашда табақалаштирилган ёндашувга асосланиш;

рефлексия;

техник ва методик таъминотни яратиш;

тайёрловнинг барча босқичларида креатив салоҳиятни ривожлантиришнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш[5].

Шундай қилиб, замонавий таълим шароитида юқори малакали мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, уларни танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантирилиши, мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши давр талабидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида меҳнат бозори талабларига мувофиқ дастурчи-муҳандислик касбига бўлган талаб ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, олий таълим муассасаларида бўлажак дастурчи-муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антипов В.А., Бубнов А.А., Пылькин А.Н., Столчнев В.К. Введение в программную инженерию. Учебник. М.: КУРС: ИНФРА-М, 2018.-336 с.
2. Круглик В. С., Осадчий В. В. Формирование компетентности в области программирования у будущих инженеров-программистов // Интеграция образования. 2019. Т. 23, № 4. С. 587–606.
3. Ismailova, Z. K., Khimmataliev, D. O., Khashimova, M. K., Baybaeva, M. K., &Ergashev, B. B. (2020). Integrative approach to designing the content of secondary specialized vocational education. Opcion, 36(91), 25–41.
4. Turaev S.J. (2019) “Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics” Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1 : Iss. 10 , Article 55. –P. 292-297.
5. Turaev M. F. Training of future programmers for professional activity on the basis of modern information and pedagogical technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(8), 2020 Part II (164-168).
6. Turaev M. F. Communicative competence and professional success of a modern Teacher.The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2021, 3(02), 400- 403.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ТАЬЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

УМИРОВ ИЛҲОМ ИСКАНДАРОВИЧ
Жиззах политехника институти "Транспорт воситалари мухандислиги" кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада таълим жараёнига электрон ахборот таълим воситаларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, таълимда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти баён этилган. Шунингдек, дарс жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари, билимларнинг талабалар томонидан самарали ўзлаштирилишига хизмат қилиши асослаб берилган.

Таянч сўзлар: электрон таълим воситалари, узлуксиз таълим, эҳтиёж, дастур, дарслик, мультимедиа, фаоллик.

Аннотация: В статье рассматриваются педагогические условия внедрения электронных информационных средств в образовательный процесс, роль и значение инновационных технологий в образовании. Также утверждается, что важные аспекты использования инструментов электронного обучения в процессе обучения служат эффективному усвоению знаний учащимися.

Ключевые слова: средства электронного обучения, непрерывное обучение, потребность, программное обеспечение, учебник, мультимедиа, деятельность.

Abstract: The article discusses the pedagogical conditions for the introduction of electronic information tools in the educational process, the role and importance of innovative technologies in education. It is also argued that the important aspects of the use of e-learning tools in the teaching process serve to the effective assimilation of knowledge by students.

Keywords: e-learning tools, lifelong learning, need, software, textbook, multimedia, activity.

Олий таьлим тизимида электрон таьлим воситалари - бу ўз олдига қўйилган таълимий мақсадларга эришишга имкон берадиган, назарий асосланган таълим жараёнини амалга оширишнинг шакллари, услублари, усуллари ва воситаларининг йигиндиси. Бунда у тегишли илмий моделлаштиришга (лойиҳалаштиришга) таянади, бу жараёнда ушбу мақсадлар бир хил маънода берилади ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари ва сифатларини уни ривожлантиришнинг муайян босқичида объектив равишда босқичма-босқич ўлчаш ва баҳолаш имконияти сақланади.

"Электрон таьлим воситалари" ҳар қандай педагогик тизимда — илмий масалалар билан ўзаро муносабатда бўлган тушунчадир. Бу жараёнда илмий масала тузилмасида талабаларнинг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши лозим бўлган аниқланган сифатлари муайян шарт-шароитларда ўқитиш мақсадлари сифатида иштирок этади, у эса умумий ҳолда таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

Таълимда электрон таьлим воситаларини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида фаолият юритиш алгоритмининг умумлашган чизмасидан фойдаланиш мумкин. У ўқитиш ва тарбия қилишнинг бир нечта босқичларини ўз ичига олади:

- мўлжал олиш (таълим-тарбиявий-мақсадлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш);
- амалга ошириш (ўқитиш-тарбиялаш услублари, усуллари вав оситаларини кўзда тутилган кетма-кетликда амалга ошириш);
- назорат қилиш ва тузатиш.

Ҳар бир электрон таьлим воситасида,

шунингдек, қўйилган мақсадга эришиш учун унинг фаолият юритишини кузатиш, назорат қилиш ва тузатиш қоидалари тизимидан иборат бўлган бошқариш алгоритмидан фойдаланилади. Белгиланган ўқитиш-тарбиялаш мақсадларининг ҳар бирига эришиш учун педагогларнинг қатъий белгиланган ўқув-тарбиявий фаолиятини бошқариш алгоритмидан фойдаланилади. Бу нафақат ўқитиш-тарбиялаш жараёнининг муваффақиятлилигини баҳолаш, балки белгиланган самарадорликка эга бўлган жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш имконини беради.

Олий таълим тизимида ўзаро таъсир кўрсатиш услублари, усуллари ва воситаларини саралаш ва оқилона танлаб олиш электрон воситаларнинг ўзига хос вазифаси сифатида иштирок этади. Айнан улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятини белгилашда ҳамда педагогик фаолиятнинг мавжуд шарт-шароитлари, педагогнинг шахсий ўзига хос хусусиятлари ва унинг педагогик тажрибасини акс эттиришлари лозим.



Талабанинг шахсий хусусиятларини ёритиш ва аниқлаш масаласи электрон таълим воситаларининг масъулиятини янада оширади. Ушбу мақсадларда ўқув-тарбиявий жараённинг барча босқичларида талабанинг руҳий (психологик) тузилмаси танланган концепциядан фойдаланиш мумкин. Бироқ, сифатларнинг ўзини бир қатор шарт-шароитларга мувофиқ келиши лозим бўлган аниқлаш тушунчаларида изоҳлаб бериш зарур. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

- муайян сифатнинг бошқалардан

аниқ фарқланишини таъминлайдиган бир маъноли аниқлик;

• аниқлаш (ташхис) жараёнида баҳоланадиган сифатни аниқлаш учун тегишли воситаларнинг мавжудлиги;

• шахсий фазилат ўлчовларининг ишончли шкаласи бўйича шаклланганлик ва сифатларнинг турли даражаларини аниқлаш имкониятлари.

Олий таълим тизимида электрон таьлим воситалари моҳиятини тушунишнинг баён этилган умумий ёндашуви унинг етарли даражада мураккаблиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. У педагогик амалиётда шундай кутилмаган натижаларга эга бўладики, бутун ўқув жараёнига янги сифатларни бериш тўғрисида сўз очишга имконият беради.

Нима учун бугунги кунда таьлим жараёнига электрон таьлим воситаларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти туғилди? Биринчидан, анъанавий ўқитиш тизими, ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли "ахборотли ўқитиш" сифатида тавсифланади, чунки профессор-ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб бораётганлигини таъкидлаган ҳолда баҳоланмоқда.

Иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегаралганлиги, шунингдек, талабаларни ишлаб чиқариш жараёнига мукаммал тайёрлаш талаблари таълим тизимига янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз олий таьлим тизимида рўй бераётган туб бурилишлар ҳар бир таълим муассасасида таьлим бериш соҳасини жонлантиришни талаб этади, янгиликни жорий этиш йўли эса ҳар доим мураккабдир.

Таълим-тарбия жараёнининг энг асосий хусусиятлари — бу унинг яхлитлиги, тизимлилиги, даврийлиги ва технологиявийлигидир. Яхлитлик деганда тарбиялаш ва ўқитиш жараёнлари, шунингдек шахсни ривожлантириш ва шакллантириш жараёнларининг ажралмас бирлиги тушунилади. Тарбиялаш ва ўқитиш, гарчи илм-фан уларни фарқласада, бир-бирига боғлиқ ва кўп умумийликка эга.

Ўқитишнинг мазмунини асосан дунё ҳақидаги илмий билимлар ташкил этади. Тарбиянинг мазмунида меъёрлар, қоидалар, қадриятлар устунлик қилади. Ўқитиш асосан ақл-идрокка таъсир кўрсатади, тарбиялаш биринчи навбатда шахснинг истеъмол-далилий соҳасига айланган. Иккала жараён шахснинг онги ва хулқ-атворига таъсир кўрсатади ва унинг ривожланишига олиб келади. Қанчалик яқин бўлишига қарамай, бу ўзига хос жараёнлар бўлиб, илм-фан уларни тарбия қилиш назариясида ва дидактикада алоҳида кўриб чиқади.

Бунда замонавий шарт-шароитларда услубий тамойил ва айниқса долзарб ҳисобланган бутун педагогик жараённинг яхлитлиги таъминланади. Таълим жараёни ва тарбиявий тизим ҳам умумийликни ташкил этади, чунки жараёнлар тизимларнинг хусусиятларидан иборат. Айтиш мумкинки, таълим жараёнлари — бу тарбиявий тизим ҳолатларининг кетма-кет алмашинувидир.

Таълим жараёнини тизимли равишда кўриб чиқиш тизим ва жараённинг тузилмасини, шунингдек улар ўртасидаги алоқаларни ажратиб кўрсатилишини ифодалайди. Бу ҳар бирининг ўзига хос хусусияти, моҳиятини, бирининг бошқасига таъсири натижасида ўзгаришини англаб етишга ёрдам беради. Масалан, ўқитиш мақсади унинг мазмунини белгилаб бера-

ди, ўзлаштирганлик даражаси эса ўқитиш усулларини танлашга таъсир кўрсатади ва ҳ.к.

Замонавий электрон таълим воситалари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштиради. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини, фанлараро алоқаларнинг чуқурлашувини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда замонавий электрон таълим воситалари микро ва

макро дунёдаги, мураккаб қурилмалар ва биологик тизимлардаги ҳодиса ва жараёнларни компьютер графикаси ва моделлаштиришидан фойдаланиш асосида ўргатиш, жуда катта ёки жуда кичик тезликда содир бўладиган физик, кимёвий ва биологик жараёнларни қулай вақт ўлчамида тақдим этиш каби янги дидактик масалаларни ечишга ёрдам беради.

Таълимда замонавий электрон таъ-

лим воситалари муҳитининг шаклланиши фан соҳаларини ахборотлаштиришга, ўқув фаолиятини интеллектуаллаштиришга, таълим тизими инфраструктураси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори.
3. Р.Ҳамдамов, У.Бегимқулов, Н.Тайлоқов. (2010). Таьлимда ахборот технологиялари. Олий таьлим муассасалари учун ўқув қўлланма. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 120 б.
4. Дьяченко, С. А. (2007). Электронные средства обучения в деятельности преподавателя. Среднерусский вестник общественных наук, (2).
5. Пулатова, Д. Т. (2015). Таълимжараёнига электрон ахбороттаълимресурсларинижорийэтишнинг педагогик шарт-шароитлари. Современное образование (Узбекистан), (7).
6. Йўлдошев Ж.Ғ. вабошқалар. Интерфаолтаълимсифаткафолати. – Т.: «ЮНИСЕФ», 2008.

АКТ СОҲАСИДА КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ МОБИЛЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ШУҲРАТ КОМИЛОВИЧ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада АКТ соҳасида касб-таълими йўналиши талабаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида мобил компетентлигини ривожлантириш, уларни тайёрлашнинг миллий ва жаҳон таълим тажрибасига асосланган ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантириш орқали мобил билим олиш салоҳиятини ошириш масалалари баён этилган. Шу билан бирга мақолада АКТ соҳасида касб-таълими талабаларида креатив компетентликни шакллантиришнинг технологик босқичлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: мобил, компетенция,интернет-ресурслари, модернизация, концепция, интерактив хизматлар, автоматлаштириш, маълумотлар базаси, интеллектуал, ахборот хавфсизлиги, мотивация, рефлексия.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы развития мобильных компетенций студентов в сфере ИКТ, повышения потенциала мобильного образования за счет совершенствования и развития организационно-педагогических механизмов, их обучения на основе национальных и мировых образовательных опытов. Кроме того, в статье рассматриваются технологические этапы формирования творческой компетентности в профессиональном образовании студентов в сфере ИКТ.

Ключевые слова: мобильный, компетентность, интернет-ресурсы, модернизация, концепция, интерактивные сервисы, автоматизация, база данных, интеллектуал, информационная безопасность, мотивация, рефлексия.

Abstract: This article addresses the issues of developing the mobile competence of students in the field of ICT in the field of modern information and communication technologies, improving the organizational and pedagogical mechanisms of their training based on national and world educational experience. At the same time, the article discusses the technological stages of the formation of creative competence in vocational education of students in the field of ICT.

Keywords: Mobility, competence, internet resources, modernization, conception, interactive services, automation, database, intellectual, information security, motivation, reflection.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар фаровонликка эришишлари ва ривожланишлари учун, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёжи катта суръатлар билан ошиб бораяпти. Ахборот технологияларининг кундалик ҳаётимизга сингиб кетгани натижасида иқтисодий ўсишнинг фаоллашувига, дунё аҳолиси яшаш даражасининг яхшиланишига эришилмоқда. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин ахборот оқимининг таъминланиши бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради ва ижтимоий фаровонликни оширади.

Ҳозирги кунда барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар негизида айнан ахборот технологиялари турли сегментларининг юқори даражада ривожланганлиги ва самарали қўлланиши ётади. Яққол мисол сифатида ахборот технологияларининг

бир қатор сегментлари, хусусан, маълумотлар етказиш тармоқлари, ахборот интернет-ресурслари ва улар орасидаги электрон ҳужжат алмашинувини келтириш мумкин. Мамлакатимиз учун ахборот технологияларини ривожлантириш янги иқтисодий алоқаларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Лекин, бу жараён ахборот технологиялари соҳасида таълим стандартларининг ошиши, ушбу соҳада тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг касбий компетентлиги, миллий телекоммуникация тармоқларининг модернизациялашуви, ҳуқуқий базанинг шаклланиши оқибатида вужудга келадиган жамиятнинг маълум даражадаги АКТ таёргарлиги мавжуд бўлган ҳолатдагина содир бўлади [1].

Педагогик таълимни такомиллаштиришнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- касбий педагогик таълимнинг узлуксизлигини ташкил қилиш ва илмий изланиш фаолиятини олиб бориш учун ўқитувчиларнинг касбий имкониятларини ва қобилиятларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- таълим муассасаларининг заҳиравий-ахборот ва моддий-техник таъминотининг замонавий талаблар даражасидан орқада қолмаслиги учун курашиш;

- таълим жараёнида янги таълим натижаларига эришиш учун ўқитувчиларни ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишга ўргатиш.

Давлатимиз таълим тизимини янгилаш ўқув жараёнини ташкил қилишнинг янгича ёндашувларини излаб топишни талаб қилади.

Ёшларга таълим беришда замонавий технологияларни, интерактив методларни қўллаган холда амалга ошириш хозирги куннинг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади. Таълим беришда талабаларни мобил компетенциясини ривожлантиришга катта яхамият бериш лозим. Яъни мобил иловаларни ишлаб чиқишни такомилаштириш керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқан холда юртимиздаги Олий таълим муассасаларидан Тошкент ахборот технологиялари университетида “Мобил иловалар ишлаб чиқиш” фан сифатида киритилди.

“Мобил иловалар ишлаб чиқиш” фан долзарблиги ва унинг олий касбий таълимдаги ўрни хақида айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда мобил қурилмалари учун иловалар бозори кенгайиб бормоқда. Ушбу курсда биз асосий мобил операцион тизимлар, шу жумладан турли замонавий платформалар учун мобил иловалар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Мавзулар мобил қурилмалар операцион тизимлари, дастурлаш тиллари, дастурий муҳандислик, фойдаланувчи интерфейси дизайни ва мобил иловаларни ўз ичига олади. «Мобил иловалар ишлаб чиқиш» фани 6-семестрда ўқитилиши режалаштирилган бўлиб, ахборот ва коммуникация технологияларнинг ҳозирги пайтдаги тутган ўрни нуқтаи назаридан, «Мобил иловалар ишлаб чиқиш» фани ушбу соҳанинг бакалавриат йўналишлари талабалари учун ўрганилиши керак бўлган асосий фанлардан бири хисобланади.

Фанни ўқитишдан мақсад – мобил операцион тизимлар, шу жумладан турли замонавий платформалар учун мобил иловалар яратиш кўникмаларни шакллантириш.

Фаннинг вазифаси – Android, iOS платформаларида дастурий иловаларни ишлаб чиқиш ва тестлаш бўйича зарурий билимлар ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, мобил телефон ва переферия қурилмалари билан ишлаш, Java ва Swift дастурлаш тилларида иловалар яратиш, RESTful ва Non-RESTful тизимларида

иловаларни созлаш, web/cloud хизматларини яратиш ва уланиш, мобил датчиклар билан ишлаш, хавфсизлик ва ишончли бошқарув, махфийлик ва этика, қулайлик ва имконлилик тамойилларини ўргатишдан иборат.[2]

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- "Мобил иловалар ишлаб чиқиш" фанини ўзлаштиришда талабалар смартфонлар ва мобил алоқа инфратузилмасидаги масалаларини ечишга йўналтириш, мобил алоқа хизматлар бозорини ривожлантиришга қаратилган дастурий иловалар индустрияси рақобатбардош ишланмаларни ишлаб чиқиш бўйича билим, тажриба ва кўникмаларига эга бўладилар;

Web/cloud хизматларини яратиш ва уланиш, Мобил датчиклар билан ишлаш, iOS учун Swift дастурлаш тилида иловалар яратиш, RESTful ва Non-RESTful тизимларида иловаларни созлашни ўрганиш ва таҳлил қилишни билиши ва улардан фойдалана олиши;

Хавфсизлик ва ишончли бошқарув тамойиллари, Махфийлик ва этика тамо- - йиллари, Қулайлик ва имконлилик тамойиллари, Мобил иловалари учун махфийлик ва этика тамойиллари ва усулларига боғлиқ бўлган кўникмаларига эга бўлишига қаратилган.

Мобил технологиялар ёрдамида таълим олиш кундан–кунга ривожланиб бориши бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлмоқда:

Мобил таълимда жой ва вақт тушунчаларининг аҳамияти йўқ. Яъни мобил таълим бу – мобил технология ёрдамида исталган жойда ва исталган вақтда таълим олиш имкониятидир;

Мобил технологиялардан таълимий мақсадларда фойдаланиш талабаларнинг билим олиш мотивациясини ошириш сифатида фойдаланувчи восита ҳисобланади;

Мобил таълим – бу ўқув материалларини мобил телефонларга шунчаки жойлаштириши эмас, балки инновацион методларни жорий этиш йўлидир;

Мобил таълим - жараёни иштирокчилари ўртасида ахборотларнинг алмашинуви замонавий симсиз технологиялар (Wi-Fi, Bluetooth, WAP, GPRS ва ҳ.к.) орқали амалга ошириш имконияти бўлади;

Мобил таълим имконияти чекланган инсонларга ҳам таълим олиш имкониятини яратади;

Талабалар имкониятларини фаоллаштиради ва уларнинг мустақил ишлаш фаолияти самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида мобил технологияларнинг имкониятларидан фойдаланиш, мобил технологияларни жорий қилиниши ҳозирги Пандемия даврида, айниқса таълим муассасаларида онлайн ўқишлар давом этаётган бир вақтда бу каби имкониятлардан бизнинг талабалар ҳам фойдалана олишига хизмат қилади. [3]

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, АКТ соҳасида касб-таълими йўналиши талабаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида мобил компетентлигини ривожлантириш, касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий ахборот, илғор педагогик технологиялар ва интерактив методлардан фойдаланиб, дарсларнинг сифатини оширишда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу услуб ва воситаларни қўлланилиши таълим натижасида эришилган натижаларни баҳолаш имконини беради, талабаларни мобил илова ишланмалар орқали мустақил материални ўрганишга қизиқтиради, талабаларга эгалланган амалий ва

назарий кўникмаларни мажмуавий кўрсатиш ва АКТ соҳасида касб-таълими йўналиши талабаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида мобил компетентлигини ривожлантиришга асосли равишда ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Химматалиев Д.О., Исмаилова З.К. Касбий фаолиятга тайёргарликни таъминлашни модернизациялаш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 60
2. “Introduction to Android Application Development Fourth edition” Developer’s library by Joseph Annuzzi, Jr. Lauren Darcey Shane Conder, November 2013.
3. М.Ю. Эшназарова, С.С.Ҳасанов, О.О.Жамалов “Мобил иловалар яратиш технологиялари ва уларнинг имкониятлари” Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804
4. Химматалиев Д.О.“Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси (Техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими” йўналишлари мисолида)”. Диссертация (DSc): 13.00.05. Тошкент. 2018 й

SHARQ MUTAFAKKIRLARI SHE'R ILMI TA'LIMI HAQIDA

DILFUZA TUXLIYEVA
TDPU tayanch doktoranti

Аннотация. Maqolada Abu Ali ibn Sino, Abu Nasr Farobiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi sharq mutafakkirlarining she'r ilmi ta'limi haqidagi fikrlari, she'rning o'quvchi ta'lim va tarbiyasiga ta'siri hamda samarasi xususidagi qarashlari tahlil etilgan.

Калит сўзлар: she'r, shoir, g'azal, she'r ilmi ta'limi, maktab.

Аннотация. В статье анализируются взгляды восточных мыслителей, таких как Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фароби, Джами, Алишер Навои, на преподавание поэзии, на влияние и эффективность поэзии на образование и воспитание учащихся.

Ключевые слова: стих, поэт, газель, преподавание поэзии, школа.

Annotation. The article refers to the views of Eastern poets such as Abu Ali ibn Sino, Abu Nasr Farobi, Abdurahman Jami, Alisher Navoi on the teaching of poetry, the impact of poetry on the education and upbringing of students and its effectiveness.

Key words: poetry, poet, ghazal, teaching of poetry, school.

Sharqda qadimdan she'r va shoirlikka alohida e'tibor qaratilgan va inson ma'naviy kamolotini belgilovchi mezonlardan biri hisoblangan. Shoirlarning jamiyatdagi obro'-e'tibori baland bo'lib, hatto hukmdorlar ham ularga ayricha izzat-ikrom ko'rsatganlar. O'z fikrlarini ma'lum o'lchovga solib nazmda ifodalash yuksak is'tedod sanalgani va muayyan fikrni yaxshiroq yetkazish imkonini bergani bois nafaqat badiiy, balki tarixiy, ilmiy asarlarning salmoqli qismi ham she'rda ifoda etilgan. Shoir va yozuvchilar o'z asarlarida she'rning mohiyati va shoirlik mahoratiga oid fikrlarini maxsus boblarda, she'riy devonlarning debochalarida, dostonlarning kirish qismlarida bayon etishgan. Masalan, Kaykovus "Qobusnoma"ning 35-bobini "Shoirlik rasmi zikrida" deb nomlangan va unda shoirlarda mavjud bo'lishi lozim bo'lgan sifatlarni mufassal bayon qilgan:

"Har so'zniki she'rda aytmoq istasang, madhiya, g'azal, hajv yoki marsiya yozmoq bo'lsang, so'zni batamom va mukammal ishlat, hargiz so'zni notamom aytmag'il… G'azalni go'zal va ravon aytg'il, madh aytishda qaviy dil va baland himmat bo'lg'in. Har odamga loyiq so'zni va har kishining qadriga muvofiq she'rni bilib yozg'il"[7; 123].Kaykovus so'zni o'z maromi va o'rnida ishlatish lozimligiga diqqat qaratib, ushbu fazilatning shoirlarda bo'lishini shart deb hisoblaydi.

Nizomiy Aruziy Samarqandiyning "Chahor maqola" asarining ikkinchi bo'limi "She'r ilmining mohiyati va shoir salohiyati haqida" deb nomlangan bo'lib, unda mumtoz shoirlar va shoirlikka qo'yilgan yuksak talablar keltirilgan:

"Shoirning ruhi toza, fikri keng, ta'bi latif, ko'ngli to'g'ri va zehni o'tkir bo'lmog'i lozim. U yana turli fanlardan xabardor bo'lishi, har xil odatlar bilan tanish bo'lmog'i kerak. Chunki she'r har bir ilmda qo'l kelishi va har xil ilm she'rda ifodalanishi mumkin… Agar shoir yoshlik ayyomida va yigitlik davronida shoirlarning she'rlaridan yigirma ming (20 000) baytni xotirasida tutmasa, zamondoshlarining asarlaridan o'n ming (10 000) baytni yod bilmasa, ustodlar devonini payvasta o'qimasa, so'zning nozik tomonlari va qiyin joylarini qanday yo'l bilan hal etganliklarini o'rganmasa, bunday yuksak darajaga yetolmaydi hamda she'r

navlari va yo‘llari uning tabiatida o‘z aksini ko‘rsatmaydi, so‘zlari buyuklik tomon, ta’bi esa yuksaklik sari mayl etmaydi” [4; 33]. Nizomiy Aruziy esa yodlashning inson kamoloti va shoirlik mahoratining sayqallanishidagi o‘rniga ahamiyat bermoqda.

Alisher Navoiy ham “Hayrat ul-abror” dostonining so‘z ta’rifiga bag‘ishlangan bobida quyidagi fikrlarni keltiradi:

Donayi dur so‘zini afsona bil,
So‘zni jahon bahrida durdona bil.
Munchaki sharh etti qalam so‘zga hol
Nasridadur, nazmida bor o‘zga hol…
Nazm anga gulshanda ochilmog‘lig‘i,
Nasr qaro yerga sochilmog‘lig‘i.
Bo‘lmasa e’joz maqomida nazm,
Bo‘lmas edi Tengri kalomida nazm.
Nazmda ham asl anga ma’ni durur,
Bo‘lsun aning surati har ne durur.
Nazmki ma’ni anga marg‘ub emas,
Ahli maoniy qoshida xo‘b emas.
Nazmki ham surat erur xush anga,
Zimnida ma’ni dog‘i dilkash anga. [10; 59-61]

Lirik asarlar qadimgi davrlardan ta’limning turli bosqichlarida muntazam o‘rganilgan, o‘quvchilarga eng kichik yoshdan o‘qitilgan yetakchi adabiy tur hisoblanadi. Uning boshqa adabiy turdagi asarlarga nisbatan qisqaligi, insonlar xotirasida tez va oson saqlanib qolishi, kishiga estetik ta’sir ko‘rsatish imkoniyatining ancha kengligi, o‘quvchining turli yosh xususiyatlari va adabiy tayyorgarligiga mos bo‘lgan xilma-xil janrlarga ega ekanligi buning asosiy sabablari hisoblanadi.

Nazmning turli shakllari, xususan, g‘azal maktab, madrasalarda muntazam ravishda o‘qitilgan. Sharqda uzoq yillar davomida o‘qitilgan ilmi aruz, ilmi qofiya va ilmi bade’ kabi fanlar doirasida g‘azallardan namunalar o‘quvchilarga tanishtirib borilgan va tahlil qilingan. Arab va fors tilida bitilgan ko‘plab asarlar ham she’riyat ta’limida keng qo‘llanilgan. Nizomiy Aruziy Samarqandiyning “Chohor maqola”da keltirgan ushbu fikrlar yuqoridagi qarashimizni dalillaydi:

“Har kimning she’r tab’i mustahkam, so‘zlari esa ravon bo‘lsa, she’r ilmini o‘rganishga, aruz o‘qishga kirishadi. Ustod Abulhasan Sarahsiy Bahromiyning "G‘oyat ul-aruzayn" asari hamda “Kanz ul-qofiya”, “Naqdi maoniy”, “Naqdi alfoz”, “Sariqot”, “Tarojim” kitoblarini mutolaa qiladi. U mazkur fanning har bir turlarini shu fanni yaxshi biluvchi ustod qo‘lida o‘zi ustodlik darajasiga yetmaguncha, yuqorida biz sanab o‘tgan ustodlar kabi uning nomi ham hayot sahifasida paydo bo‘lmaguncha ta’lim oladi”[4; 34].

Turkiy tilda yozilgan Ahmad Taroziyning “Funun ul-balog‘a”, Alisher Navoiyning “Mezon ul-avzon”, Zahiriddin Muhammad Boburning “Muxtasar” kabi asarlari o‘z davrida shoirlar va she’r ilmiga qiziquvchilar uchun muhim qo‘llanma vazifasini o‘tagan.

Bunda g‘azalllarning shakliy xususiyatlariga, qofiya tarkibiga, ayniqsa, vazniga doir ko‘rsatmalar asosiy o‘rin tutgan. Bu mazkur asarlarni to‘g‘ri o‘qilishiga, ularning mazmunini ham to‘g‘ri anglashga imkon bergan.Shunga qaramay, adabiyot tarixida she’r ilmi ta’limiga oid manbalar maxsus yaratilmagan. Mavjud adabiyotlar ham ko‘proq nazariy xarakterga ega bo‘lib, uni o‘quvchiga qay tarzda yetkazish, she’rni o‘qish va o‘rgatishga nimalarga e’tibor qaratish lozimligi haqidagi tavsiyalar o‘rni-o‘rni bilan uchrab turadi.

Dunyoga “muallimi soniy” nomi bilan mashhur bo‘lgan Abu Nasr Farobiy, Abu Ali ibn Sinoning ijod namunalari orasida ham aynan she’r ilmiga bag‘ishlangan asarlarni uchratamiz. Ibn Sinoning “She’r san’ati”[1], Abu Nasr Farobiyning “Ixso-ul-ulum” (“Ilmlarning xosiyatlari”), “She’r san’ati”, “Shoirlar san’ati qonunlari haqida” nomli asrlarida she’r ilmiga oid fikrlarini bayon qiladi. Arastuning “Poetika”

asarining ma'nolarini sharhlash, uning fikr-mulohazalarini isbotlab ko'rsatish maqsadida yozilgan Farobiyning "Shoirlarning she'r yozish san'ati qonunlari haqida" asarida va Ibn Sinoning "She'r san'ati" asarlarida she'r haqidagi nazariy fikrlar bayon qilingan, asosiy tushunchalari bilan tanishtirilgan, she'r tuzilishi tushuntirilgan. Ushbu kitoblarda, asosan, yunon adabiyotidagi she'r janrlari sharhlangan.

Abu Nasr Farobiyning "Ixso al-ulum" asarida "Qanday qilib ta'lim berish va ta'lim olish, fikrni qanday ifodalash, bayon etish, qanday so'rash va qanday javob berish (masalasi)ga" oid ilmlar qatorida to'rt xil ilmlarni keltiradi. Ular: til, grammatika, logika va she'riyat ilmi(poetika). U she'riyat ilmiga shunday ta'rif beradi: "U nutqlarni(so'zlarni) fazilat va izchilligiga qarab qanday tartibda joylashtirishni, ya'ni so'zlarni mutanosibligi va turog'iga qarab, masalan, to'rttadan, oltitadan yoki sakkiztadan joylashtirishni o'rgatadi. Bu sonlar (ya'ni, 4, 6, 8 tadan bo'lishi) yakunlovchi va bu maqsad uchun eng munosib sonlardir. Shuning uchun ham qunt bilan kuzatib muhokama qilginki, toki bu ruhingni donolik lazzatidan tottirishga, haqiqatga muhabbatingni qo'zg'atishga bois bo'lsin, chunki agar xudo istasa, shu yo'l bilan sen ayrim yashirin va o'zing uchun baxt keltiruvchi narsalarni tushunib olasan" [2; 179]. Demak, Farobiy ham she'r ilmini ta'lim berish va olishda zaruriy fanlar qatorida ko'rgan va uni o'quvchi ruhiyatiga, hissiyotlariga ta'sir ko'rsatuvchi omil ekanligini maxsus qayd etgan.

Abdurahmon Jomiyning "Bahoriston" asari orqali ham she'r ta'limiga oid ma'lumotlar bilan tanishish mumkin. Asar muallifning o'g'li Ziyovuddin Yusuf uchun darslik sifatida yozilgan. Adib asarning muqaddima qismida o'g'lining arab tilining boshlang'ich qoidalarini va arab ilmi qoidalarini o'rganganini yozadi. "Ma'lumki, kichik bolalar va tajribasiz yoshlarning qulog'iga notanish atamalar va tabiatidan uzoq xotimalarni o'rganishdan ularning qalbi cho'chiydi, xotiraga daxshat g'ubori o'tiradi; shunday bo'lgach, uning diliga muruvvat, xotiriga quvvat berish maqsadida goh-goh mashhur shayx va buyuk ustod Muslihiddin Sa'diy Sheroziyning "Guliston"idan ….kabi satrlaridan o'qilar edi[6; 66]. Jomiy ham shu maqsadda Sa'diydan ilhomlanib ushbu asarga tartib berganini qayd etadi. Asar sakkiz "ravza", ya'ni bo'limdan tashkil topgan bo'lib, uning yettinchi ravzasi "She'r va shoirlik haqida" deb nomlanadi. Bu bo'limda, dastlab, she'r haqida ma'lumot beriladi va uning turlari qisqacha sanab o'tiladi: "She'r bir necha qismdan iborat, masalan: qasida, g'azal, masnaviy, qit'a va ruboiy kabi"[6; 67]. So'ngra adib Rudakiy, Unsuriy, Daqiqiy, Firdavsiy, Alisher Navoiy, Xusrav Dehlaviy, Kamol Xo'jandiy, Hofiz Sheroziy,Salmon Sovajiy, Afzaliddin Hoqoniy, Anvariy kabi jami yigirma ikkita shoir hayoti va ijodi haqida qisqacha ma'lumot bergan va ularning ijodiga tegishli munozara, qasida, ruboiy, g'azal janrlariga mansub namunalar keltirgan. Demak, Jomiy bolaga ta'lim berishda she'r ilmini muhim deb hisoblagan va undan axloqiy tarbiya va o'quvchi xotirasini mustahkamlovchi vosita sifatida foydalangan. Darhaqiqat, qadimdan she'rlardan savod chiqarish va xotirani mustahkamlash maqsadida ham unumli foydalanilgan. Bunga Alisher Navoiyning quyidagi baytlari ham misol bo'la oladi:

Yodima mundoq kelur bu mojaro,
Kim tufuliyat chog'i maktab aro.
Kim chekar atfol marhumi zabun,
Har tarafdin bir sabaq zabtig'a un.
Emgonurlar chun sabaq ozoridin,
Yo «Kalomulloh»ning takroridin.
Istabon tashxisi xotir ustod,
Nazm o'quturkim ravon bo'lsun savod [8; 279].

Alisher Navoiy "Majolis un-nafois" asarida ham kichik yosh paytidan Qosim

Anvorning g‘azallaridan yodlaganiga ishora qiladi:

“Yana biri bukim:

Rindem-u oshiqem-u jahonso‘z-u joma chok,

Bo davlati g‘ami tu zi fikri jahon chi bok.

Bu faqir avval nazmekim, o‘rganibmen, bu so‘nggi matla’dur. Hamono uch yosh bila to‘rt yoshning orasida erdim, azizlar o‘qumoq taklifi qilib, ba’zi hayrat izhor qilurlar erdi”[9; 292].

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida yashab ijod etgan, uzoq yillar davomida qizlarga ta’lim bergan Qo‘qon adabiy muhitining vakilasi Dilshodi Barno ham o‘zining pedagogik faoliyati davomida o‘quvchilarga ta’lim berishda lirik tur namunlaridan unumli foydalangani, buning natijasida ko‘plab shoira qizlar yetishib chiqqanini “Tarixi muhojiron” asarida shunday xotirlaydi: “Man sakson sakkiz yoshimg‘acha oynaksiz xat ko‘rub, maktabdorliq qildim. Ellik bir yil maktab tutib, o‘rta, avsot hisobida yigirma uch toliba tutub, sakkiz yuz to‘qson bir qizni bosavod qildim. Alardan qariyb to‘rtdin biri tab’i nazm erdilar. Oxir damlarida ya’ni ahli safodin adolat ketib, Xon ketib o‘rusg‘a bayat qilg‘on tarix asnosida lojaram hushyor va qobil qizlar jam bo‘lg‘on erdilar. Alar, xususan, adab omuzishig‘a moyil erdilar. Navoiy, Fuzuliy, Hofiz, Bedil nazmig‘a frifta va oshufta bo‘lg‘onlardin Anbaroy sakkiz yoshidin to o‘n to‘rt yoshig‘acha ta’limi adab mashg‘uli erdi. … Ul qiz ulug‘ shoira bo‘lub yetishur, deb umidim bor. Ammo sinnim ketdi. Ul qizg‘a monand boz avvali oxir ikki yuzdin ortuq nazmxon shoiralar ta’lim olub chiqg‘on erdi”[5; 15-16].

Xorazm adabiy muhitining vakili Muhammad Rahimxon Feruz II nafaqat shoh va shoir, balki ilm-fan homiysi ham edi, “manbalarda bu davrda 1500 ga yaqin eski maktab va 130 ta madrasa mavjudligi qayd etilgan. Feruzshoh ma’rifatning muhim yo‘li — kitobxonlikka alohida e’tibor bergin. Bayoning yozishicha, haftada ikki marta — juma va dushanbada olimlarni yig‘ib, suhbatlar uyushtirar, kitobxonlik oqshomlari o‘tkazardi. Xon amaldorlarni, sipohiylarni ham kitobxonlikka da’vat etgan”[3; 5]. Shu davr tarixiy voqealari haqqoniy tasvirlangan Bayoniyning “Shajarayi Xorazmshohiy” asarida ham madrasalarda g‘azal janrining o‘qitilgani va bu jarayonda Muhammad Rahimxon Feruzning mazkur janrni o‘qitishga e’tibor qaratgan jihatlariga guvoh bo‘lishimiz mumkin: “Ana shunday paytlarda birortamiz g‘azal o‘qishda xatolikka yo‘l qo‘ysak yoki birorta so‘zni noto‘g‘ri talaffuz etsak, Feruz bizni to‘xtatib, xatolarimizni to‘g‘rilar, u yoki bu so‘zning ma’nosini aytib berar, hech hafa qilmasdan kamchiligimizni yo‘qotishga yordam berar edi”[3; 254].

Mumtoz lirikamizning eng salmoqli qismini, shubhasiz, g‘azal janri tashkil qiladi. Shu sababli mazkur janrni o‘qitishga oid qo‘llanmalarga bugungi kunda talab yuqori. Sharq mutafakkirlarining yuqorida biz ko‘rib chiqqan she’r, shoirlik va shoirlar haqidagi fikrlarida aniq mezonlar va bir qancha o‘ziga xosliklar mavjud. Masalan, Kaykovus so’zni maromida ishlatish, o‘z o‘rnida qo‘llashga jiddiy e’tibor qaratgan bo‘lsa, Nizomiy Aruziy fasohatni, notiqlikni rivojlantiruvchi asosiy sabablardan biri sifatida “yodlash”ga e’tibor qaratgan. Navoiy esa nazmni iste’dod belgisi va mashaqqatli mehnat natijasida hosil bo‘luvchi qobiliyat sifatida ko‘rsatadi. Nazmni nasrdan ustun ko‘radi. Shoirlar amal qilgan ushbu qoidalar, fazilatlar ular tomonidan yozilajak asarlarning betakror va fasohatli chiqishiga olib keladi, tabiiyki, ular tomonidan yozilgan asarlar o‘quvchilarni ham ana shu qoidalar va fazilatlar bilan ulg‘ayishiga sabab bo‘ladi. Shunday ekan, shoirlik va shoirlarga qo‘yilgan talablar, bilvosita, o‘quvchining badiiy didini tarbiyalash va ularning aqliy, nutqiy qobilyatlarini o‘stirishga qaratilgan

deyish mumkin.

Shu sababli umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘quvchilari uchun mo‘ljallangan, bugungi dastur va darsliklarimizga uyg‘un, yangi pedagogik texnologiyalar qo‘llangan, zamonaviy metodlardan unumli foydalanilgan g‘azallar tahlilini yaratish dolzarb. Bunda milliy metodikamizning eng qadimgi davridan to bugungi kungacha qo‘lga kiritgan boy tajribasidan unumli foydalanish va ularni tatbiq qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино. Шеър санъати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 130 б.
2. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. – T.:Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – 224 b.
3. Bayoniy Muhammad Yusuf. Shajarayi Xorazmshohiy. – T.:Kamalak, 1991. – 254 b.
4. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 426 б.
5. Дилшод Б. Танланган асарлар . (Нашрга тайёрловчи М. Қ од и р о в а). – Т.: Ғ афур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 96 б.
6. Jomiy. Bahoriston. – T.: Yangi asr avlodi, 2007. – 106 b.
7. Кайковус. Қобуснома. – Т.:Истиқлол, – 174 б.
8. Навоий А. Лисон ут-тайр. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. 9 жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 768 б.
9. Навоий А. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. 9 жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. –768 б.
10. Навоий А. Ҳайрат ул-аброр.. Тўла асарлар тўплами: 20 жилдлик. 7 жилд. – Т.: Фан, 1991. – 424 б.

ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИШ АСОСИДА БЎЛАЖАК ДАСТУРЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ

ТЎРАЕВ СИРОЖИДДИН ЖЎРАҚОБИЛОВИЧ
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, доцент

Аннотация. В данной статье рассматривается важность использования современного программного обеспечения в формировании профессиональной подготовки будущих программистов. Кроме того, рассмотрены проблемы подготовки студентов к профессиональной деятельности на основе использования в учебном процессе интегрированных методов обучения, предусматривающих взаимную интеграцию дисциплины.

Ключевые слова: профессиональная деятельность, программные средств, дидактика, интерфейс, интеллектуальные ресурсы, компетентность, интегративное образование.

Annotation. This article discusses the importance of using modern software in the formation of professional training of future programmers. In addition, the problems of preparing students for professional activities based on the use of integrated teaching methods in the educational process, providing for the mutual integration of the discipline, are considered.

Key words: professional activity, software tools, didactics, interface, intellectual resources, competence, integrative education.

Annotatsiya. Мазкур мақолада бўлажак дастурчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантиришда замонавий дастурий воситалардан фойдаланишнинг аҳамияти баён этилган. Ундан ташқари таълим жараёнида интегратив таълим методларидан фойдаланиш, фанларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаган ҳолда таълим бериш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари баён этилган.

Kalit so‘zlar: Касбий фаолият, дастурий воситалар, дидактик, интерфейс, интеллектуал ресурслар, компетенция, интегратив таълим.

Бугунги кунда бўлажак дастурчиларни меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар асосида тайёрлаш, уларни технологик жараёнларни бажариш, билимларни амалиётда қўллаш, замонавий технологияларни қўллаш, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнига компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларининг, замонавий дастурий воситаларининг қўлланилиши талабанинг ўқув-билув ҳамда касбий фаолиятини дастурий воситалар ёрдамида фаоллаштириш имкониятини яратади. Таълим жараёнини бундай ташкил этиш, дидактика тамойилларининг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг алоқадорлигини ўрганишга олиб келиши билан бир қаторда ўқув жараёнини тўлиқ ўрганиш ва бошқариш имкониятини яратиб, таълим сифатини самарали ошириш имкониятини яратади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўлажак дастурчилар интеллектуал кўникмаларини ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, касбий фаолиятини такомиллаштиришнинг янги йўналишларини очиб беради. Ахборот-коммуникация технологиялари аудитория ва мустақил машғулотларни янада қизиқарли, ишончли, ўрганиладиган ах-

боротнинг катта оқимини осон ўзлаштирилишини таъминлайди [1].

Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланишнинг асосий устунликлари қуйидагилар [2]:

1. Масофавий таълим бериш ва таълим олиш;

2. Баҳолашни автоматлаштириш;

3. Ишлаб чиқариш ва таълимни биргаликда олиб бориш;

4. Электрон (онлайн) таълим бериш ва таълим олиш.

Таълим жараёнида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, оммавий ахборот воситаларидан фарқли равишда дастурий воситалардан фойдаланиш талабанинг ҳатти-ҳаракатига тезкорлик билан жавоб бериш, турли тоифадаги таълим олувчилар учун материални такрорлаш, тушунтириш, пухтароқ тайёргарликка эга бўлган талабалар учун янада мураккаб мавзуларни эгаллаш имкониятини таъминлайди. Бунинг натижасида лаборатория жиҳозлари ёрдамида кетма-кет такрорланадиган жараёнларга сарфланадиган вақтни тафаккурни ривожлантириш ва касбий фаолиятга креатив ёндашувни талаб этадиган янада муҳим масалаларни математик моделлаштиришга ажратиш мумкин [3].

Таълим жараёнини ташкил этишда муаммоли ҳолатлар яратиш ва уларни ечишда дастурий воситаларни қўллаш, шу билан бирга талабаларнинг фойдаланувчи интерфейсини шакллантиришда қуйидаги дидактик мақсадларни амалга оширади:

- Талаба ўз диққатини муаммоли масалани ечимига қаратади, бу ҳолат ундаги билиш ва бажариш иштиёқини ўйғотади ҳамда касбий фаолиятга бўлган қизиқишини оширади;

- Таълим жараёнида талаба муаммоли масалаларни ечишда дастурий воситаларни қўллаш давомида учрайдиган айрим мураккабликларни ва қийинчиликларни енгиши баробарида мустақил фикрлашга ҳамда касбий фаолиятини фаоллашувига эришади;

- Талаба олдида таълим жараёнида муаммоли масалаларни ечишда дастурий воситаларни қўллаш давомида пайдо бўлган билишга доир талаб билан мазкур талабни мавжуд назарий билим заҳираси, амалий кўникма ва малакалар воситасида зиддиятларни бартараф қилади;

- Талаба вужудга келган мураккабликларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш режасини белгилайди ва бунинг натижасида у изланишлар олиб боради ва фаол касбий фаолият билан шуғуллана бошлайди.

Ҳозирги даврда таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бунга сабаб, самараси бир-бирига яқин бўлган педагогик технологияларнинг ниҳоят даражада кўпайиб бораётганлигидадир. Бу эса ўқитувчидан энг замонавий педагогик технологиялардан хабардор бўлиши ва маълум педагогик билимларга эга бўлишни талаб қилади. Масалан, таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялардан машғулот мавзусига, талабалар билим даражасига, аудиторияга ва бошқа шунга ўхшаш омилларнинг барчасига бирдек тўғри келадиганини танлаш жуда қийин масала бўлиб қолмоқда [4].

Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини, хусусан энг сўнги дастурий воситаларни замонавий педагогик технология сифатида қўллаш билан бир қаторда юқорида келтирилган муаммоларга маълум даражада ечим бўла олади ҳамда таълим сифати ва бўлажак дастурчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Дастурий инжиниринг таълим йўналиши талабаларига математик ва табиий-илмий фанлардан таълим бериш жараёнида умумкасбий ва ихтисослик фанлари ҳамда касбий фаолиятининг турларига мос келадиган дастурий воситаларни танлаш муҳим

аҳамиятган эга. Ҳар бир танлаб олинган ва қўлланиладиган дастурий восита фанлараро узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлаши лозим.

Дастурий инжиниринг бакалавриат таълим йўналиши талабаларига математик ва табиий-илмий фанларни ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланиладиган дастурий воситаларни амалий ва ускунавий дастурий таъминотлар асосида назарий жиҳатдан қуйидаги учта катта синфга ажратиш мумкин [5]:

1. Педагогик дастурий воситалар;
2. Математик дастурий пакетлар;
3. Дастурлаш тиллари.

Дастурий воситалардан фойдаланиб математик ва табиий-илмий фанлардан таълим бериш жараёнида асосан интегратив таълим методидан фойдаланилади.

Интегратив таълим (лотинчадан – алоқа, уюшма (бирлашиш), бирикма) – муайян занжир атрофида ўқув материалларининг бирлашишидир. Фанларнинг ўзаро интеграцияси, фан мавзуларининг ўзаро интеграциясини аниқлаш, натижада умумкасбий фанлар билан ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда таълим бериш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш амалга оширилади.

Интегратив таълим методи икки хил бўлади:

1. Ташқи интеграция (фанлараро боғлиқлик);
2. Ички интеграция (фан мавзуларининг ўзаро боғлиқлиги).

Таълимнинг интегратив тизими бу асосий фанларни мустаҳкам ва чуқур ўрганиш учун шарт-шароитлар яратмайди, деган фикр уйғотади. Интеграция таълим тизимининг тарафдорлари интеграцияни умумий тизимлаштиришга асос бўлган таълим мазмуни, муносабати бўйича иккиламчи ҳисобланган илмий билимларга, умумий фанларни тизимлаштиришда акс этган фаолияти таркибига, шахснинг тузилишга боғлиқ бўлади.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим жараёнида дастурий воситалардан фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириши, баҳолашни яхшилаши, мураккаб вазифаларни ҳал қилишда ўқитувчининг ҳар бир таълим олувчига якка тартибда ёрдам беришини таъминлаши, янги курсларни яратиш кабиларни тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Химматалиев Д.О., Исмаилова З.К. Касбий фаолиятга тайёргарликни таъминлашни модернизациялаш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 60
2. Гончарова И.А. Подготовка будущих инженеров к использованию инструментальных программных средств при решении и моделировании научных и учебных задач: Дис. канд. пед. наук: 13.00.08. – Калуга. 2005.-248 с., 61:05-13/1902.
3. Набиулина Л.М. Совершенствование лабораторных работ по информатике на основе межпредметных и внутрипредметных связей.13.00.02. Автореф. дисс. канд. пед. наук. Ташкент, 2011. –23с.
4. Сейтвелиева С.Н., Бекирова Э.А. «Особенности подготовки инженер-программистов к профессиональной деятельности» //Международный научный журнал «Символ науки» /№9/2015 С 188-190.
5. Turaev S.J. (2019) “Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics” Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1 : Iss. 10 , Article 55. –P. 292-297.

MASOFAVIY TA'LIMNING AFZALLIKLARI VA MUAMMOLARI

AKBARALIYEV SHAHBOZ SHAVKATJON O'G'LI
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institute bosh mutaxassisi

Annotatsiya. Masofaviy ta'limni tashkil qilish axborot texnologiyalariga oid bilim va ko'chnikmalarni talab etadi. Masofaviy ia'lim zamoniy ta'limining eng yaxshi va tobora ommaviylashib borayotgan shakli sifatida e'lon qilindi. Masofaviy ta'lim uslubi viqitining yangicha zamonaviy shakli bo'ladi, u talab qilinayotgan fikrlash, ma'lumotni baholash, xulosa qilish qobiliyatining taraqqiyoti.

Kalit so'zlar: Masofaviy ta'lim axborottexnologiyalari, masofadan o'qitish ta'lim shakillari, texnika , texnologiya,.

Аннотация. Организация дистанционного обучения требует знаний и навыков в области информационных технологий. Дистанционное обучение - наиболее важная и набирающая популярность форма современного образования. Дистанционное обучение - это новая современная форма обучения, развивающая у ученика способность самостоятельно мыслить, оценивать ситуацию, делать выводы.

Annotation. The organization of distance learning requires knowledge and skills in information technology. Distance learning is the most important and increasingly popular form of modern education. Distance learning is a new modern form of teaching that develops the student's ability to think independently, assess the situation, draw conclusions.

Mamlakatimiz ta'lim tizimida qo'llanilayotgan turli ta'lim shakllari qatori masofadan o'qitish(MO')shaklidanhamkeng foydalanilmoqda. Ushbu uslubning ko'plab afzallik tomonlari borligi ko'pchilikka ayon. Barcha oliy o'quv yurtlarida masofadan o'qitish texnika va texnologiyasini amalga oshirish borasida qator ishlar olib borilmoqda. Axborot texnologiyalarni rivojlanishi masofadan o'qitishni tashkil etishga yangicha yondashuvni taqozo etadi. Masofadan o'qitishni tashkil etishni hozirgi zamon modellari asosida kommunikatsiya va tarmoq texnologiyalari yotadi. Ushbu texnologiyalar axborotdan foydalanuvchilarga keng qamrovli yo'l ochib berish bilan birga ularni muhofaza etish muammosini ham chiqaradi.

Masofadan o'qitishda o'qituvchi bilan tinglovchi orasida to'g'ridan-to'g'ri muloqotning yo'qligi ham ba'zi muammolarni keltirib chiqaradi. Masalan, muammoli o'qitish jarayonini tashkil etishda ma'lum qiyinchiliklar paydo bo'ladi. Tinglovchini yetuk mutaxassis qilib tayyorlashda muammoli o'qitishni tashkil etish muloqotni telekonferensiya orqali amalga oshirish mumkin. Ammo, bu bilan muammoni to'la hal etib bo'lmaydi. Ushbu muammoni hal etish uchun qo'shimcha o'quv materiallarni ishlab chiqish lozim bo'ladi. Bular qatorida turli darajadagi muammoli topshiriqlar, muammoli vaziyat hosil qiluvchi ko'rsatmalar va hokazolar bo'lishi maqsadga muvofiq.

Hozirgi kun talabiga to'liq javob beradigan mutaxassisni tayyorlash bu — davr talabidir. Respublikamizda yosh avlodni tarbiyalash, o'qitish, bilim berish, zamonaviy axborot texnologiyalarga

yaqindan yondashish hamda yangi texnika va texnologiyalar bilan ishlashni o‘rgatish maqsadida juda ko‘p ijobiy ishlar amalga oshirib borilmoqda. Shulardan asosiysi, «Masofadan o‘qitish texnika va texnologiyasi»dir. Shu nuqtai nazardan yosh avlodni masofadan o‘qitish tizimiga tayyorlash bosqichlarini quyidagi ko‘rinishda amalga oshirish mumkin:

Hozirgi axborot texnologiyalari jadal rivojlanib borayotgan davrda masofaviy o‘qitish katta ahamiyat kasb etmoqda. Chunki ta’limning bu turi shu paytgacha mavjud bo‘lgan ta’lim turlaridan o‘zining ayrim ijobiy tomonlari bilan ajralib turadi. MO‘ ning kunduzgi va boshqa ta’lim turlaridan farqli jihati shundaki, mazkur ta’lim turiga juda keng aholi ommasini jalb qilish mumkin. Shu jihatlariga ko‘ra MO‘ hozirgi kundagi istiqbolli ta’lim turlaridan biri hisoblanadi.

Birinchidan MO‘ asosida ta’lim berish uchun o‘qish istagida bo‘lgan aholining muayyan qismini ta’lim muassasasi joylashgan yerga yig‘ish shart emas.

Ikkinchidan, tinglovchi yoki o‘quvchi tomonidan ortiqcha sarf — xarajat qilish zarurati bo‘lmaydi.

Uchinchidan, bu ta’lim turiga jalb qilinuvchilarning yosh cheklanishlarini istisno qilish mumkin.

MO‘ ga jalb qilinuvchi kontingentni quyidagi ijtimoiy guruhlarga mansub bo‘lgan shaxslar tashkil qilishi mumkin:

• ikkinchi oliy yoki qo‘shimcha ma’lumot olish, malaka oshirish va qayta tayyorgarlik o‘tash istagida bo‘lganlar;

• mintaqaviy hokimiyat va boshqaruv rahbarlari ;

• an’anaviy ta’lim tizimining imkoniyatlari cheklanganligi sababli ta’lim olmagan yoshlar;

• o‘z ma’lumot maqomini zamonaviy talablar darajasiga ko‘tarish istagida bo‘lgan firma va korxonalar xodimlari;

• ikkinchi parallel ma’lumot olishni xohlagan tinglovchilar;

• markazdan uzoqda, kam o‘zlashtirilgan mintaqalar aholisi;

• erkin ko‘chib yurishi cheklangan shaxslar;

• jismoniy nuqsonlari bo‘lgan shaxslar;

• harbiy xizmatda bo‘lgan shaxslar va boshqalar.

O‘zbekiston sharoitida MO‘ ni tashkil qilish katta samara beradi. Hozirgi davrda ta’limning bu turidan keng miqyosda foydalanish lozim. Mazkur ta’lim turini joriy qilish bilan bog‘liq ayrim muammolarning kelib chiqishi tabiiy. Lekin ularni imkoniyat darajasida hal qilishga erishish mumkin. Masalan, dastlabki paytda televideniyedan foydalanish katta samara berishi mumkin.

Hozirgi kunda televideniye orqali ayrim fanlar bo‘yicha o‘quv mashg‘ulotlari tashkil qilinib kelinyapti. Lekin ko‘rsatuvlarning samaradorligi hali yetarli darajada emas.

Birinchidan, bu ko‘rsatuvlar asosan kunduzi namoyish etiladi.

Ikkinchidan, uning metodikasini yanada takomillashtirish kerak.

Mazkur o‘quv mashg‘ulotlari bazasida MO‘ tashkil qilinadigan bo‘lsa, u holda mazkur ta’lim turining tashkiliy — uslubiy tomonlarini qayta ko‘rib chiqish kerak bo‘ladi.

Hammamiz guvohimizki, kundalik hayotimiz va istiqbolimiz ravnaqi uchun muhim ehtiyoj sanalmish tom ma’nodagi ta’lim tizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarining jalb etilishi tobora oldingi o‘ringa chiqib borayapti. Buni ko‘plab maxsus ta’lim muassasalari, akademik litseylar, kasb-hunar kollejlari va yetakchi oliy o‘quv yurtlari hamda akademiyalar misolida ko‘rish mumkinki,

ayni kunlarda ulardagi o‘quv jarayonini, masalan, bilim olish samarasini o‘zgartirishga sarflanadigan vaqtning keskin qisqarishida va bilimlarni xotirada olib qolishning keskin ortishida namoyon etuvchi multimedia vositalarisiz tasavvur etib bo‘lmaydi.

1-bosqich. Bu bosqich bolalar uchun «Tanishuv bosqichi» bo‘lib hisoblanadi. Bu bosqichda asosiy muammo Respublikamizda hozirda faoliyat ko‘rsatib turayotgan maktabgacha tarbiya muassasalarini kompyuter bilan jihozlash kerak.

Bolalar maktabgacha tarbiya muassasasida yosh avlodni o‘yinlar, multfilmlar, kalkulyator hisoblashlari, arifmetik hisoblashlar, turli xil dasturlarni o‘rgatuvchi bolalar ensiklopediyalari, dam olishlari uchun bolalar musiqasi kabi qiziqarli dasturlar kiritib o‘rgatish kerak bo‘ladi.

2-bosqich. Bu bosqich asosan oilasida kompyuteri bo‘lgan shaxslarga taalluqlidir. Hozirgi vaqtda Respublikamiz aholisini oila hisobida oladigan bo‘lsak, ko‘pchilik xonadonlarida kompyuter bor. Shuning uchun ham bu bosqichni "Jonlanish bosqichi" deb atash mumkin.

3-bosqich. Bu bosqichda maktab va o‘quvchilar to‘liq kompyuter tizimiga kirib boradi. Shuning uchun ham bu bosqichni "adaptatsiya ya’ni, moslashuv" bosqichi deb atash mumkin.

4-bosqich. Bu bosqichda talaba kompyuter bilan to‘liq ishlay bilishi kerak. Talaba kompyuter avlodini tanlash, qaysi tilda yozish, qaysi dastur tilida ishlash, qaysi operatsiya tizimlari bilan ishlash, printer, skaner, modem, faks — modem, kompyuter tarmoqlari, jumladan, Internet, elektron kutubxona va elektron o‘quv qo‘llanmalari bilan ishlash darajasiga yetilib tayyor bo‘ladi. Shuning uchun ham bu bosqichni "Mustaqil ishlash va fikrlash" bosqichi deb atash mumkin.

5-bosqich. Quyidagi bosqichda mutaxassis tayyor bo‘ladi. Bu bosqichni "yetuklik" bosqichi deb atash mumkin. Yetuklik bosqichida mutaxassis kadrlar to‘g‘ridan — to‘g‘ri korxona, tashkilot, muassasa va firmalarda hech qanday ikkilanmay, o‘z sohasi bo‘yicha ish boshqarish qobilyatiga ega bo‘ladilar.

Masofaviy ta'limning yutuqlari va kamchiliklari.

Masofaviy ta'limning metodik, iqtisodiy, sotsial yutuqlari, afzalliklari, kamchilik salbiy tomonlari mavjud.

Metodik yutuqlari va afzalliklariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Dars jadvalining qulayligi. O`quvchi o`ziga ma'qul bo`lgan vaqtda o`quv jarayoniga qatnashishi mumkin.
- Qulay foydalanish manzillari. O`quvchi internet kafe, uy, mexmonxona, ish joyida va boshqa joylardan o`quv jarayoniga qatnashishi mumkin.
- Qulay o`qish tempi. Ta'lim o`quvchilar yangi bilimlarni tushunish tempida o`tkaziladi.
- Qulay o`quv reja. O`quv rejani talabalarga individual va davlat ta'lim talablariga mos holatda tashkil qilish mumkin.
- Ma'lumotlar bazasini to`planishi. Oldingi o`qigan talabalar bilimlarini to`plash va undan foydalanish imkoniyati.
- Ko’rgazmali qulayliklari. Multimediya imkoniyatlaridan to`liq foydalanish imkoniyati.
- Malakali o`qituvchilarni tanlab ta'lim jarayoniga jalb qilish.

Iqtisodiy yutuqlari va afzalliklariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Cheksiz masofaga ta'lim berish.

O`qituvchi va o`quvchilar o`rtasidagi masofa hech qanday ahamiyatga ega emas.

- Ish jarayoniga xalaqit bermasligi. O`quvchi ishdan ajralmas holatda ta'lim oladi.

- Narxi. Masofaviy ta'lim kurslari 2 va 3 barobar oddiy kurslarga qaraganda arzon.

Sotsial yutuqlar va afzalliklarga quyidagilarni kiritish mumkin:

Ijtimoiy guruhlarga ajratish yo`qligi. Masofaviy ta'lim kursida ikkinchi oliy yoki qo`shimcha ma'lumot oluvchilar, malaka oshirish va qayta tayyorgarlik o`tash istagida bo`lganlar; ikkinchi paralel ma'lumot olishni xohlagan talabalar; markazdan uzoqda, kam o`zlashtirilgan mintaqalar aholisi; jismoniy nuqsonlari bo`lgan shaxslar; armiya xizmatida bo`lgan shaxslar; erkin ko`chib yurishi cheklangan shaxslar; va boshqalar qatnashishi mumkin.

Yosh cheklanishlari yo`qligi. O`qishga jalb qilinuvchilarning yosh cheklanishlari istisno qilinadi.

Ammo masofaviy ta'limning salbiy tomonlari ham borligi haqida aytish lozim. Ularga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

Elektron holatdagi ta'lim va muloqot jarayonlariga ishonchsizlik. Ushbu sababdan talabalar asosan virtual holatdagi ta'lim turida emas, balki oddiy (kunduzgi va sirtqi) ta'lim turlarida o`qish istagida bo`lishadi.

Davlat masofaviy ta'lim standartlari yo`qligi va natijada davlat nusxasidagi diplom berilmasligi. Shu sababdan ko`pgina masofaviy ta'lim kurslari bitiruvchilariga faqat ushbu kursni bitirganligi haqida sertifikat yoki guvoxnomalar berishadi.

Virtual muhit va texnika ta'minoti bilan bog`liqligi.

Masofaviy ta'lim internet borligi, undan foydalanish narxi, tezligi va servislar mavjudligiga, maxsus kommunikatsion texnikalar mavjudligi va ular ishlashiga taalluqli.

Masofaviy ta’lim respublikamizda ta’lim tizimiga yangi kirib kelayotgan usul bo‘lib, hozirgi kunda bu jarayonga jiddiy e’tibor berib kelinmoqda va uning asoslari yaratilmoqda. Barcha oliy o‘quv yurtlarida kompyuter sinflari tashkil etilgan bo‘lib, ularning ko‘p qismi internet global tarmog‘iga ulanish asosida faoliyat ko‘rsatmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Andreev A.A. Masofaviy o'qishga kirish. O'qitish qo'llanmasi. - m .: 2012 yil. DrozDeck G. V. Rus tili va nutq madaniyati va nutqini o'rgatishda masofaviy ta'lim masalalari. - 2011 yil (39). - 307-315.
2. Masofaviy o'qitish / Qo'llanma Ed. E.S. SOLAT. - m. Gumaniston.Ed. Vlados markazi 2008 yil.
3. Masofaviy ta'lim texnologiyalari

Internet saytlar :
1.http://uz.infocom.uz/
2.http://dl.freenet.uz
3.http://nuu.uz
4.http://www.bilim.uz,
5.http://www.ilm.uz

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Б.Б.ЭРГАШЕВ
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация: Мазкур мақолада техника олий таълим муассаларининг битирувчиларини рақобатбардошлилигини ривожлантиришнинг замонавий усуллари келтирилган. Битирувчиларнинг рақобатбардошлилигини ривожлантиришда олий таълим муассасаларида ўқитиш методлари, усуллари, замонавий воситаларнинг вазифалари тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, битирувчи, ўқитиш воситаси, педагогик стратегия, модел, тасаввур қилиш, ўзлаштириш, кўникма, хамкорлик.

Аннотации: в статье представлены современные методы развития конкурентоспособности выпускников технических вузов. Предложения и рекомендации по методике обучения в высших учебных заведениях, роли современных инструментов в развитии конкурентоспособности выпускников.

Ключевые слова: конкурентоспособность, выпускник, учебные пособия, педагогическая стратегия, модель, воображение, мастерство, умение, сотрудничество.

Annotation: the article presents modern methods of developing the competitiveness of graduates of technical higher education institutions. Suggestions and recommendations on the methods of teaching in higher education institutions, the role of modern tools in the development of competitiveness of graduates.

Keywords: competitiveness, graduate, teaching aids, pedagogical strategy, model, imagination, mastery, skill, collaboration.

Жаҳон таълим тараққиётида давлатнинг равнақи ва унинг ижтимоий-иқтисодий, замонавий илмий-техник тараққиёти, фан ва ишлаб чиқариш секторларининг интеграцияси, илмий-техник ахборотлар, илмий-инновацион ғоялар, стартапп лойиҳаларнинг шиддат билан ривожланиши ва янги босқичга кўтарилиши, касбий фаолиятнинг турлари кенгайиши узвийлик-узлуксизлик тамойилларининг бугун кун талаблари асосида мунтазам динамик ўзгариши асосида намоён бўлмоқда. Таълим тизимидаги узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича АҚШ, Европа, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Япония каби ривожланган давлатларнинг илмий-инновацион ишлари, ўқув тизими, кадрларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳон рейтингида юқори поғоналарни эгаллаши бунинг яққол мисоли бўлади. Шу боис, TOP-1000 таликка кирган ОТМларнинг кадрлари рақобатбардошлилиги, ишлаб чиқариш соҳаси, ўзининг мутахассислиги бўйича етарли билим, кўникма ва малакаларга эгалиги билан алоҳида ажралиб туриши аҳамиятлидир.

Ҳалқаро педагогик тажрибаларга кўра, техник олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини ривожлантиришда таълимнинг узвийлиги-узлуксизлиги, таълим тизими фаолиятининг самарадорлиги, таълим олувчининг педагогик-психологик, иқтисодий-ижтимоий, социологик, индивидуал қобилиятларини инобатга олган ҳолда билим беришнинг турли ҳилдаги усул, воситаларини қўллаш орқали, унинг яширин қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун техник-технология, ижодий муҳит яратиш билан узвий боғлиқдир.

Шу сабабли, узлуксиз профессионал таълимда ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш, ўқув-билув жараёнларини ривожлантириш ва ихтисослик фанлар мазмунини амалий кўникмаларга йўналтириш, мутахассис кадрларда ҳаётий ва касбий фаолиятини ташкил этиш учун зарур амалий билимларни изчил ва мақсадли ривожлантириш, “профессионал - олий таълим” муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий, услубий-методик, илмий-педагогик ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, таълим тизимида илғор педагогик, рақамли технологиялар ва ўқитишнинг кредит-модул тизими каби замонавий ёндашувлар асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш тамойилларини ва методикаларини илм-фан тараққиёти тенденциялари асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шахснинг рақобатбардошлиги, шахсий компетецияларини ўрганиш ва унинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаш, тахлил қилиш ва ривожлантириш масалалари бўйича С.И.Ожегов, С.Брю, К.Макконелл, Дж.Робинсон, Дж. Кейнс, А.Курно, Э.Шостр Р.Кэттел, Дж. Грейсон, К.Роджерс, Дж.Дьюи, А.Маслоу, Р.Мартенс, К.Делл, Ж.Ф.Лиотар каби олимлар илмий-тадқиқот олиб боришган.

А.П.Беляева, В.И.Андреев, Т.А.Жданко, В.С.Безрукова, А.И.Субетто, Н.А.Борисова, Л.М.Митина, Н.В.Тамарская, Д.В.Чернилевский, О.К.Филатов, Ю.К. Чернова, В.В.Шипанов, С.Н.Ярошенко каби олимлар ОТМ битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантириш бўйича илмий-педагогик тадқиқотлар олиб борган.

ОТМ битирувчиси – ёш мутахассиснинг сифат тавсифи, рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан педагогик жиҳатларини ўрганиш, уни шакллантириш бўйича С.Н.Широкобоков, В.Ю.Сергеев, О.К.Филатов, Н.В.Борисова, Д.В.Чернилевский ва бошқалар кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган.

Е.В.Максимова, Р.А.Фатхутдинов, Н.В.Корнейченко, С.Р.Демидов, Н.Я.Гарафутдинова кабилар битирувчиларни рақобатбардошлиги тўғрисда илмий изланишлар олиб борган. Шу йўналиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, зарурий тавсиялар, таклифлар, методикалар ишлаб чиқилиб, таълим жараёнларига татбиқ этилган. Бироқ айнан техника ОТМларида тайёрланадиган касб таълими йўналиши талабаларининг рақобатбардошлигини ривожлантириш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаганлиги тахлиллар ва ўрганишларда намоён бўлди.

Техника ОТМларида тайёрланаётган талабаларнинг хар томонлама етук, маънавий-маърифий, илмли, билимли бўлишлари орқали рақобатбардош кадр сифатида ишлаб чиқариш секторларига етказиб бериш бугуннинг энг долзарб вазифлари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги вазифларни:

• ОТМ битирувчисининг рақобатбардошлигини ривожлантириш педагогик стратегиясининг таркибий қисмларини ишлаб чиқиш ва асослаш ва таълим технологияларини аниқлаш орқали ОТМ битирувчисининг рақобатбардошлигини ривожлантириш педагогик стратегиясини амалга оширишни ташкил этиш; ташкилий-педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва асослаш, шунингдек, «йўл харитаси»нинг компонентларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш;

• педагогик стратегия орқали олий таълим муассаса битирувчисининг рақобатбардошлигини ривожлантиришнинг концептуал асосини ишлаб чиқиш;

• назарий ва услубий асоси илмли ёндашув бўлган ОТМ талабаларининг рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан яхлит

педагогик концепцияни ишлаб чиқиш ва асослаш орқали такомиллаштириш;

• техника ОТМ битирувчисининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича педагогик стратегиянинг назарий моделини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш;

• Техника ОТМ битирувларини рақобатбардошлигини шакллантириш модели ва унинг йўналишларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш;

• ОТМ битирувчиси рақобатбардошлигини ривожлантириш бўйича педагогик стратегияни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Талабаларнинг рақобатбардошлилигини ривожлантириш учун энг аввало таълим жараёнига эътибор қаратиш лозим, яъни ўқитиш воситалари, шакллари, ўқув-услубий таъминоти ва ўқитиш методикасини бугун кун талаблари асосида ташкил этиш лозим. Бунинг учун ўқув-услубий таъминотни рақамли технолоиялар асосида қайтадан кўриб чиқиш, такомиллаштириш, мультимедиа имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Ўқув жараёнини ташкил этишда илғор педагогик технологияларни қўллаш, дарс сифати самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ўқитилаётган фан мавзусига қараб кўргазмалиликни таъминлаш орқали талабаларда мавзуни ўзлаштиришга бўлган муносабат, тушина олиш, тасаввур қилиш, ўзлаштириш, хотирада эслаб қолиш ва шулар асосида кўникмалар ҳосил бўлишига олиб келади. Мисол учун қурилиш, архитектура йўналишларига дарс ўтишда қурилиш биноларининг макетлари, қурилиш материлларининг талабалар кўриши, қўли билан ушлаб кўриши ҳамда тажриба дарсларида улардан фойдаланиб бинонинг бирор элементини ясаши, қуриши натижасида талабада кўникма малакага айланишига олиб келади. Машинасозлик, автомобилсозлик, тракторсозлик йўналиш талабаларида эса соҳага оид жиҳозлар, эхтиёт қисмларни кўриши ва улардан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши, уларнинг рақобатбардош кадр сифатида иш фаолятида ўзининг самарасини беради. Бугунги кунда ОТМларда тажриба машғулотларини ўтказиш тўғри йўлга қўйилган. Бироқ мутахассислик фанлари бўйича тажриба стендлари ва жиҳозлар етарли даражада эмаслиги талабаларимизнинг соҳа бўйича малакалари бугунги кун талабларига мос бўлмаётганини кўрсатмоқда. Бу муаммони ижобий хал этишда ишлаб чиқариш корхона, ташкилотлари билан хамкорликни ривожлантириш, уларнинг моддий-техник таъминотидан фойдаланиш лозим. Малакавий амалиётларни ва тажриба, амалиёт дарсларини ишлаб чиқариш ташкилотларида ўтказишни йўлга қўйиш натижасида, биринчидан, талабаларнинг соҳага бўлган қизиқиши, билими, кўникмаси, малакаси ошишига эришилади, иккинчидан иш берувчи ташкилотга талабаларнинг имкониятлари, уларнинг ишга муносабатини, рақобатбардош кадр сифатида уларга намойиш этиш, учинчидан иш берувчи ташкилотлардаги муаммоларни профессор-ўқитувчилар билан хамкорликда илмий асосланган янги ғоялар билан ечимларини топишга имконият яратилади.



1-расм. Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш механизми

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami. –T., 2017. –B. 39.
2. Беспалько, В. П. Образование и обучение с участием компьютеров(педагогика третьего тысячелетия) / В.П. Беспалько. – М.:Изд-во Моск. психол.–социал. ин–та ; Воронеж : МОДЭК, 2002. – 352 с.
3. Джураев Р.Х., Рахимов Б.Х. Факторы, влияющие на процесс формирования молодёжной субкультуры будущего учителя. Сб.статей. Под общей редакцией.- М.: Издательство Московского психолого-социального института, 2008.-С-61-66.
4. Донина, И.А. Педагогическая стратегия становления конкурентоспособного персонала общеобразовательной организации/ И.А. Донина // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № URL: www.scienceeducation.ru/2014 (дата обращения: 01.07.2015).
5. Жукова, Г. С. Технологии профессионально–ориентированного обучения: учеб. пособие. / Г. С. Жукова, Н. И. Никитина, Е. В. Комарова. – М.: Издательство РГСУ, 2012. – 165 с.
6. Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари: Дис…пед. фан. док. – Т., 2006. –345 б.
7. Исмаилова З.К., Химматалиев Д.О. Роль педагогической технологии разноуровневого обучения в современном профессиональном образовании / The Seventh International Congresson Social Sciences and Humanities, 2ndApril, 2016, Vienna 2016, 76-79 бетлар.
8. Лаврентьев, Г. В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов / Г. В. Лаврентьев, Н. Б. Лаврентьева, Н. А. Неудахина. – Барнаул: Изд–во Алтайского государственного университета, 2004. – 156 с.
9. Лысова, Н. В. Интерактивные методы обучения в практике работы вуза как фактор повышения конкурентоспособности студентов / Н. В. Лысова // Современная образовательная практика и духовные ценности общества. – 2015. – №2. – С. 241-244.
10. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. - Т.: Фан ва технология, 2013, - 128 б.
11. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / – Тошкент, 2015. – 120 бет.
12. Эргашев Б.Б. Управленческие аспекты проблемы качестве образования./Б.Б.Эргашев // Школа будущего. – 2019. - №3. –С. 162-169.
13. Эргашев Б.Б. Исмаилова З.К. Олий таълим муассасасиси битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг педагогик стратегияси.¬¬ – Наманган, 2019. –165 бет.
14. Phaal R. Technology Roadmapping. IET Management Key, University of Cambridge, UK. 2006. 26 (1): 2-19.
15. Қаҳҳаров А.А. Интеллектуал ўйинларни компьютер ёрдамида ташкил этиш йўли билан таълим самарадорлигини ошириш //Замонавий таълим. –Тошкент: 2018. –№2. 56–61-б.
16. Каххаров А.А. Особенности преподавания начертательной геометрии и инженерной графики с использованием современных компьютерных технологий // Nauka-rastudent.ru. – Уфа: 2015. –№ 06 (18) /http://nauka-rastudent.ru/18/2733/.
17. 17. Каххаров А.А., Мансуров А. Автоматизация и составление тестов попредмету начертательная геометрия и инженерная графика. Журнал «Science Time»: материалы Международных научно-практических конференций Общества Науки и Творчества за март 2016 года. – Казань, 2016. Science Time. –№3(27). 224–228 с.
18. 18. Kakhharov A.A. Method of development of emergency descriptions of students in training scientific geometry. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 7 No. 12, 2019 Special Issue: Education in Uzbekistan ISSN 2056-585. 68-74 p.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Д.АБИДОВА
Педагогик инновациялар институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақолада таълим жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал компетентлигини шакллантиришнинг моҳияти, интеллектуал компетентликнинг мазмуни, рақобатбардош мутахассис сифатида таркиб топиш кўникмаларини онгли равишда эгаллашда ривожлантирувчи таълим технологияларининг аҳамияти ёритиб берилган.

Kalit so'zlar: интеллект, интелектуал компетенция, касбий компетенция, инновация, креативлик, мотивация, метод.

Аннотация. В статье подчеркивается важность развития интеллектуальной компетенции студентов в образовательном процессе, содержания интеллектуальной компетенции, значение развивающих образовательных технологий в осознанном приобретении навыков конкурентоспособного специалиста.

Ключевые слова: интеллект, интеллектуальная компетентность, профессиональная компетентность, новаторство, творчество, мотивация, метод.

Annotation. The article emphasizes the importance of developing students' intellectual competence in the educational process, the content of intellectual competence, the importance of developing educational technologies in the conscious acquisition of the skills of a competitive specialist.

Key words:intelligence, intellectual competence, professional competence, innovation, creativity, motivation, method..

Таълим олишнинг замонавий шароитларида компетентли ёндашув мамлакатимизда таълимни ривожлантиришнинг етакчи стратегияларидан бири сифатида қабул қилинди ва меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда(компетенциявий талабларга асосланган малака талабларини ишлаб чиқилиши). Мазкур ёндашувнинг маъно ҳосил қилувчи компоненти ўқувчиларнинг касбий компетенлиги пойдеворини шартлаб берувчи асосий (таянч) компетенциялар, метафазилатлар тўплами, шахс фазилатлари ҳисобланади.

Замонавий мутахассисга қўйиладиган талаблар фаолиятнинг янги соҳаларини мустақил эгаллаш имконини берувчи касбий ва интеллектуал мобилликни, мустақил таълим кўникмалари, тадқиқот фаолияти тажрибасини орттиришдан иборат[1].

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсатгични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсатгичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар. Ч.Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсатгичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам

мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки, уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин.

Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Бугунги кунда фикрловчи инсон кузатиш, таҳлил қилиш, таклиф киритиш, қабул қилган қарорларига жавобгар бўлиши ҳамда низолар ва зиддиятларни бартараф қилиши шарт [2].

Замонавий жамиятга мустақил, танқидий фикрловчи, кўриш, ўйлаш ва юзага келаётган муаммоларни ижодий ҳал қилишни биладиган инсон керак. Юқори даражада ривожланган интеллектли креатив инсон ташқаридан манипуляция қилинишга мойилиги кам бўлади, кўп ҳолларда у итоаткор бажарувчи ролига ўтмайди.

Интеллектнинг асосий вазифаси бу – инсоннинг шахсий эркинлиги ва ўз индивидуал тақдирини ўзи таъминлай олишининг кафолатидир [4].

Ахборотлашган жамият шароитида интеллектуал ишлаб чиқаришга ўтишда меҳнат характери ва шунга мос равишда, мутахассисларга қўйиладиган талаблар ўзгаради [5].

Бутун жаҳон конгрессида таърифлаб берилган мутахассисга қўйиладиган талаблар тизимида таъкидланишича, замонавий мутахассис қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

- таълим олишни давом эттириш ва бошқа тилда гапирувчилар муҳитида касбий фаолиятини амалга ошириш;
- фикрлаш маданиятига эга бўлиш, тафаккурнинг умумий қонуниятларини билиш, ёзма ва оғзаки нутқда ўзининг натижаларини тўғри (мантиқий) ифодалашни билиш;
- фаннинг ривожланиши ва ижтимоий амалиётнинг ўзгариши шароитида йиғилган тажрибани қайта баҳолаш, ўз имкониятларини таҳлил қилишга қодир бўлиш; ўзининг кучли ва бўш томонларини билган ҳолда, ўзини ўзи рўёбга чиқариш қобилиятига эга бўлиш;
- бўлажак ихтисослигининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини ҳамда фаолиятининг аниқ соҳасини белгилаб берувчи фанларнинг асосий муаммоларини тушуниш, билимларнинг яхлит тизимида уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриш;
- тизимли ёндашув асосида профессионал соҳада лойиҳалаш фаолиятига қодир бўлиш, турли ҳодисаларни тавсифлаш ва прогнозлаш учун моделларни қуриш ва улардан фойдаланишни билиш, уларнинг сифатий ва миқдорий таҳлилини амалга ошириш;
- муаммони кўришга қодир бўлиш, касбий функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни таърифлаб бериш, уларни ҳал қилиш учун ўрганган фанлар усулларидан фойдаланишни билиш;
- ҳамкасблар билан бирга ишлаш ва жамоада ишлашга тайёр бў-

лиш, бошқариш усулларини билиш, бажарувчилар ишини ташкил қилишни билиш, турли фикр-мулоҳазалар мавжудлиги шароитида бошқарув билан боғлик қарорларни топиш ва қабул қилишни билиш;

• ўз касбий фаолиятининг кўриниши ва характерининг ўзгаришига, фанлараро лойиҳалар устида ишлашга методик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлиш;

• касбий масалаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш ривожланган қобилиятига эга бўлиш, ҳар қандай вазиятларда йўналишни топа олишни билиш; муаммолар, вазиятлар, вазифаларни таҳлил қилиш, шунингдек ҳаракат режаларини ишлаб чиқишни билиш.

Мамлакатимизда таълимга янгича ёндашувларни қўлланилиши, профессионал таълимни жорий этилиши, технологияларнинг жадал ривожланиши ва янгиланиши касбий фаолиятнинг сифати ва шарт-шароитларини узлуксиз ўзгартириб, мутахассисни меҳнат билан боғлиқ ҳаёти давомида бир неча бор касби доирасида фаолиятнинг янги усуллари ва турларини эгаллаш, малакаси ва таълим даражасини ошириш, иш жойи ва хатто касбини алмаштиришга мажбур қилади. Мазкур ҳолат педагогик назарияни интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш индивидуал психологик механизмларини актуаллаштиришнинг самарали йўлларини излашга кўпроқ эътибор беришга мажбур қилади. Шу боис биз мақолада ривожлантирувчи таълим назариясига эътиборни қаратамиз.

Ривожлантирувчи таълимнинг энг муҳим жиҳати (қоидаси) ривожланишнинг ижодий характеридир. Ижодий тафаккурни шакллантирувчи таълимгина ривожлантирувчи бўлади. Ривожлантирувчи таълимнинг асосий кўрсатикичларига қуйидагилар киради: фикрнинг оригиналлиги (барча қабул қилган, типик фикрлардан фарқ қилувчи, “камдан-кам” учрайдиган фикрларни ишлаб чиқариш қобилияти); ғайри оддий деталлар, зиддиятлар, ноаниқликларга идроклилик (сезувчанлик); бир ғоядан бошқасига эгилувчанлик билан ва тез ўтиш; идрок ва тафаккурнинг стереотипли усуллари ва қолипларидан воз кечиш қобилияти; маълум муаммоларнинг ечилиши усуллари такомиллаштиришга интилиш; ассоциатив алоқаларнинг пайдо бўлиш тезлиги; муаммога, унинг ҳали ўрганилмаган ечимига «идроклилик»; объектнинг янги ҳали ўрганилмаган функцияларини топиш қобилияти; муаммолар ва зиддиятларни англаб етиш, шунингдек вазиятнинг етишмаётган элементларига нисбатан фаразлар таърифлаб бериш қобилияти.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш нуқтаи назаридан таълим – мураккаб, махсус ташкиллаштирилган, мотивацияли билиш фаоллигини юзага келтирадиган жараён. Ушбу тизим талабаларни интеллектуал фаолият жараёнида қийинчиликларни енгиш асосларидан, шунингдек, усуллари ва уларни нотипик, янги вазиятларда баратараф қилишдан хабардор қилишни кўзда тутади. Бўлажак мутахассиснинг шаклланиш жараёни касбий мотивациянинг мавжудлиги, аҳамиятли натижаларга эришишга йўналганлик, мустақил таълим олиш ва ўзини ўзи тартибга солиш фаолияти тажрибасини кўзда тутади. Демак, ҳар бир талаба унга керакли билимларни қандай эгаллаши мумкинлиги, ўзини ўзи рўёбга чиқариш йўлида ички имкониятларини кандай қилиб очиш ҳақида маълумот олиши учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Индивидуаллик педагогикаси муаллифи О.С.Гребенюк педагог-

нинг асосий вазифасини таълим олувчига унинг шахс сифатида ва интеллектуал ривожланишида ёрдам беришда кўради ва бутун педагогик амалиёт инсон кучлари моҳиятининг барча соҳаларини ривожлантириш ва такомиллаштирига йўналган бўлиши керак. Инсон индивидуаллигини ривожлантириш деганда муаллифлар унинг барча: интеллектуал, мотивацион, иродавий, эмоционал, предметли-амалий, ўзини ўзи тартибга солиш ва экзистенциал соҳаларини ривожлантиришни тушунадилар.

Интеллектуал компетентликнинг ривожланиш даражаси таълим мазмунини ақлий фаолиятнинг қандай воситалари ва усуллари ташкил қилишига, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг қандай усул ва шакллардан фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Шундай қилиб, интеллектуал компетентликни касбий компетентликнинг асосий блоки, "энг теран ўзаги" сифатида ажратиш интеллектуал компетентлик ўқувчи-талабалар билиш фаолиятининг индивидуал услубининг асосини ташкил қилиши билан шартланган. У ахборот билан ишлашнинг шахсий тизимини, фаолиятнинг функционал маъновий контекстини ўзгартирувчи (қайта ташкил қилувчи) контекстга ўтказиш натижасида янги билимлар тизимини ўзлаштириш ва яратиш қобилиятини; касбий фаолиятда мобилликка халал берувчи тафаккурнинг эскирган стереотиплари ва идрок қилиш қолипларини қайта кўриб чиқишга тайёрликни шартлаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Тураев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари сохасидаги бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантириш назарияси ва методикаси. Монография. - Тошкент: "Navro'z", 2015. - 174 б.

2. Гончарук Н.П. Формирование научно-исследовательской компетенции будущих специалистов/ Н.П. Гончарук, Г.С.Сагдеева.// Вестник Казанского технологического университета. Казань: КГТУ, №3, 2013. -С.315-321.

3. Егорова Г.И. Технологии развития интеллектуальной культуры будущего специалиста: учебное пособие / Г.И.Егорова. - Тюмень : ТюмГНГУ, 2010.-170с.

4. Зиёмухамедов Б., Тожиев М. Педагогик технология - замонавий ўзбек модели. /"Lider Press", Тошкент-2009й.

5. Тажиев М., Алимов А.Я. ва б. Педагогик технология - таълим жараёнига тадбиғи. /"Тафаккур", Тошкент-2010 й.

6. Тураев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасининг бўлажак кадрлари компетентлигини шакллантириш босқичларида касбий компетентлик тушунчаларининг ўрни // Таълим, фан ва инновация. - Тошкент, 2016. - №4. - Б. 46-50.

7. Савенков, А. Проблемы развития и бытия личности. /Развитие личности №2, 2006. - 46-60с.

8. Хидирова Б. Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашнинг назарий ва амалий асослари. /"Фан ва технология", Тошкент- 2009 й.

ЗАМОНАВИЙ ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЬАТНИ ЎҚИТИШДА УНИ ИДРОК ЭТИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Н.А.МАНСУРОВ
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти,
И.Н.Абдуллаева – Низомий номидаги ТДПУ талабаси.

Аннотация. Мақолада миллий тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиши, маънавий ва маърифий жиҳатдан янги ижодий изланишларни кенгайиши, жаҳоннинг илғор санъат услубларига тақлид қилмаган ҳолда ўзбек санъати услубининг тараққий топиши билан тасвирий ва амалий санъат фани ривожига катта ҳисса қўшаётганлиги ҳақидаги масалалар ёритилган.

калит сўзлар: дизайн таълими, ижтимоий фаолият, бадиий санъат, ижодкорлик, эстетик ва бадиий фаолият, дизайнерлик малакалари .

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы развития изобразительного и прикладного искусства, развитию духовности и просветительства, расширению новых путей творческих поисков, не подражающих мировому авангарду, воплощение в искусство узбекской модели развития предмета изобразительной деятельности.

Ключевые слова: Дизайнерское образование, социальная деятельность, художественное исскуство, творчество, эстетическое и художественная деятельность, дизайнерская квалификация.

Annotation. The paper considers the problems of the development of national fine arts, the authors examines, development end formation of spirituality and enlightwent to expanding new views of creative researches, not imitating to the world avangarde and realisation of the Uzbek model of development of fine arts into life

Key words: design education, social activity, art, creativity, aesthetic and artistic activities, design skills.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти унинг маданияти ва санъати даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида, давлатнинг маданият ва санъатга бўлган муносабати жамиятнинг ривожланиш даражасини аниқлайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган тарихий дамларда ўз даври ва томошабини билан жонли, миллат ҳаётининг муҳим бўғинларини айниқса, таълим-тарбия соҳасида кечаётган ислоҳотлар жараёнини, мавжуд муаммоларни мўлжалга ола билиш имконияти, илм-фан ва санъатни ижтимоий ҳаётнинг олдинги қаторига кўтариб чиқара бошлади.

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, таълим мазмунини умуминсоний қадриятлар ва халқимизнинг тарихий-маданиий анъаналари асосида ташкил этишга кенг йўл очиб берди. Натижада таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Айни пайтда улар такомиллаштирилмоқда, модернизация қилинмоқда. Комил инсон ғояси - ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай, балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр-ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Жаҳон санъати тарихини ўрганиш, унинг тараққиёт қонунларини тушуниш,

нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўзлаштириш ғоявий-эстетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2017йил 3-июндаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида"ги 190-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9-синфлари учун тасвирий ва амалий санъат фани бўйича йиллик ўқув режаси ишлаб чиқилган. Мазкур режада белгиланган мавзулар ва уларнинг мақсад-мазмуни албатта, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият қаратилган.

Шу маънода бугунги кунда тасвирий ва амалий санъат фанини ўқитиш, касбий ўрганиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш, қолаверса иқтидорли ёшларни ҳар тамонлама ўз малака билимларини кенг илмий-бадиий тилда баён эта олиш, ўз ижод намунасининг мазмун-моҳиятини тўла таҳлил қила олиш даражаси борасида ўзига хос муаммолар борлиги сир эмас.

Яна бир масала, бутун дунё давлатлари шиддат билан ривожланиш, тараққиёт сари одимлаб бораётган даврда, айнан илм-маърифатли, салоҳиятли, ўз касби ва мутахассислигининг назарий-амалий билимлари билан биргаликда, ижодий асар ва ютуқларини ҳаётда илғор тажрибалар, халқаро инновацион кўргазмаларда юксак даражада намойиш эта оладиган етук кадрларга бўлган талабни инобатга олиб, таълимда касбий-ижодий фанларга ундаги мавзуларга ажратилган вақт меъёрлари қай даражада етарли ёки сермаҳсул ва тўла ўзлаштирилади дея оламиз?

Юқоридаги муаммога эътибор бериб, ўрта таълим мактабларида алоҳида иқтидор ва малакаларни ўргатувчи, ҳамда касбий-ижодий билимларни ри вожлантирувчи тасвирий ва амалий санъат фанидан ўқитиладиган аксарият мавзуларга бир соатдан ажратилган бўлиб, бу қисқа вақтда берилган мавзуни тўлақонли очиб бериш ва ўзлаштириш учун етарлими деган савол туғилиши тайин. Ўқитишдан кўзланган мақсадга эришиш учун ўқувчи ҳар бир мавзуни амалий бажарибгина қолмай, уни ишлашдан мақсад, мазмун-моҳияти ва провард натижа, унинг жамиятга тегадиган фойдаси, ҳамда бадиий қийматини очиб бериш, яъни бадиий таҳлил қила олиш кўникмаларини шакллантириш зарур деб ўйлайман.

"Қайси миллат ўз болаларига расм ишлашни худди хат-саводни, ўқиш ва ҳисоб-китобни ўргангандек қунт билан ўргатса, бу миллат фан, санъат ва ҳунармандчиликда бошқа халқлардан ўзиб кетади" - деган эди Дени Дидро.

Мазкур фикрда баён этилганидек, миллатимизнинг тарихда жаҳонга машҳур илм-фан ва санъат мактабларига тамал тошини қўйган буюк алломаларимиз асарлари умумжаҳон тараққиётига ҳали хануз хизмат қилиб келмоқда.

Биз биламизки, тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича композиция ўргатилади. Турли мавзуларда композициялар ўргатиш жараёнида ўқувчиларга рассом ва усталарнинг асарларини бадиий таҳлил қилинади. Шу ўринда асарни таҳлил қилиб бериш орқали мантиқий мазмунини тушунтириб бериш керак

бўлади.

1 – мисол. Оддий уч предметдан



ташкил топган натюрмортни чизиш, бўяш каби амалий тажрибалар ўргатилади. Чизишдан аввал композицияни симметрия, асимметрия, уфк чизиғи, мувозанат, ҳаракат, уйғунлик, ранг, колорит каби мезонлар тушунтириб берилади. Шулардан кейин натюрмотни бадиий таҳлил қилишга ўтилади. Таҳлил қилиш жараёнида натюрмортни мазмунини билиш ва ғояси тушунтирилади. Натюрморт асосан уч предметдан ташкил топган. Гулдон, гул ва олма. Уларни рамзий маъноларини аниқлаймиз. Гулдонда тупроқ, ер ва сув бор, яъни униб ўсиш учун макон – бу Ватандир. Гул – гўзаллик, яъни ҳаётнинг, она-табиатнинг инсон учун берилган беқиёс даражадаги инъомидир. Олма – ширин мева, ризқ ва муҳаббат рамзини билдиради. Инсон ўзи учун ширин ва қадрли бўлган нарсани, ҳаётдаги энг яқин ва энг азиз кишиси билан баҳам кўради. Бу – меҳр-муҳаббат. Демак, тасвирланган нарсаларнинг рамзий маънолари: Гулдон – Ватан, Гул – гўзал ҳаёт, Олма – меҳр-муҳаббат маъносини бермоқда. Агар биз уч сўз маъноларини бирга ўқиб чиқсак, натюрмортнинг мантиқий ечими – “Инсонга ҳаёт ўз Ватанида, гўзал маконда ва ўзаро меҳру-муҳаббатда яшаш имкони берилганлиги, оддийгина кўринган тасвирда ҳаётнинг қисқа ва қадрли вақтнинг нечоғлик қимматлиги ҳақидаги фалсафий ғояни англаш мумкин”. Зотан, вақти билан гул тўкилса, мева ва меҳру-муҳаббат ҳам қурийди. Ҳар бир санъат асари ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Албатта, чуқур билим, тафаккур ва соғлом фикрлаш орқали бадиий асарни таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари ҳаёлий ҳаракатлар амалга оширилади.

Санъат асарларининг бадиий таҳ-

Тасвирий ва амалий санъат асарларининг бадиий таҳлили орқали ўқувчиларни фикрлаш тизими



лили орқали ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш, уларни таҳлил, синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва мантиқий хулоса қилиб, маъноларини англаб олишларига кўмак беради.

Фикрлаш - дарс давомида амалга оширилади, фикрлаш давомида таълим олувчилар ўзлари дуч келган фикрларга ва ўзлари ўзлаштирган маъноларга қайтадилар ва саволлар берадилар, талқин ва таҳлил қиладилар, қўллайдилар, мунозара юритадилар ва ушбу маънони қўллашнинг янги соҳаларига қадар кенгайтирадилар.

Шакллантириш - ривожланиб етилмоқ, аниқ мазмун ёки йўналиш касб этмоқ.

Таҳлил (анализ) - манбани, муаммони, натижани илмий ўрганиш услуби. Бунда тадқиқот, объект фикран ёки эҳтимолий равишда таркибий қисмларга ажратилади ёки объектга мос белгилар ва кўрсаткичлар ҳамда уларнинг алоқадорлиги ўрганилади.

Таҳлил методи - бунга қуйидаги компонентлар киради:

- маълумотларни ахборот кўринишига келтира билиш;
- ахборотларни англаб идрок этиш;
- маълум ва номаълумларнинг муҳим белги ва муносабатларини ажрата билиш;
- элементларга ажратиш ва бошланғич структурали бирликни топиш;
- алоқаларни англаш (элементлар ёки ташкил этувчилар орасидаги) ва тушунтириш хамда синтез қила билиш.

Синтез - (юнон synthesis қўшиш, бирлаштириш) синтез, фикр объекти ҳисобланган нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари, сифат ҳамда хусусиятларини фикран ёки амалий равишда бир бутун қилиб қўшишдан иборат бўлган ақлий операция. Масалан, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгилари қўшилишидан яхлит бир тушунча ҳосил бўлади. Синтез тафаккур ҳамда ҳаёлнинг ижодий фаолиятини ташкил қилади. Синтез бевосита анализ билан умумлаштириш, таққослаш, системалаштириш каби аклий операциялар билан боғликдир.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда мавзуга хос қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси - доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутади.

Миллий ва умуммаданий компетенция - ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли, ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади.

Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

2 – мисол. Тасдиқланган режага мувофиқ умумтаълим 7 – синф ўқувчилари учун “Тасвирий ва амалий санъатдаги оқим ва йўналишларда тур ва жанрлар” мавзуси берилган бўлиб, ажратилган уч соатда умумий маълумот бериш, ҳамда

асарларни бадиий идрок қилиш масалаларини қамраб олиш назарда тутилган.

Қуйида берилган мавзу асосида бадиий таълим, кўргазма ишларини такомиллаштириш ва бадиий меросни, ҳамда замонавий санъатни тарғиб қилиш истиқболини таъминлашга йўналтирилган академик устоз рассомлар бир неча ижодий ишларини кўриб чиқамиз. Албатта, қисқа муддат мобайнида берилган мавзуни кенг, тўлақонли ва талаб этиладиган билимлар даражасида ўзлаштириш мумкин эмас. Зотан, миллий санъат ва маданиятимизнинг асарларини ўрганиш, тинимсиз меҳнат, билим, сабр-қаноат, қунт, ижодий изланиш ва албатта, ташаббускорлик билан креатив ёдашув лозим.

Замонавий тасвирий ва амалий санъат ижоди, бир-бирига ўхшамаган истеъдодли уста-рассомлардан иборат ранг-баранг гулдастага ўхшайди. Турли бадиий мактаб, йўналишларда ижод қилаётган Ўзбекистон уста-рассомларининг асарлари ўзбек маданиятининг миллий ўзига хослигини намоён этади. Фахрий академиклар Р.Аҳмедов, А.Абдуллаев, Н.Қўзибоев, М.Набиев, Ш.Муродов, М.Усмонов, О.Файзуллаев, М.Муродов, ҳамда ҳақиқий аъзолари – В.Бурмакин, А.Икромжонов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, С.Абдуллаев, А.Нуриддинов, А.Султонов, А.Илҳомов, Х.Иноғомовларнинг ўзига яраша мактаблари ҳам бор. Турли авлод усталаридан иборат академиклар таркиби рамзий маънода мамлакат тасвирий ва амалий санъатининг ХХ асрда босиб ўтган турли хил услубий йўналишларини, ўзига хос тараққиёт йўлини ифода этади.

Мустақиллик Ўзбекистоннинг янги ривожланиш ва тараққиёт йўли шарофати билан саньатдаги бадиий услубий жараён янги кўринишларда бойиб бормоқда. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг миллий санъати, жаҳоннинг исталган ҳудудидаги давлатлар санъати орасида ўзига хос мазмун-маънода намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 16.08.2017 й. ПҚ-3219.
2. Булатов С.С, Соипова.М.С. Бадиий тахлил тамойиллари. -Т.: «Fan va texnologiya», 2016. 11-13 бет.
3. Каримов И.А. Миллий истикдол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -80 б.
4. Хасанбоев Ж., Туракулов Х ва бошкалар. Педагогика фанидан изохли лугат. Т.: «Фан ва технология», 2009, 540-бет.

UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTABLARIDA O‘QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO‘LLASH TENDENSIYALARI

U.X.MINGBOYEV
O‘zMU Jizzax filiali ta’lim sifatini nazorat qilish bo‘limi boshlig‘i
P.Q.XOLMATOV
JVXTXQTMOHM “Amaliy fanlar va maktabdan tashqari ta’lim metodikasi” kafedrasi mudiri

Annotatsiya. Ushbu maqolada umumiy o‘rta ta’lim maktablarida darsdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida o‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirishni takomillashtirishga oid mulohazalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: kasb-hunar, to‘garak rahbarlari, kichik guruhlar, yakka tartibda mustaqil va guruh holida mavzuni o‘rganish, o‘quvchi o‘z qiziqishi,qobiliyat, bilim, amalda tatbiq.

Аннотация. В этой статье представлены отзывы о том, как улучшить профориентацию учащихся во внеклассной деятельности в общеобразовательных средних школах.

Ключевые слова: профессия, руководитель кружка, малые группы, индивидуальное, самостоятельное и групповое изучение темы, собственные интересы студента, способности, знания, применение на практике.

Annotation. This article provides information regarding how to improve the professional orientation of students during the activities that are conducted after the lessons in general secondary school.

Keywords: profession, club leaders, small groups, individual and group study of the topic, the student's own interests, abilities, knowledge, and practical application.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz” nomli asarida ertangi kunimiz egalari bo‘lmish yurtimiz farzandlari uchun zamonaviy kasb-hunar sirlarini o‘rgatuvchi markazlar faoliyatini tashkil qilish hamda ular uchun munosib ish joylari yaratish, ularning kelgusi hayotda o‘z o‘rinlarini topishlarini ta’minlashga qaratilgan ishlarimizni yangi bosqichga ko‘tarishni davrning o‘zi taqozo etayotganligiga alohida urg‘u berilgan. Ushbu asarda, jumladan, shunday deyiladi: “Biz yoshlarga doir davlat siyosatini hech og‘ishmasdan, qat’iyat bilan davom ettiramiz. Nafaqat davom ettiramiz, balki bu siyosatni eng ustivor vazifamiz sifatida bugun zamon talab qilayotgan yuksak darajaga ko‘taramiz.

Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz” [1]. Shu o‘rinda darsdan tashqari ta’lim mazmunini milliy an’analar va qadriyatlarimiz, Respublika hududlari talablari asosida tashkil etib, uning tarmog‘ini kengaytirish, zamon talablari darajasida isloh qilish kun tartibida turgan dolzarb masaladir. Hozirgi kunda yangi pedagogik va axborot texnologiyasi qonuniyatlari asosida pedagog olimlarimiz darsdan tashqari mashg‘ulotlarni tashkil etishning turli shakl va metodlarini ishlab chiqmoqda. Bizning ham bu boradagi tadqiqotlarimizda ta’lim muassasalarining o‘quv-tarbiyaviy ishini rejalashtirish, dastur va uslubiy ishlanmalar, metodik qo‘llanmalar, o‘quv adabiyotlari muhim dasturiy asos bo‘lib xizmat qildi. Amalga oshirgan tahliliy tadqiqotlarimiz natijasida mashg‘ulotlar mazmunini

texnologik asosda tashkil qilish eng istiqbolli yo‘nalish sifatida qabul qilindi. Ta’lim jarayoni qanday shaklda tashkil etilishidan qat’iy nazar, quyidagi 1-shaklda keltirilgan shartlarga javob berishi talab qilinadi.

Ta’lim jarayonini har tomonlama mukammal loyihalashtirish, aniq maqsadlar qo‘yish va ularga kafolatlangan holda erishish, rejalashtirilgan natijalarni amalga oshirish imkonini beruvchi uzviy bog‘langan komponentlar yig‘indisi hisoblanadi. Ushbu qoidadan kelib chiqqan holda har bir kasb-hunarga doir o‘qitiladigan mavzuga keng qamrovli loyiha ishlab chiqildi. Majmuaning tarkibiy loyiha qismiga qo‘shimcha ravishda mavzuga daxldor bo‘lgan barcha axborotlar, kompyuter sayti, tarqatma materiallar, ma’lumotnomalar, manbalar, ulardan foydalanish metodikasi kiritildi. O‘quvchilarning darsdan tashqari mashg‘u-



lotlari va ularni kasbga yo‘naltirish jarayonlarining kasb tanlashga yo‘llash texnologiyasi o‘quvchi yoshlarni xohishlari, moyilliklari va shakllangan qobiliyatlarga asosan jamiyat va xalq xo‘jaligining ehtiyojlarini e’tiborga olgan holda ish bilan ta’minlashni optimallashtirishga qaratilgan pedagogik tizim loyihasini amalga oshirish deb tarifladik[2].

O‘quvchi kichik guruhlarda yakka tartibda mustaqil va guruh holida mavzuni o‘rganadi. O‘qituvchi hamkorligida o‘zlashtirish darajalari aniqlanadi. Har bir o‘quvchi o‘z qiziqishi, qobiliyati va imkoniyatiga mos o‘zlashtirishiga erishishi bilan bir qatorda, olgan bilimlarini amalda tatbiq etib boradi.

Ijtimoiy ishlab chiqarish munosabatlarining, jamiyatda mavjud kasblar doirasining kengayib, chuqurlashib hamda murakkablashib borishi o‘z-o‘zidan shaxsga ta’lim berish, dunyoqarashini shakllantirish, kasb tanlashga yo‘llash hamda ishlab chiqarish jarayonidagi

faol ishtirokining kafolati bo‘lgan kasbiy malakalarini shakllantirish jarayoniga nisbatan yangicha, samarali yondashuvlarni ishlab chiqishga bo‘lgan ehtiyojini yuzaga keltiradi. Ma’lumki, ta’-lim tizimi jamiyatda shakllangan muayyan ehtiyoj asosidagi ijtimoiy buyurtmani bajarishga yo‘naltiriladi.

Bozor munosabatlariga asoslangan ijtimoiy rivojlanish qonuniyatlaridan biri jamiyatning barcha sohalari, jumladan, kasb egallashdagi raqobatning paydo bo‘lishidir. Ijtimoiy raqobatning bu taxlit-da mavjud bo‘lishi mo‘tadil faoliyat yuritish, raqobatga nisbatan ishchanlik immunitetini hosil qilish, raqobatchilarga nisbatan yuqoriroq mavqe uchun kurashishga zamin yaratadi. Shu bois fuqarolarda ta’lim olish, nazariy va amaliy bilimlarni o‘zlashtirish, kasb egallashga nisbatan ongli yondashuv hissi qaror topmoqda. Bu esa ularda jamiyat ehtiyojlari asosida kasb tanlashga bo‘lgan rag‘batni hosil qilmoqda. Endilikda ta’lim olish, muayyan kasb-hunar yoki mutaxassislik ma’lumotlarini egallash, bu borada ma’lum ko‘nikma va malakalarni shakllantirish hayotiy ehtiyojga aylanmoqda. Ta’lim olishga bo‘lgan rag‘bat va uning mazmuni kasb egallash jarayonining muvaffaqiyatli amalga oshishida kafolat bo‘la oladi [5].

Yaqin o‘tmishda ta’lim oluvchining ta’lim jarayonidagi ishtiroki nazariy bilimlarni qabul qilib oluvchi va o‘zlashtirilgan nazariy bilimlar, amaliy ko‘nikmalarni namoyish etuvchi subyekt sifatidagi o‘rni bilan kifoyalangan bo‘lsa, ta’lim texnologiyasi talablariga ko‘ra ta’lim oluvchi ta’lim jarayonining yetakchi sub’ekti, asosiy ijrochisi sifatida ko‘rinadi. Endilikda ta’lim oluvchi ta’lim beruvchi tomonidan uzatilayotgan axborot (bilim)larni qabul qilmaydi, balki ta’lim beruvchining yo‘llanmasi, ko‘rsatmasiga muvofiq tavsiya etilgan o‘quv manbalari bilan mustaqil ravishda tanishish orqali nazariy bilimlarni o‘zlashtiradi, ta’lim beruvchi nazorati ostida amaliy ko‘nikma va malakalarni hosil qiladi. Ta’lim oluvchi mustaqil faoliyat yuritish, nazariy bilimlarni o‘zlashtirish asosida o‘zida fikrni ilgari surish, dalillar keltirish, o‘z fikrini himoya qilish layoqatini tarbiyalay olishi, o‘z-o‘zini tanqid qilish, o‘z-o‘zini baholash sifatlarini qaror toptira olishi talab etiladi. Davr talabi ta’lim oluvchini ta’lim jarayonining sust tinglovchisi bo‘lishdan faol ishtirokchisig a aylantirishni taqozo etmoqda.

O‘quvchining ta’lim jarayonidagi yetakchilik roli quyidagi pedagogik vazifalarni hal etish imkonini beradi:

- o‘quvchida bo‘lajak kasbi to‘g‘risidagi bilimlarni va ma’lumotlarni o‘zlashtirishga bo‘lgan ehtiyojni qaror toptirish;
- kasb tanlashga nisbatan ongli yondashuvni shakllantirish;
- mustaqil faoliyat yuritish ko‘nikmalarini shakllantirish;
- o‘quvchilarda mustaqil fikr yuritish, nazariy va amaliy bilimlar mohiyatini tahlil etish, ular borasida xulosalar chiqarish, umumlashtirish hamda ularni o‘z amaliy faoliyatiga tatbiq etish ko‘nikmalarini yuzaga keltirish va takomillashtirish;
- o‘z-o‘zini nazorat qilish, qiyosiy baholash, tahlil qilish sifatlarini shakllantirish.

O‘quvchilarni kasb tanlashga yo‘llashda ta’lim shakli, metod va vositalarining ahamiyati katta. Zero, ular o‘quvchining imkoniyatlarini yuzaga chiqarish, bilim, ko‘nikma va malakalarini bo‘lajak faoliyat sohasi talablari asosida shakllantirish uchun shart-sharoit yaratib beradi. O‘z navbatida o‘quvchilarning yosh, psixologik, fiziologik xususiyatlari, bilim darajasi, dunyoqarashining ko‘lami hamda ularning faolligi samarali, ilg‘or, noan’anaviy ta’lim shakli, metod va vositalarini tanlash, ulardan maqsadga muvofiq darajada foydalanish uchun turtki

bo‘ladi. O‘quvchi yoshlarning darsdan tashqari mashg‘ulotlarda mustaqil kasb-hunar tanlashga qaratilgan faoliyati o‘quvchilarning ijodiy xususiyatlari va bosqichlariga mos ravishda tashkil etiladi. Ilmiy-texnik ijodiyotning asosiy yo‘nalishlari esa quyidagilar: texnik modellashtirish; o‘quv predmetlari bo‘yicha (fizika, kimyo, matematika) to‘garaklarda fan asoslarini chuqur egallash; sportning harbiy-texnik mutaxassisliklari kasblarini tanlash. Ushbu yo‘nalishlarni takomillashtirish, asosan, olimpiada, ko‘rgazma, tanlov, musobaqa va bahslar o‘tkazish bilan amalga oshiriladi.

Texnik ijodiyot markazlarida tashkil etilgan elektronika, kosmik modellashtirish to‘garagida qatnashib birinchi o‘quv yilini tugatgan to‘garak a’zolari radioelektronika, radiotexnika to‘g‘risida boshlang‘ich taassurotlarga, oddiy qog‘ozdan raketalarni yasashni, raketasozlik va uning kelib chiqishi haqidagi ma’lumotlarni bilishlari shart [4].

Maktabdan tashqari ta’lim muassasalarida rejalashtirilayotgan har bir tadbir mazmunida, to‘garaklar faoliyatida – Vatanga muhabbat va komil inson tarbiyasi aks etishi lozim. O‘quvchilarda Vatanga muhabbat tuyg‘usini tar biyalashda yurtimiz madaniyati, tarixi, muayyan davrlardagi mavqei, buyuk mutafakkirlarimizning jahon fan va madaniyati sohasidagi o‘rni, mamlakatimizning yorqin istiqboliga ishonch to‘g‘risida ma’lumot beriladi. Vatanni sevish, uning istiqboli haqida qayg‘urish iymon-e’tiqod ramzi ekanligi uqtiriladi. O‘qituvchi va tarbiyachilar darsdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida o‘quvchilarga quyidagi bilim hamda ko‘nikmalarni singdiradilar:

- ijtimoiy-siyosiy, ma’naviy-axloqiy xislatlar majmui mujassamlashtiriladi;
- jamiyatda o‘zligini va o‘z iste’dodini har tomonlama namoyon etadi;
- ma’rifiy va dunyoviy bilimlarni mukammal egallaydi;
- axloqan pok, jismonan sog‘lom, hayot go‘zalliklarini his eta oladigan erkin ijodkor shaxs darajasiga intiluvchi bo‘ladi.

Darsdan tashqari mashg‘ulotlar mazmunini belgilashda yana quyidagi tadbirlar ishlab chiqilishi e’tiborga olinadi:

- iqtidorli bolalar va iste’dodli yoshlarni chet ellarda kasbiy jihatdan tayyorgarlikdan o‘tkazishga qaratilgan turli tadbirlarni amalga oshirish;
- darsdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida yoshlar iste’dodi va iqtidorini namoyon qilishga doir shart-sharoitlar yaratib berish;
- ularning qiziqishini inobatga olgan holda fanlar bo‘yicha olimpiadalar, tanlovlar, ko‘rgazmalar, turli bayramlar, bolalar ijodkorligi kabi tadbirlarni o‘tkazish.

Darsdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida o‘quvchilar ongida iqtisodiy ta’limni singdirish, iqtisodiy savodxonlikni oshirish, iqtisodiy fikrlashga o‘rgatish va iqtisodiy madaniyatini shakllantirish muhim o‘ringa ega bo‘ladi. Mashg‘ulotlarda o‘quvchilar ongida quyidagi bilimlar, ko‘nikma va malakalar shakllantiriladi:

- kasblar turlari va yo‘nalishlarini o‘rganishga bog‘liq bo‘lgan iqtisodiy ta’lim bo‘yicha bozor iqtisodiyoti, menejment, marketing kabi tushunchalarni bilishi;
- mustaqil faoliyat asosida shaxsning o‘z bilimi, ko‘nikma va malakalarini namoyon etishi;
- o‘quvchining tanlagan sohasi bo‘yicha maxsus nazariy va amaliy bilimlar yig‘indisini o‘zida mujassamlashtirgan kasbiy tayyorgarlik (2-shakl).

Mashg‘ulotlar mazmuni quyidagi vazifalarning yechimini topishga qaratiladi:

- xalq hunarmandchiligi sohalaridagi ishlab chiqarish mazmuniga ega vazifalarni yechishi, tajribalar o‘tkazishi, o‘lchov-tekshiruv, asbob-uskunalaridan to‘g‘ri foydalanishiga;



- bozor iqtisodiyoti qonuniyatlari, talablari asosida sifatli, xaridorgir, iste’mol mollari va texnologiya mahsulotlarini tayyorlashga odatlanishiga;

- o‘zlari tayyorlagan mahsulotlarni o‘zlari iste’molchiga yetkazishni o‘rganishiga.

Darsdan tashqari mashg‘ulotlarning ikkinchi guruhiga ekskursiyalar, fan olimpiadalari, ko‘rgazmalar, o‘quvchilar konferensiyalari, kasbning eng yaxshi ishchisini aniqlash uchun o‘tkaziladigan tanlovlar, ishlab chiqarish ilg‘orlari bilan bo‘ladigan uchrashuvlar kabi tadbirlar kiradi. Bu turdagi mashg‘ulotlarning mohiyati va afzalligini belgilab beruvchi jihati ko‘plab o‘quvchilarni jalb qilish imkoniyatining mavjudligi bo‘lib, shu sababli ular tadbirlarning ommaviy shakllari deb yuritiladi. Amalga oshirgan tajriba-sinov ishlarimiz sanab o‘tilgan barcha shakldagi mashg‘ulotlarning yuksak darajada samarali ekanligini tasdiqladi. Ular o‘quvchilarning hozirgi zamon ishlab chiqarish asoslari to‘g‘risidagi tasavvurini kengaytirish, ularni turli kasblar bilan tanishtirish imkonini beradi [3].

Bu mashg‘ulotlarning kamchiligi

o‘quvchilarni foydali texnologiyaga, bevosita ijodiy faoliyatga jalb qila olmasligi bilan belgilanadi. Shuning uchun o‘quvchilar, darsdan tashqari mashg‘ulotning mazkur shakli bilan birga, boshqa to‘garak ishida ham qatnashsalar, maqsadga muvofiq bo‘ladi. Ko‘pchilik vaziyatlarda bu tavsiyamiz o‘z tasdig‘ini topmoqda. Jumladan, tashkil etiladigan ko‘rgazmalarda to‘garak a’zolari o‘z ishlarini namoyish qiladilar, ya’ni ikki turdagi mashg‘ulotlarni uyg‘unlashtiradilar. Kasb tanlash uchun o‘quvchi o‘z imkoniyatlarini baholay olish ko‘nikmasiga, ya’ni qiziqishlariga monand, har xil kasblar bo‘yicha bilimga, kasblarning imkoniyatlari, kelajagi haqida axborotga ega bo‘lishi maqsadga muvofiq. Shaxsda kasbga yo‘naltirish maxsus amaliy faoliyat orqali amalga oshiriladi, o‘quvchining inson sifatida shakllanish bosqichlarida shaxs va jamiyat yagona bir tizim sifatida qaraladi, o‘tish davrida bozor iqtisodiyoti munosabatlari talablari inobatga olinadi.

Shaxs har tomonlama kamol topishi uchun aqliy, jismoniy, ma’naviy, ruhiy jihatdan tarbiyalangan bo‘lishi kerak. Shu nuqtayi nazardan shaxsning shakllanishiga bir necha omillar ta’sir ko‘rsatadi. Ta’limning noan’anaviy shakli sifatida tashkil etiladigan bahs-munozara, davra suhbati, amaliy konferensiya, seminar va boshqalar muayyan predmetning muhim mavzulari yuzasidan tashkil etilib, o‘quvchilarda mustaqil fikrlash, o‘z fikrini ilgari surish, uni asoslash hamda himoya qilish qobiliyatini shakllantirish uchun xizmat qiladi. Bu kabi darslarning tashkil etilishida maqsadning aniqligi, shuningdek, o‘qituvchilarning faol ishtiroki muhim ahamiyat kasb etadi.

Bundan tashqari ko‘rgazma va mo‘jizalar maydoni shaklida o‘tkazilayotgan darslar bellashuv xususiyatiga ega bo‘lib, o‘quvchilarni faollikka undaydi.

Kasb tanlashga yo‘llashda mashg‘ulotlarning muvaffaqiyati uning shakligagina emas, balki qo‘llanilayotgan metodlar samaradorligiga ham bog‘liqdir. Ta’lim metodlari o‘qitishning o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlariga erishish usullarini hamda o‘quv materialini nazariy amaliy yo‘naltirish yo‘llarini anglatadi.

O‘qitish metodlari mashg‘ulotlar jarayonida o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyatining qanday bo‘lishi, o‘qitish jarayonini qanday tashkil etish va olib borish kerakligini hamda shu jarayonda o‘quvchilar qanday ish-harakatlarni bajarishlari kerakligini belgilab beradi [2].

1. Darsdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida o‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘llash samaradorligini oshirishga xizmat qiluvchi shart-sharoitlar va yo‘nalishlar asosida mashg‘ulotlarni samarali o‘tkazish texnologiyasini ishlab chiqish vazifasini amalga oshirish uchun:

- o‘quvchilarning darsdan tashqari mashg‘ulotlari va ularni kasbga yo‘naltirish jarayonlarining samaradorligi va unumdorligini oshiruvchi metod hamda nazariyalarni tahlil qilib, ular orasidan shaxsni kelajakda yetuk va raqobatbardosh kasb egasi sifatida shakllantirish imkonini beruvchi pedagogik texnologiya bosqichlari ishlab chiqish va tizimlashtirish;
- o‘quvchilarda kasbga oid tushunchalar hosil qildirish;
- kasbga oid nazariy bilimlar berish;
- olingan bilimlarni amalga tatbiq etish va kasb–hunar haqida o‘quvchilarda ko‘nikma va malakalar hosil qildirish asosida ularni kasbga yo‘llash;
- mashg‘ulotlarni tashkil etishning mavjud bo‘lganlariga nisbatan afzalroq bo‘lgan muqobil metodlar va shakllarini ishlab chiqish imkonini beradigan istiqbolli yo‘nalishlar belgilab olindi;
- o‘quvchilarning darsdan tashqari mashg‘ulotlarini tashkil qilishda guruh shaklidan foydalanganligimiz sababli,

uchinchi navbatda, jamoani shakllantirish va boshqarish metodlarini, ya'ni jamoa oldidagi umumiy muammoni hal qilish uchun har bir o'quvchining individual fazilat va sifatlarini to'laroq e'tiborga olish imkonini beruvchi mezonlar ishlab chiqish hal qiluvchi ahamiyatga egadir.

2. Darsdan tashqari mashg'ulotlarning umumiy tahlili va mazmunini kasbga yo'naltirish ishlari misolida tasniflash asosida to'garak mashg'ulotlari, ommaviy shakldagi darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'llash ishlari takomillashtirilishi maqsadga muvofiqdir.

3. Darsdan tashqari mashg'ulotlar uchun ishlab chiqilgan dasturlarni amalga oshirish murakkab pedagogik-psixologik hamda tashkiliy jarayonlarni amalga oshirishda o'quvchilar qabul qilishi lozim bo'lgan barcha axborotlar oqimini guruhlar bo'yicha tizimlashtirish, bu vazifalarni amalga oshirishda shaxsni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillar aniqlash hamda amaliy tajriba va ekskursiya mashg'ulotlarini tashkil qilish yo'nalishlari hamda metodlarini ishlab chiqish o'quvchilarni kasb-hunarga yo'llashni muhim omillari hisoblanadi.

O'quvchilarni kasb tanlashga yo'llashda o'qitishning pedagogik texnologiyalaridan foydalanish xususiyatlari mazmun-mohiyati tahlili asosida darsdan tashqari mashg'ulotlarni tashkil qilish maqsad va vazifalari, o'quvchi kasbiy sifatlarini dastlabki pedagogik-psixologik tashxis qilish, kasblar to'g'risida axborot berish, o'quvchi shaxsini ijtimoiy-kasbiy yo'naltirish, kasbiy maslahatlar, kasbiy-iqtisodiy tarbiya metodlarini qo'llash yo'llari ko'rsatib beriladi.

Kasbga yo'naltirish ishlari tizimli ravishda, izchil takomillashtirib borilgandagina o'quvchining kelajakda mukammal kasb egasi bo'lishiga erishiladi. O'quvchilarni kasb tanlashga yo'llashning ishlab chiqilgan texnologiyasi hamda to'garaklar o'quv dasturlarini amaliyotga tatbiq etishning eng samarali yechimi sifatida kasb-hunarga yo'llash ishlarini tashkil qilishda darsdan tashqari mashg'ulotlar mazmunini tanlashning tashkiliy-pedagogik mezonlari ishlab chiqildi.

Ushbu mezonlarda o'quvchiga tushuncha berilayotgan kasblarning turlari va nomlari bo'yicha real mavjud kasblarning miqdoriga nisbatan optimal munosabatni saqlash, kasb tanlash ishida mahalliy va mintaqaviy ehtiyojlar asosida kasbga yo'naltirishning ustuvorligi, bo'lajak kasb turi bilan bog'liq faoliyatning mazmuni va tuzilmasini asoslash, o'quvchining o'zi yo'naltirilayotgan kasblar obyektlarining xususiyatlari to'g'risida ma'lumotga ega bo'lishligi kabi holatlar o'z aksini topgan.

Xulosa qilib shini aytish mumkinki, ilmiy-pedagogik tadqiqotlar hamda amalga oshirilgan tajriba-sinov ishlarimiz o'quvchilarni kasb-hunarga yo'llash, darsdan tashqari mashg'ulotlarda ularning kasblarga oid bilim va ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat jarayonni qamrab oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz.-T.: "O'zbekiston", 2018.-145 b.
2. Xolmatov P. va bosh. Darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishni takomillashtirish metodikasi. Metodik qo'llanma."Nodirabegim". 2021-y.
3. Xolmatov P.Q. Negmatov O. "Texnoloiya" fanini o'qitishda zamonaviy yondashuvlar. 3.1.modul.O'quv-uslubiy majmua.Jizzax VXTXQTMOHM.2021-y.
4. Xolmatov P.Q.Negmatov O. Xorijiy tajribalardan foydalanish va innovatsion texnologiyalar. 3.2.modul.o'quv-uslubiy majmua. Jizzax VXTXQTMOHM. 2021-y.
5. Xolmatov P. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish.Monografiya.Fan.2016-y.

TALABALARNING KASBIY RAQOBATBARDOSHLIGI PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

URDUSHEV AVAZ G‘ANIYEVICH
JiZPI “Transport vositalari muhandisligi” kafedrasi assistenti

Annotatsiya: Ushbu maqolada talabalarining kasbiy raqobatbardoshligi pedagogik muammo sifatida taxlil qilingan bo’lib, ijtimoiy, ishlab chiqarish sohasidagi global o‘zgarishlar, texnologiyalarni doimiy yangilab turish, tez moslashishni talab qiladigan jarayon ekanligi ochib berilgan.

Kalit so’zlar: raqobat, raqobatbardoshlik, bilim, ko'nikma, samaradorlik, kasbiy raqobatbardoshlik, kasbiy kompetensiya, bo'lajak mutaxassis.

Bugungi kunda respublikamizda bitiruvchilarni tayyorlashning o'quv jarayoni samaradorligining muhim ko'rsatkichlaridan biri bu bo'lajak mutaxassislarning raqobatbardoshligidir. Ta'lim sifatiga qo'yilayotgan talablar va mehnat bozori kon'yukturasi tez o'zgarayotgan sharoitda bakalavriat ta'lim yo'nalishlari bitiruvchilariga qo'yilayotgan talablar ham kun sayin ortib bormoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2021 yil 16 iyun kuni o‘tkazilgan oliy ta’lim tizimidagi ustuvor vazifalarga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishida oliy ta’limning mehnat bozori va ishlab chiqarish bilan integratsiyasini yo‘lga qo‘yishda o‘zaro hamkorlikning samarali mexanizmlarini joriy etish bo‘yicha aniq vazifalar belgilab berilgan edi.

Ayni vazifalar ijrosini ta’minlash bo‘yicha olib borilayotgan ishlar doirasida shu yilning 16-17 sentyabr kunlari poytaxtimizdagi WYNDHAM TASHKENT mehmonxonasida “Raqobatbardosh kadrlar tayyorlashda ta’lim va mehnat bozori hamkorligi” mavzusida xalqaro seminar tashkil etildi. Unda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, Bandlik va mehnat munosabatlari vazirliklari hamda Birlashgan Millatlar Tashkilotining ta’lim, fan va madaniyat masalalari bo‘yicha tashkiloti hamkorligidagi tadbirda Evropa ittifoqi, YUNISEF, Britaniya kengashining, Jahon Banki va Osiyo taraqqiyot banki kabi xalqaro tashkilotlarning O‘zbekistondagi vakolatxonalari, Koreya xalqaro hamkorlik agentligi, Shveysariya loyihasi elchixonasi, Germaniya xalqaro hamkorliklar jamiyati, Yaponiya xalqaro hamkorlik agentligi, Germaniya xalq universitetlari assotsiatsiyasi filiali hamda ERASMUS+ milliy ofisi vakillari ishtirok etishdi [3].

Yuqoridagi fikr mulohazalardan ko‘rinib turibdiki biz raqabatbardosh kadrlar deganda maxsus kasbiy bilimga ega bo'lgan mutaxassislarni tushunamiz [1].

Raqobatbardoshlik bu - ijtimoiy, ishlab chiqarish sohasidagi global o‘zgarishlar, texnologiyalarni doimiy yangilab turish, tez moslashishni talab qiladigan jarayondir.

Bugungi kunda bo‘lajak mutaxassislardan yangiliklarga, tez o'zgaruvchan mehnat bozori talablariga tez moslashishi talab etilmoqda. Bu esa o‘z navbatida mehnat bozorida raqobatbardosh bo‘lishlikni va kasbiy faoliyatning asosiy sharti hisoblanadi.

Raqobatbordoshlik muammosi bugungi kunda texnika oliy ta’lim muassasalari bitiruvchilari, ayniqsa kichik, lekin yuqori texnologiyali korxonalarda

ishlayotganlar uchun muhim omil hisoblanadi. Raqobatbordoshlik nafaqat ma'lum darajadagi bilim va ko'nikmalarga ega bo'lish, balki tadqiqot sohasida kasbiy kompetentsiyalarni, jamoaviy ishlash ko'nikmalarini va jamoaviy ishni tashkil etish qobiliyatini, shaxsning yuksak axloqiy va axloqiy fazilatlarini, shu bilan birga ish beruvchilarning talablariga javob berishlikni taqazo qiladi. Bu mehnat bozorida talabga javob beradigan raqobatbardosh mutaxassisni tayyorlash zarurligini ko'rsatadi [2].

Bozor iqtisodiyoti rivojlanishining asosiy omillaridan biri - bu raqobatdir. Iqtisodiy adabiyotlarda raqobat kurashi bozor munosabatlari ishtirokchilarini harakatga keltiruvchi kuch deb yuritiladi. Bozorda raqobatqanchalik kuchli bo‘lsa, tovarlar va xizmatlar sifati yaxshi, narxlari esa shunchalik arzonlashib boradi. Iqtisodchi olimlar "raqobat" so’ziga quyidagicha ta’rif berganlar. ***Raqobat*** - mustaqil tovar ishlab chiqaruvchi (korxona)lar o‘rtasida tovarlarni qulay sharoitda ishlab chiqarish va yaxshi foyda keltiradigan narxda sotish, umuman iqtisodiyotda o‘z mavqeini mustahkamlash uchun kurash.

Bizning fikrimizcha, raqobatbardoshlik butun o'qish davri mobaynida shakllanadi va talabalar ta'lim, ishlab chiqarish va diplom oldi amaliyotni tamomlagach,



1-rasm

ularning raqobatbardoshligi potentsial emas, balki aniq xarakterli xususiyatdir. Raqobatbardoshlikning shakllanishinishida uchta asosiy yondashuv mavjud (1-rasm).

Shulardan kelib chiqqan holatda yuqori malakali raqobatbardosh kadrlarda quyidagi sifatlar namoyon bo’lishi kerak:

- ijodiy va ijtimoiy faol;
- g’oyaviy-siyosiy va ma’naviy-axloqiy etuk bo’lishi;
- yuqori darajadagi ilmiy-nazariy, psixologik-pedagogik, ilmiy-metodik tayyorgarlik orqali yuksak kasb-hunar madaniyatiga ega bo’lishi nazarda tutiladi.

Mutaxassis mutaxassisligining zamonaviy modelini tuzishda quyidagilar konsteptual asos sifatida qabul qilindi:

mutaxassis yuqori darajadagi ilmiy-nazariy, psixologik-pedagogik, ilmiy-metodik tayyorgarlik orqali yuksak kasb-

hunar madaniyatiga ega bo‘ladi;

mutaxassisni tayyorlash qayta tayyorlash va malakasini oshirish jarayonida ularning kasbiy tayyorgarligini orttirishda ilmiy-nazariy, psixologik-pedagogik, tarkibiy qismlar bilan uzviy ravishda ilmiy-metodik tayyorgarlikni amalga oshirish zarur;

mutaxassisning pedagogika oliy o‘quv yurtlarida o‘zlashtirgan barcha bilim, ko‘nikma va malakalari pedagogik faoliyatida xususiy metodik darajada, ya’ni mutaxassislik fanini o‘qitish jarayonida qo‘llaniladi. Shu bois mutaxassis kasbiy tayyorgarligining tarkibiy qismlari ichida ilmiy-metodik tayyorgarlik etakchi o‘rin egallashi nazarda tutildi;

mutaxassis ilmiy-metodik tayyorgarligining tarkibiy qismlari sifatida metodologik, gnoseologik, konstruktiv, kommunikativ, loyihalash va tashkiliy faoliyatga oid bilim, ko‘nikma va malakalarni aniqlash lozim;

yuksak kasb-hunar madaniyatiga ega bo‘lgan mutaxassis o‘zida ijtimoiy va ijodiy faollik, g‘oyaviy-siyosiy, ma’naviy-axloqiy yetukligini mujassamlashtirsa, yuqori malakali raqobatbardosh pedagogik kadr sanaladi;

pedagogik kadrlar ijtimoiy va ijodiy faolligi, g‘oyaviy-siyosiy, ma’naviy-axloqiy yetukligi mutaxassislar kasbiy tayyorgarligi va ularning tarkibiy qismlariga bevosita va bilvosita ta’sir ko‘rsatadi. Ma’lumki, g‘oyaviy-siyosiy, ilmiy-metodik tayyorgarlikning tarkibiy qismi bo‘lgan metodologik malakali yuksak kasb-hunar madaniyatiga ega bo‘lgan metodolik bilim, ko‘nikma va malakalarga asos bo‘lib xizmat qiladi. Ijtimoiy va ijodiy faollik mutaxassisning o‘z kasb-hunar madaniyatiga ega bo‘lgan mutaxassisning pedagogik faoliyatiga ega ijodiy yondashuvga va ijtimoiy faolligiga o‘z ta’sirini ko’rsatadi;

yuqori malakali raqobatbardosh pedagog bo‘lgan mutaxassis, o‘z navbatida yuksak ma’naviyat va madaniyat egasi, milliy istiqlol g’oyalarini singdirgan shaxs sifatida, ta’lim-tarbiya jarayonidagi istiqbol vazifalarni ilgari surish va hal etish orqali, jamiyat taraqqiyotiga hissa qo‘shadi, hayotda mustaqil ravishda mo‘ljalni to‘g‘ri oladigan bo‘ladi;

mutaxassisni tayyorlashda kasbiy tayyorgarlikning tarkibiy qismlari, yuqori malakali raqobatbardosh pedagogik kadr va shaxs sifatidagi xususiyatlarini yaxlit holda tasavvur qilib, ularning o‘rtasidagi uzviylikni amalga oshirish zarur.

Xulosa qilib aytganda o‘qitishda kasbiy yo‘naltirilganlik orqali bo‘lg‘usi mutaxassislarning g‘oyaviy-siyosiy, ma’naviy-axloqiy etukligini, ixtisoslik fanlari tarkibidagi mutaxassislik fanlari ilmiy-nazariy tayyorgarlikni, psixologiya va pedagogika fanlarini o‘qitishda kasbiy sifatlar va kasbiy tayyorgarlikning tarkibiy qismlarini shakllantirish, psixologik va pedagogik tayyorgarlikni ilmiy-metodik, tayyorgarlik bilan uzviy holda amalga oshirish orqali kasbiy tayyorgarlikni mos ravishda shakllantirishda raqobatbardoshlik muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bibliotekaslovarey [Elektronniyresurs]. – Rejimdostupa: http://slov.com.ua/sovremennaya_entsiklopediya/page/konkurentsiya.5564/.
2. Virina, I.V. Konkurentosposobnost molodix spetsialistov po otsenkam rukovoditeley [Tekst] / I.V. Virina // Sotsialnayapolitikaisotsiologiya. – 2012. – № 2. – S. 174–177.
3. https://yuz.uz/news/raqobatbardosh-kadrlar-tayyorlash-masalasi-kun-tartibida
4. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005 й.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕДАГОГИК ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

ХАКИМОВА СЕВАРА ХАМДАМОВНА
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлигини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда таълим соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга қуйиладиган талабларнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатилган. Бугунги кунда олий таълим муассасалари Касб таълими йўналишлари фаолиятини янги сифат босқичига кўтаришни, хусусан, улардаги таълим-тарбия жараёнини хорижий тажрибаларни танқидий-қиёсий таҳлил қилган холда қўллашда интеграциянинг ўрни ва аҳамияти баён этилган.

Таянч иборалар: касбий фаолият, педагогик интеграция, илмий ва инновацион фаолият, ўқув-методик жиҳат, методологик, назарий ва амалий касбий компетентлик

Аннотация.В статье освещены роль и важность решений, принимаемых в сфере образования в стране, а также требования к подготовке будущих учителей профессионального образования с целью дальнейшего совершенствования профессиональной подготовки будущих учителей высшей школы. Роль и значение интеграции в приложение учебного процесса в критико-сравнительном анализе зарубежного опыта.

Ключевые слова. профессиональная деятельность, педагогическая интеграция, научно-инновационная деятельность, учебно-методический аспект, методологическая, теоретическая и практическая профессиональная компетентность.

Annotation. The article highlights the role and importance of decisions made in the field of education in the country, as well as the requirements for the training of future teachers of vocational education in order to further improve the professional training of future teachers of higher education. - The role and importance of integration into the application of the educational process in the critical and comparative analysis of foreign experience.

Keywords. professional activity, pedagogical integration, scientific and innovative activity, educational-methodical aspect, methodological, theoretical and practical professional competence.

Ҳукуматимиз томонидан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлигини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда таълим соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга қуйиладиган талаблар, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияда ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асос-

ланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, таълимда замонавий ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган [1]. Бугунги кунда олий таълим муассасалари касб таълими йўналишлари фаолиятини янги сифат босқичига кўтаришни, хусусан, улардаги таълим-тарбия жараёнини хорижий тажрибаларни танқидий- қиёсий таҳлил қилган ҳолда замон талаби даражасида ташкил этиш вазифасини белгилайди.

Таълим натижалари сифатини яхшилаш муаммосига янги ёндашувлар мавжуд олий таълим тизимини модернизациялашни талаб қилади. Олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчиларини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашда ўқув дастурларида фанлараро интеграция, умумкасбий фанлардан назарий ва амалий билимлар интеграцияси, умумкасбий ва махсус (ихтисослик; соҳалар бўйича) фанлар интеграцияси ҳамда ўқув-тарбия жараёнини бевосита ишлаб чиқариш билан муносабатини йўлга қўйишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ифодалашда интеграция имкониятларидан фойдаланишга юзаки ёндашиш талабаларнинг ўзлари тўлақонли касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш заруриятига олиб келади. Натижада, замонавий шароитларни талаб этувчи мутахассислар тайёрлаш жараёни самарали бўлади.

Педагогик мулоқот, муносабат соҳасида ҳамкорликда ижодий фаолият олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда интеграллашган педагогик фаолиятнинг таркибий қисмлари ҳақида кўпроқ касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлиш талаб этилмоқда. Касб-ҳунар таълими ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг интерфаол шакллари, технологиялари – интегратив дарс, интегратив кун, интегратив ёндашув, интегратив фаолият, ўқувчини танқидий фикрлашга ундовчи методлар жадал жорий этилмоқда. Таълимнинг глобаллашуви шароитида бўлажак касб таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қиладиган олий таълим муассасаларида интеграллашган фаолият олиб бориш ишлари амалга оширилмоқда. Илмий интеграция соҳасида ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Педагогик интеграциянинг дастлабки умумий онтологик асоси сифатида, унинг кўп таркиблилиги, тизимлилиги, турли-туман қисмлардан тузилганлиги (гетерогенлик) назарда тутилади. Педагогик кўп тизимлилик деганда, педагогик фаолиятнинг чексизлиги тушунилади. Бу эса, педагогик фаолиятнинг давлат ва жамият томонидан эътироф этилганлигини англатади. Шу билан бир қаторда, педагогик фаолият билан у мансуб бўлган макромайдон орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган сабаб-оқибатлар алоқадорлиги мавжуд.

Педагогик билимларнинг турли-туман қисмлардан ташкил топганлиги, унинг инсон нуқтаи назарисиз объектни шахс ўлчами, воситалари билан билиш қуроли сифатида намоён бўлиш имкониятига эгалигини ифодалайди. Бу эса, аниқ натижаларда намоён бўлади. Педагогиканинг тушунчавий аппарати турли фанларга оид билимларни қамраб олган. Бу эса педагогик билимларнинг “мураккаблиги, кўпқирралиги ва кўпвазифалилиги”ни ифодалайди. Бу бошланғич

ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дидактикасининг муҳим қисмлари мисолида яққол намоён бўлади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дидактикаси фалсафий, гносеологик, мантиқий, психологик, техник ва физиологик тушунчаларни таълим ва ўқитиш назариясига кўчиришни таъминловчи кўпжиҳатли ёндашувни талаб қилувчи далиллар ва унинг уйғунлашган характерини ифодалайди [2].

Мазкур ҳолатда фалсафий асос педагогикада интеграл жараёнларни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг дастлабки эвристик майдони сифатида хизмат қилувчи оламни англашнинг умумий концепцияси, тамойиллари, моҳияти йиғиндисини англатади.

Педагогик интеграциянинг илмий асослари ва мазмунини, ўқув предмети доирасида ишлаб чиқилган ғоялар (назария, концепция, қонунлар, тамойиллар ва бошқалар) ташкил этади. Масалан:

- ўқитиш ва тарбия бирлиги;
- ўқув-тарбия жараёнига комплекс ёндашув;
- ўқитиш билан тарбия жараёнини оптималлаштириш, вақт ва кучни тежаб сарфлаганда юқори натижаларга эришишга олиб келадиган усул ва воситаларни танлаш ғояси;
- интегратив педагогик концепциялар тузишнинг дастлабки тамойиллар ва таълим-тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, усулларини ижтимоий жиҳатдан талаб қиладиган тамойиллар;
- инсонни ҳар томонлама ўрганиш ва унга таълим-тарбия беришга яхлит ёндашувни ифодалайдиган шахсга йўналтирилганлик тамойили;
- инсонни кўп қиррали фаолиятга жалб этадиган кўп фаолиятлилик тамойили, шахснинг мақсадлари, ички дунёси ва майлларини, таълим олувчиларнинг фаолият субъектига айланиш механизмларини ҳисобга олиш тамойили;
- таълим-тарбияга якка тартибда ва жамоавий ёндашувлар уйғунлигини тақозо қилувчи шахсга жамоавийлик ёндашув тамойили;
- муайян ўқув предметига қатъий тизим, изчиллик ва узвийлик, шунингдек таълим-тарбиявий вазифаларга яхлит ёндашувни тақозо қиладиган таълим-тарбия жараёнига комплекс ёндашув тамойили кабилар.

Илмий интеграциянинг ташқи ва ички омилларини Ф.Бест [5,6], аниқлаган. Фанларнинг ўзаро алоқадорлиги дастлаб, икки омил билан изоҳланади. Улардан биринчиси ижтимоий яхлитлик, унинг алоҳида элементлари орасидаги алоқадорлик ва ривожланган саноат, қишлоқ хўжалиги, бошқарув соҳалари эҳтиёжларини ифодалайди. Иккинчиси фаннинг ўз ичида вужудга келадиган ғояларни татбиқ этиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Ўз навбатида, ташқи илмий омилларнинг мазмунини амалиётдаги талаблар ва ички илмий омилларда фаннинг ривожланиш эҳтиёжлар доираси аниқлайди.

Педагогик интеграциянинг келиб чиқишини таҳлил қилганда қуйидагиларга таянилади:

а) педагогика ва таълим-тарбиянинг келиб чиқишини ўрганмасдан, педагогик интеграцияни назарий жиҳатдан асослаш мумкин эмас. Чунки педагогика инсоннинг фаолиятини ўрганувчи муҳим соҳадир;

б) педагогик интеграциянинг келиб чиқиши табиий ҳодисаларни идрок этишнинг энг самарали методологик воситаси бўлиб, таълим-тарбиянинг вужудга келишини изоҳловчи маданий-генетик ёндашувдир;

в) педагогик интеграциянинг вужудга келишини дастлабки нуқтаси техник билимлар билан педагогик билимлар орасида ҳосил бўладиган муносабатлардир.

Педагогик интеграциянинг келиб чиқиш нуқтаси – педагогика ҳамда ишлаб чиқариш орасидаги ўзаро уйғун муносабатлардир. Бу билан педагогика ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларига оид билимлар интеграцияси орқали бу соҳадаги назарий ёндашувлар ривожлантирилади. Шу билан бир қаторда, таълим-тарбиянинг келиб чиқишига маданий-генетик ёндашув нуқтаи назаридан қараш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик интеграциянинг таркибий қисмлари уни шакллантиришда турли хил методларни қўллаш имконини беради. Педагогик интеграциянинг таркибий қисмлари сифатида педагогик фаолиятни ташкил этадиган барча субъектлар ва объектлар намоён бўлади.

Субъектлар сифатида педагогик фаолият иштирокчилари намоён бўлади. Улар: ўқитувчи ва таҳсил олувчилардир. Педагог олимлар ва амалиётчилар ўз фаолиятларида педагогик интеграциянинг барча қирралари - мақсади, мазмуни, таркибий қисмлари, жараёнлари, технологиялари ва натижаларини қамраб олади.

Объектлари эса, амалга ошириладиган педагогик фаолият шакллари, воситалари ва шароитларидан иборат бўлиб, педагогик тизим ва жараённинг қисмлари ҳамда педагогик вазиятни қамраб олади. Чунончи, унинг таркибий қисми сифатида касб-ҳунар таълими муассасалари ёки олий таълим муассасаларини қамраб олган тизим намоён бўлади.

Педагогик интеграциянинг таркибий қисмлари сифатида педагоик вазиятнинг асосий кўринишлари ўқув-тарбия жараёни ифодаланади. Масалан, ўқув жараёни унда ўқитувчи билан таҳсил олувчи фаолияти интеграцияси ўз ўрнига эга бўлган жараён сифатида таълим муассасанинг моддий-техник базаси эътироф этилади [3,4].

Педагогик интеграция даражаси унинг миқдори, ривожланиши, аҳамиятини ифодалаши зарур. Бироқ интеграллашган жараёнларнинг ривожланиш босқичлари аҳамиятини осонгина аниқлаш мумкин эмас. Масалан, Г.Павельцичнинг таъкидлашича, бунда “интеграция ва интеграллашиш босқичи”, “интеграллашганлик даржаси” атамаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. “Ҳаттоки, биз баҳолашнинг шундай шкаласига эга бўлган тақдиримизда ҳам, унинг аҳамиятини ортиқча баҳолашимиз мумкин эмас, чунки тизим ривожланишининг боришида эски меъёрлар ўз маъносини йўқотиши, бошқалари эса биринчи ўринга чиқиш ҳоллари бўлиши мумкин” [7]. Бироқ, бу интеграция даражасини ҳам фалсафий фаншунослик ва педагогик адабиётларга ажратиш уринишларига зарар етказмайди. Шу билан бир қаторда, интеграция даражаларини ажратишда турли-туманликка йўл қўйилади, фалсафага оид тадқиқотларда интеграция асосан уйғунлашган жараёнларнинг амал қилиш соҳаларига қараб аниқланди. Натижада инвариант: методологик, назарий ва амалий даражалар чиқарилади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришда таълим йўналишлари ўқув режалари таркибидаги касбий фанларнинг ўзаро ўқитилиш кетма-кетлиги, ихтисослик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги, узвийлиги ўрнатилиши керак. Ушбу фан-

ларни ўқитишда ҳам профессор-ўқитувчилар уларнинг методологик аҳамиятини аниқ ва чуқур англаб етишлари керак.

Шубҳасиз, касбий ҳамда ихтисослик фанларни ўқитишда интегратив ёндашувни амалга ошириш мумкин. Таълимни интегратив ёндашув (педагогик интеграция) асосида лойиҳалаштириш ҳақида фикр юритсак, таълим жараёнини тизимли лойиҳалаштириш ва ўқув мақсадни белгилашдан, таълим мазмунини танлашдан иборат бўлади. Бунинг учун:

- таълим мазмунини танлашга бир ёки бир қанча назарий ёндашувларни танлаш;
- мутахассисни касбий фаолияти таҳлилини амалга ошириш;
- таълим олувчи эгаллаши зарур бўлган касбий кўникма ва малакаларни аниқлаш;
- касбий кўникмалар асосини ташкил этувчи ва таъминловчи назарий билимлар тизимини аниқлаш керак бўлади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда таълим мазмунини танлашга анъанавий таълим усуллари, воситалари ва шакллари таъсир этади. Таълимнинг усул ва воситаларини кўп ва хусусиятли турларини қўллаш мумкинлиги қуйидагилар билан боғлиқ бўлади:

- замонавий муҳандислик фикрлашни шакллантириш;
- талабанинг ижодий қобилиятлари ривожланишига замин яратиш;
- бўлажак мутахассиснинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 8 октябр
2. Авлиёқулов Н.Ҳ. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари – Бухоро: 2001. – 100 б.
3. Антонов Н.С. Интегративная функция обучения. – М.: Просвещение, 1994. – 304 с.
4. Ахмадалиев С. Фанлараро алоқадорлик характерли мустақил ишлардан фойдаланиш имкониятлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. - № 1 – 62-64 б.
4. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти / Монография. – Т.: Фан, 2009. – 145 б.
5. Безрукова В.С. Педагогическая интеграция: сущность, состав, механизмы реализации/ В.С.Безрукова Интеграционные процессы в педагогической теории и практике: Сб. научн. тр. Свердловск, 1990. - 317 с.
6. Беляева, А.П. Интегративная теория и практика многоуровневого непрерывного профессионального образования / А.П.Беляева. – СПб: Ин-т профтехобразования РАО, 2002. – 240 с

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ

БЕГИМҚУЛОВА ВИЛОЯТ ҚАЛАНДАРОВНА
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада ҳозирги кун таълим жараёнида педагогик долзарб масалаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида касбий таълим бўлажак ўқитувчиларни инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлашдаги муҳим жиҳатлар келтирилган.

Таянч иборалар. таълим, таълим технологиялари, касбий компетентлик,инновацион таълим технологиялари, таълим методлари, таълим жараёни, узвийлик, ўзаро алоқадорлик, кластер технологияси.

Аннотация. В статье представлены важные аспекты профессионального образования на основе достижений науки, техники, передовых технологий в образовательном процессе сегодня, подготовка будущих учителей к профессиональной деятельности с использованием инновационных образовательных технологий..

Ключевые слова. профессиональное образование, образовательные технологии, профессиональная компетентность, инновационные образовательные технологии, методы обучения, образовательный процесс, членство, взаимосвязанность, кластерные технологии.

Annotation. This article presents important aspects of professional education based on the achievements of science, technology, advanced technologies in the educational process today, the preparation of future teachers for professional activities using innovative educational technologies. based on

Keywords. vocational education, educational technologies, professional competence,innovative educational technologies, teaching methods, educational process, membership, interconnectedness, cluster technology.

Ўзбекистон Республикаси таълим жараёнида мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, яратувчанликка интилувчи шижоаткор, кадрлар етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Маълумки, барча даврларда ҳам ўқитиш мазмуни, таълим тизими ижтимоий тараққиёт билан ўзаро мувофиқликда ривожланиб келган. Рўй берган ижтимоий ўзгаришларнинг барчаси муайян даражада таълим мазмунида ўз аксини топади. Буни илм-фан, техника ва технология соҳаларида рўй берган ўзгаришларнинг ўқитиш жараёнига татбиқи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёшларни таълим олишга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган касбларини эгаллашлари учун умумкасбий фанларни ўқитиш, мустақил ва ижодий ишлашларини самарали ташкил қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Республикамизга турли соҳаларда кенг қамровли тафаккури ривожланган, мустақил фикрлай оладиган мутахассислар зарур. Бу масалани бугунги кунда қанчалик долзарб эканлигини Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқламоқда: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк

имкониятлар очмоқда” Таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш асосий ўринга кўтарилиши замон талабидир. Боланинг бутун ҳаёт давомида, таълимнинг барча босқичларида мустақил фикр юрита олиши асосий талаб бўлиб қолиши керак[1]. Педагогика коллежларида таълим жараёнини ташкил этиш яхлитликка, фаолликка, компетентликка ва шахсга йўналтирилган ёндашувга асосланади.

Шунинг учун бу тизимда ўзаро таъсирларнинг мумкин бўлган турларининг бутун рўйхатини кузатиш анча қийин, чунки уларнинг табиати кўпроқ унда иштирок этувчи шахсларнинг сифат жиҳатдан хилма-хиллигига боғлиқ. Шунинг учун бўлажак ўқитувчиларни инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида кузатиш, аналогия, таҳлил қилиш, синтез қилиш, абстракция кабилардан фойдаланилади. Кузатиш методидан фойдаланиш ўрганилаётган объект ҳақидаги маълумотларни бевосита ва билвосита тўплашни амалга оширишдан иборат бўлди. Аналогия методидан фойдаланиш бизга маълум конструкция- ларни ўзида акс эттирувчи моделлар бўлажак ўқитувчининг таълим технологияларининг таркибий моделлари ва бошқалар ҳақидаги билимларига мурожаат қилиш имконини берди.

Таҳлил қилиш методидан фойдаланишнинг асосий категорияларини изчил очиб бериш, унда аниқланган компонентларнинг ҳар биридаги мавжуд элементлар таркибини аниқлаш имконини берди. Абстракция методидан фойдаланиш турли манбалардан олинган маълумотларни аниқлаш, таълим жараёнини ўзаро боғлиқ элементлар тизими сифатида тақдим этишни ўз ичига олади. Синтезлаш методларидан фойдаланиш моделнинг бир-биридан фарқланувчи қисмларини бир бутунга боғланишини ва унинг тизим хусусиятларини намоён бўлишини таъминлайди.

Таълим тизимини лойиҳалаш жараёнида биринчи навбатда, яхлитлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга [2]. Яхлитлик, ҳар қандай табиий тизимларининг умумий хусусияти сифатида тизимнинг юқори даражада ривожланишини ва унинг таркибий элементларига хос бўлмаган сифат жиҳатидан янги ишлаб чиқариш қобилиятини тавсифлайди.

Педагогик тизим қанчалик тўлиқ бўлса, унинг фаолияти шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун таълим тизимининг йўналишли вектори олий даражадаги яхлитликка қаратилган бўлиши ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш учун барча элементлари, боғланишлари, бошқарувини ҳар томонлама такомиллаштиришни таъминлаш лозим [3].

Таълим жараёни, одатда, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки асосий ўқув фаолиятининг бирлиги сифатида намоён бўлади: ўқитувчининг ўқув фаолияти ва ўқувчиларнинг фаол, онгли ўқув фаолияти [4, 5]. Замонавий дидактик асарларда таълим жараёни ўқитувчи раҳбарлигида кечадиган ва қўйилган ўқув мақсадларига эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кетма-кет ҳаракатларининг ташкилий-функционал бирлиги сифатида қаралади. Шу билан бирга турли муаллифлар [6] таълим жараёнининг кўп қирралилиги ва динамиклигини таъкидлайдилар.

Профессионал таълим ўқувчиларини инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмун ва моҳиятини бел-

гиловчи умумий хусусият унинг шахсга қаратилганлигидир. Ўзига хос хусусиятлар сифатида шахс тушунчасининг ўзи ўзига хос хусусиятларини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин. Бундай муаммони ҳал қилишнинг мумкин бўлган ёндашувлари доираси жуда кенг: когнитив эҳтиёжларни, таълим мотивларини қондиришни (В.Г.Асеев, В.К.Вилюнас, А.Н.Леонтиев) ва ривожлантириш қобилиятини (Н.С.Леитес, Б.М.Теплов) шахсий индивидуал вазифаларни бажаришни (В.Г.Акинина) таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, бир ўзгармас формуладан мақсадлар томон объектив ҳаракат йўллари бор.

Таълим мазмунини тўрт компонентли тузилма шаклида белгиловчи замонавий дидактик назарияларга асосланиб, педагогик жиҳатдан мослаштирилган билимлар тизими, фаолият усуллари ва эмоционал-қадриятли муносабатлар сифатида ўзлаштирилиши бўлажак профессионал таълим ўқувчиларининг методик маданиятни ривожлантиришни таъминлайди деб хулоса қилишимиз мумкин. 1) билим, 2) фаолият, 3) ижодий фаолият, 4) ҳиссий ва қадриятли муносабатлар касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг методик маданиятини шакллантириш билан боғлиқ вазифалар педагогик фаолият шакли сифатида жалб қилинган хусусий қобилиятларни ривожлантириш билан чекланмайди. Услубий цикл мавзуларининг мазмуни таълим жараёнининг терминология, тушунчалар, кўникмалар билан тўйинмаслиги эмас, балки махсус ҳис-туйғулар билан тўлдирилмаслиги керак. Ижодий вазифаларни биргаликда ҳал қилиш, лойиҳаларни бажариш ва бошқалар жараёнида ўзида ва бошқаларда (ўқувчиларда) кашф этиши керак. Н.Чебишев ва М.Каганга кўра, академик фанларни қуришнинг замонавий тушунчалари бир қатор асосий ғояларга асосланган [7].

1. Ўқув фани бўлажак мутахассис тайёрлаш мазмунининг асосий бўғинидир.

2. Ҳар бир ўқув фанида асосий тадқиқот объекти касбий даражадаги муаммони ҳал қилишнинг яхлит жараёни бўлиши керак.

3. Ўқув фанида ушбу фаннинг илмий ва ўқув аппаратидан фойдаланиш зарур.

4. Фаннинг методологияси фаннинг илмий асоси бўлган ва касбий фаолиятни ўрганиш ва тайёрлашга яхлит ёндашувда акс эттирилган усуллар бўлиши керак.

5. Фанлараро ва касбий муаммоларни ҳал қилишнинг услубий, назарий ва технологик воситалари сифатида ўқувчиларнинг илмий жиҳатларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, билим ва касбий фаолиятнинг айрим турларини асослаш ва амалга оширишдан иборат.

Инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: таҳлилий-мақсадли компонент (таълим ҳолатини таҳлил қилиш ва таълим мақсадини белгилаш), лойиҳали-мазмунли (таълим мазмунини қуришнинг етакчи ёндашувлари ва тамойилларини шакллантириш), фаолиятли-жараёний (ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этиш шакллари), рефлексив-баҳоловчи (методик маданиятини мониторинг қилиш методлари, фаол инновацион таълим технологияларини ўрганиш ва ривожлантириш).

Таълим - тарбия жараёнининг самарали бўлишини таъминлаш, янада

юқори босқичга кўтариш, бугунги кунда ўқитувчидан таълим жараёнининг боришини қайта-қайта атрофлича чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Таълим жараёнида сунъий равишда ташкил қилиниб, қатор педагогик омилларнинг натижасида қўйилган мақсад амалга оширилади, яъни мақсад, фаолият, натижа. Мазкур тизим анъанавий таълим технологиясининг табиий модели бўлиб, у йиллар давомида такрорланиб, ўқитувчи, талаба ҳаракатининг инстинктига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам дарс тузилишидаги ўқув-билув жараёни юқоридаги расмга бўйсиндирилган. Ўқитувчи фаолият давомида дидактик принципларга амал қилади, методлар танлайди ва ҳар бир дарс ягона тугалланган ўқув бирлигига айланиб қолади. Дарсни ташкил қилиш унинг давомийлигини таъминлаш, унинг босқичларига амал қилиш ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришнинг яккаю - ягона воситаси ҳисобланади.

Ҳар бир дарс учун таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир-бири билан ўзвий алоқада бўлган уч ёқлама мақсадлар қўйилади. Дарсни ташкил қилиш шакли унинг қатнашчиларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлиб, у мақсаддарга, ўқув материали хусусиятларига таълим методдарига ва ўқув имкониятларига боғлиқ. Бунга эришиш учун ўқитувчи рахбарлигида педагог билан ўқувчилар биргаликда ҳаракат қиладилар. Худди мана шу жараён дидактикада ўқув жараёни дейилади.

Ўқув жараёнига бундай янгича қарашнинг туб моҳияти шундан иборатки, ўқитишда ички мотивациядан (диққатни тортиш, ички туйғу, истак, заруратни шакллантириш) келиб чиқиши керак. Ўқув жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи куч ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши зарур. «Тест», «рейтинг», «инновация», «суггестивлик», «муаммоли усул», «дастурланган усул» ва ҳоказо тушунчаларининг мазмунларини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Инновация муаммолари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотларда ўзгаришлар янгилик бўлиши, бироқ ҳар доим бўтунлай янги ғоялар ёки шакллар бўлмаслик мумкинлиги фараз қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, инновация тушунчаси орқали ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган дидактик, методик, ташкилий-техник ўзгаришларни тушунамиз. Педагогикада инновацион муаммоларни ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. (энг зарур педагогик техникани эгаллаш, таркибий қисмлари). Педагогиканинг ижодий салоҳияти унинг ижодкор шахсни шакллантиришга интилмоқда, педагогик одобнинг намоён бўлиши, эмпатия, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, қизиқарли, муаммоли саволларни бериш ва хоказо орқали амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 Харакатлар стратегияси. Т.: Адолат 2017
2. Ишмухамедов Р. ва б. “Таълимда инновацион технологиялар”
3. Таълимда илғор хорижий тажрибалар. Ўқув услубий мажмуа 2017.
ТДПУ хузуридаги ПХҚТВУМОТМ
4. Хўжаев Н, Тожибоева ва бошқалар.Касбий таълим методикаси Тошкент.: Иқтисодиёт, 2007.
5. Сластинин В.А. Мигаеко А.И.Профессионально-педагогическая подготовка современного учителя. Сов.Педагогика, 1991,№10.79-84с.
6. Давлетшин М.Т. Таълимнинг психологик асослари Т.: «Ўқитувчи», 1979. – 20 бет.
7. Педагогическая энциклопедия. М., 1966. ТЗ. – 674 б.

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ КОРХОНАЛАРДАГИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

С.Ю.АДИЗОВА
Бухоро муҳандислик - технология институти

Аннотация. Ушбу мақолада техника олий таълим муассасалари талабаларини юқори технологияли корхоналардаги касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари ва ҳолати таҳлили ёритиб берилган.

Калит сўзлар: юқори технология, когнитив, компетенция, мотивация, креатив ёндашув, индивидуал таълим, репродуктив ўқитиш, реал ишлаб чиқариш.

Аннотация. В статье рассмотрены проблемы и дан анализ состояния подготовки студентов технических вузов к профессиональной деятельности на высокотехнологичных предприятиях.

Ключевые слова: высокая технология, когнитивность, компетентность, мотивация, творческий подход, индивидуальное обучение, репродуктивное обучение, реальное производство.

Abstract: The article examines the problems and analyzes the state of preparation of students of technical universities for professional activities at high-tech enterprises.

Key words: high technology, cognitive, competence, motivation, creativity, individual learning, reproductive learning, real production.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва жамият талабларидан келиб чиқиб, технологик таълим методларини янада такомиллаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш мазмунига миллий қадрият ва анъаналарни сингдириш, уларни илғор ғоялар, технологик тажрибалар билан бойитишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, юқори технологияли корхоналарнинг тармоқлари дунё мамлакатлари ривожланишининг асосига айланди. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: замонавий илмий билимлар ва технологиялардан фойдаланиш, потенциал ўсишнинг юксаклиги ва кутиладиган юқори даромад, юқори инвестицион жазибадорлик ҳамда инвестицион хавфнинг юксаклиги.

Иқтисодий ҳамкорлик ва корхоналарнинг ривожланишига кўмаклашувчи ташкилотлари юқори технологияли тармоқларни аниқлашда икки хил ёндашувдан фойдаланади: 1) юқори технологияларнинг секторлар бўйича таснифи (бунда ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш даражаси асосий мезон ҳисобланади); 2) ишлаб чиқарилаётган буюмлар таснифи (бунда ихчам ҳажмдаги сифатли буюмларни ишлаб чиқариш асосий мезон сифатида танланади).

Юқорида кўрсатиб ўтилган юқори технологияли тармоқларнинг икки хил таснифи бир-бирларига мос келиши шарт эмас, аммо юқори технологияли тармоқлар қаторига кирувчи корхона юқори технологик буюмлар ишлаб чиқармаслиги ва аксинча, юқори технологик буюм ишлаб чиқарган корхона юқори технологияли корхона бўлмасли-

ги ҳам мумкин. Юқори технологиялар (инглизча - high technology, high tech, hi-tech) — энг янги ва замонавий прогрессив технологиялардир. Юқори технологиялардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга ўтиш ва уларга мос техникалар тараққиётнинг ҳозирги замон босқичида илмий-техникавий инқилобнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Юқори технологияларга, одатда, саноатнинг фаннинг энг сўнгги ютуқларига таянган тармоқлари киради. Юқори технологиялар тармоқлари қаторига электроника, дастурий таъминот, сунъий интеллект, симсиз технологиялар, робототехника, нанотехнология, экологик тоза технологиялар, энергия тежамкорлик ва муқобил энергетика, чиқиндиларни қайта ишлаш, атом энергетикаси, қуёш энергетикаси, водород энергетикаси, хавфсизлик тизимлари, навигацион технологиялар, мудофаа технологиялари ва икки хил мақсадда қўлланиладиган технологиялар, биотехнология, ирсий муҳандислик ва генотерапия, микробиологик саноат ва бошқалар киради.

Инновацион ишлаб чиқариш корхоналарининг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим ташкил этувчиси замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда юқори технологик жиҳозларга хизмат кўрсата оладиган малакали мутахассислар ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида юқори технологияли корхоналарда фаолият кўрсатишда зарур бўладиган касбий компетентликлар ва компетенцияларни пухта эгаллаган ҳамда амалий профессионал ахборот дастурларини ишлаб чиқишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммолардан саналади.

Бугунги кунда дунё миқёсида тайёрланаётган мутахассислар фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт педагогик ечимларни ўзини ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан техника таълим муассасаларида талабаларни юқори технологияли корхоналардаги фаолиятга тайёрлашда уларнинг ижодкорлик лаёқатини креатив ёндашув асосида тарбиялаш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Машинасозлик ишлаб чиқариш корхоналари учун мутахассисларни тайёрлаш амалиёти шуни кўрсатадики, ўқитишнинг анъанавий технологиялари ва дидактик ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш замонавий юқори технологияли корхоналар учун малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлай олмайди. Бундан ташқари, муҳандис кадрларни тайёрлашнинг илгариги ҳолати билан ҳозирги замондаги ҳолатини бир-бирига таққослайдиган бўлсак, бугунги кунда мутахассисларни тайёрлаш вақти анча қисқарганини, яъни жадаллашганини кўришимиз мумкин. Юқорида баён этилган мулоҳазалар ахборот технологиялари, дидактика, психологиянинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, талабаларни умумкасбий ва махсус фанлар бўйича тайёрлаш тизимини янги концептуал асосларда яратиш зарурлиги тўғрисида сўз юритишга имкон беради. Бу эса кўп босқичли ўқитиш тизимига ўтишда таълим жараёни самарадорлигини оширади ва талабаларнинг олий таъ-

лим муассасаларида ўқиши жараёнида ҳам, келгусида касбий фаолияти жараёнида ҳам ижодий салоҳиятини доимий равишда ривожлантириш тизимини яратишга имкон беради.

Ўзбекистонда таълимни модернизациялаш натижаларини таҳлил қилиш, психологик-педагогик ва махсус адабиётларни ўрганиш талабалар, бўлажак мутахассисларнинг юқори технологияли машинасозлик корхоналарида самарали ишлашлари учун касбий таълимни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлашга имкон берди.

Албатта, Европа мамлакатлари учун қабул этилган Болоня декларацияси ва таълимнинг икки босқичли тизимига ўтиш натижасида Ўзбекистондаги олий таълим дастурларининг мақсад ва мазмунини тубдан ўзгартирди. Гап шундаки, бугунги кунда Ўзбекистон олий таълимининг парадигмаси ўзгариб, тобора янгиланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида барча соҳалар учун тайёрланаётган бўлажак мутахассислар - бу тўлақонли малакага эга бўлган компетентли шахс бўлиши лозим, улар касбий компетентликни, мутахассиснинг касбий компетенциялари ва малакаларини замонавий нуқтаи назардан тушунган тақдирдагина ўзларининг касбига муносиб иш топиш - лари мумкин бўлади. Шу муносабат билан бизнинг илмий тадқиқот ишимизда юқори технологияли машинасозлик корхоналарида мутахассисларга қўйиладиган замонавий талабларга мувофиқ кадрлар тайёрлашга оид талаблари тақдим этилади. Шунингдек, талабалар, яъни бўлажак мутахассислар учун юқори технологияли машинасозлик корхоналарида лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, технологик ва илмий-тадқиқот фаолияти учун зарур бўладиган касбий компетентлик, компетенцияларни шакллантириш механизми таклиф қилинади.

Касбий таълим мамлакатимиз ва минтақа, хусусан, Бухоро вилояти иқтисодиётининг ажралмас қисмидир. Шундай қилиб, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш йўналиши ва мазмунини белгилашда меҳнат бозори талаблари, иш берувчиларнинг тавсия ва таклифларини инобатга олиш ҳамда малака оширишнинг оқилона тартибини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон, хусусан, Бухоро вилоятини 2021 йилгача ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири - бу юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари учун, шу жумладан, махсус иқтисодий технологик-инновацион зоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий имкониятларни ривожлантиришдир. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2005 йил 21 декабрдаги қарорига кўра "Бухоро ҳудудида техникавий турдаги махсус иқтисодий зонани яратиш тўғрисида" назарда тутилган. Ҳозирги вақтда Бухоро вилояти ишлаб чиқариш корхоналари машинасозлик соҳалари (металга ишлов бериш, асбобсозлик, саноатни ривожлантиришнинг асосий тармоғи бўлган электротехника, электроника соҳалари)да малакали ишчи ва мутахассисларнинг кескин етишмаслигини сезмоқда.

Бухоро вилояти раҳбарияти томонидан бюджетни мониторинг қилиш маркази томонидан буюртма қилинган юқори технологияли машинасозлик корхоналари учун техник мутахассисларга бўлган эҳтиёж прогнозидан келиб чиқиб, сўз юритиладиган бўлса, малакали кадрлар етишмаслиги ўсиб боради ва Бухоро муҳандислик-технология институтининг машинасозлик ихтисослиги



1-расм. Бухоро вилоятидаги юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи прогнози ва таълим муассасалари битирувчилари сони

йўналиши битирувчилари сони сақланиб қолинади (1-расм).

Шундай қилиб, Бухоро вилояти ва умуман мамлакатимиздаги юқори технологик муҳандислик ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун олий таълим муассасалари битирувчилари сонини босқичма-босқич ошириб бориш ва бўлажак мутахассислар ва ишчиларни уларда фаолият кўрсатишга тайёрлаб бориш керак.

Таълимнинг янги парадигмасига ўтиш шароитида бўлажак мутахассисларни юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари учун қандай тайёрлаш керак, деган савол туғилиши табиийдир. Инновацион иқтисодиёт шароитида университет, институт, профессионал таълим муассасалари (коллеж, техникум мактаб)даги ўқув жараёнини талабаларнинг билим ва кўникмаларини ўзлаштиришига эмас, балки уларда лойиҳа маданиятини шакллантириш – реал касбий фаолиятдаги ностандарт вазиятларда йўналиш ола билиш, касбий масалаларни мустақил ҳал қилиш қобилиятига йўналтириш, яъни контекст-компетентли ёндашувидан фойдаланган ҳолда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари учун мутахассисларни касбий тайёрлашни ташкил этиш зарур [4].

Энди компетенция ва компетентлик тушунчаларининг мазмунини қисқача кўриб чиқамиз. Компетенция (лат. compete - эришаман, муносибман, лойиқман) - бу мутахассиснинг касбий масалаларни ечишда эгаллаган билими, кўникмаси, амалий тажрибасини муваффақиятли қўллаш қобилияти.

В.Медведов ва Ю.Татурининг эътирофича, касб таълимида компетенциявий ёндашувда таълим мазмунига эмас, балки унинг компетенциялар шаклда ифодаланган натижасига эътибор қара-

тилади.

О.Н.Олейниковaнинг фикрича, компетенция “маълум ёки янги иш вазиятларида билим, кўникма, ноу-хау ва муносабатлардан фойдаланиш”ни англатади. Муайян предмет соҳада самарали фаолият учун зарур бўлган билимлар ва тажрибаларнинг мавжудлиги, компетенциялар тўплами компетентлик деб аталади.

А.В.Хуторскойнинг айтишича, "компетентция - талабанинг маълум бир соҳада самарали ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган, уни касбий фаолиятга тайёрлаш учун олдиндан белгиланган ижтимоий талаблар (меъёр)"дир. Билим, кўникма ва малакаларсиз компетенцияларнинг ўзи мавжуд бўла олмайди, аммо компетенциялар улардан тубдан фарқ қилади. Компетенциялар ҳар доим фаолият шаклида мавжуд бўлади, яъни мутахассис ўзининг касбий ва расмий вазифаларини муваффақиятли бажариши керак. Шунингдек, шаклланган компетенциялар битирувчига касбий фаолиятнинг турли соҳаларида (технолог, дизайнер, уста, цех бошлиғи ва бошқа) муваффақиятли ишлашга имкон беради. Таълимнинг компетентлик парадигмасида бўлажак мутахассислар ностандарт ишлаб чиқариш шароитларида қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўладилар.

Компетентлик деганда шахс сифатларининг интегратив характеристикасини, таълим муассасасининг муайян соҳалар (компетенциялар доираси)да фаолиятни амалга ошириш учун битирувчиларни касбий тайёрлаш натижаси сифатида тушиниш лозим. Компетентлик компетенция сингари когнитив (билиш), мотивацион-қадриятий ва эмоционал-иродавий компонентларни қамраб олади. Компетентлик - вазиятга боғлиқ категория, у аниқ касбий (муаммоли) вазиятларда бирор фаолиятни амалга оширишга тайёргарликни ифодалайди.

Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича, “Компетентлик - бу талабанинг шахсий ва ижтимойи аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади”.

Европа Иттифоқида бешта асосий компетенция қабул қилинган: ижтимоий, коммуникатив, мультимаданиятли, ахборот ва узлуксиз таълим олиш.

Бироқ мамлакатимизда олий таълим битирувчисини касбий фаолиятга муваффақиятли тайёрлашни таъминлаши керак ва бунга эса бутун ҳаёт давомида узлуксиз таълим олиш ва жамиятнинг эҳтиёжларига қараб касбий карьерасини ўзгартириш орқали эришилади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси танланган йўналишга қараб ўзининг шахсий мартабаси ва индивидуал таълим траекториясини қура билиши лозим.

Диссертация тадқиқотида замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатадиган машинасозлик мутахассисларини тайёрлаш учун индивидуал таълим траекторияси қурилди ва қуриш жараёни асосланди. Таълим олишнинг шахсий йўналишини лойиҳалаш машинасозлик мутахассисларининг шахсий мойиллиги ва қобилиятларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Уларга мувофиқ равишда лойиҳалаш-конструкциялаш, илмий-тадқиқот ёки ишлаб чиқариш-технологик йўналишларда ўқитиш вариантлари танланади ва шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ўқитиш ташкил этилади ва битирувчиларда муайян касбий компетенциялар ва натижада компетентликнинг шаклланишига олиб келади. Бу эса танланган касбий фаоли-

ятнинг йўналишида бўлажак мутахассисларнинг касбий карьерага эришишини таъминлайди.

Ҳар бир аниқ талаба учун ўқитишнинг индивидуал троекторияси ва тегишли индивидуал таълим дастури ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнида унга тузатишлар киритиб борилади. Талаба ўзининг индивидуал таълим олиш йўлини танлайди ва ўқитувчи унинг ўзини ўзи баҳолаши учун педагогик ёрдам беради, ўқитиш жараёнида унга тузатишлар киритади ва натижаларини ташхислайди. Мутахассисларни тайёрлаш йўналиши умумкасбий ва махсус фанлар, касбий фаолиятнинг турли усулларини интеграциялашни назарда тутади ҳамда юқори технологияли ишлаб чиқаришлар корхоналарида ишлаш учун касбий компетентлик ва компетенцияларни ҳар томонлама шакллантиришга имкон беради.

Биз ўрганаётган юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатадиган машинасозлик мутахассисларини тайёрлаш муаммоси Бухоро муҳандислик-технология институтининг 5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни мисолида ўрганилди. Педагогик амалиёт ва кузатиш натижалари кўрсатадики, ҳозирги вақтда 5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналишларида таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолияти доираси ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- рақобатбардош машинасозлик буюмларини яратишга йўналтирилган фаолият;

- буюмларни, уларнинг таъминоти воситаларини тайёрлашнинг янги технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва амалда қўлланилаётганларини модернизациялаш;

- машинасозлик буюмларини ишлаб чиқаришга, тайёрлаш технологияси ва сифатини таъминлашга оид талабларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- автоматлаштиришнинг янги воситаларини, лойиҳалаш методларини, технологик жараёнлар ва машинасозлик ишлаб чиқаришини лойиҳалаштириш, математик, физик ва компьютерли моделлаштириш методларини яратиш ва қўллаш;

- машинасозлик ишлаб чиқаришининг технологик жараёнлари, уларни жиҳозлаш воситалари, автоматлаштириш тизимлари, буюмларни бошқариш, назорат қилиш тизимини таъминлаш.

Мамлакатимизда узоқ вақт давомида аксарият мутахассисларни, шу жумладан машинасозлик соҳалари учун муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш учун фақат ўқув режасини ўзлаштиришга, талабчанлик ва масъулиятлиликка, касбий фаолиятнинг муайян соҳасида зарур бўладиган аниқ билимларни эгаллашга йўналтирилган ўқитишнинг анъанавий тизимдан фойдаланиб келинди. Кўп йиллар давомида бу тизим малакали мутахассислар тайёрлаш имкконини яратди. Ўқитишнинг анъанавий тизими муҳандисларни тайёрлашда қуйидаги афзалликларга эга эди:

- ушбу тизим кўплаб мамлакатларда қўлланилган эди ва ҳамон қўлланилмоқда ва у вақт ўтиши билан кўплаб синовлардан ўтказилган;

- у муайян фан соҳаси бўйича аниқ билимларни беради;

- масъулият, интизом ва талабчанликни ривожлантиради.

- ўқитувчилар бўлажак муҳандис-

ларни тайёрлашнинг технологик жараёнини тўлиқ ишлаб чиққанлар.

Аммо ушбу тизимнинг қатор муҳим камчиликлари ҳам бор:

- реал ишлаб чиқариш ҳолатларини акс эттирмайди;
- ўқув тизими стандарт мутахассисни тайёрлайди;
- ўрганиш учун мотивация йўқ;
- репродуктив ўқитиш усуллари устунлик қилади.

Шунинг учун олий таълимни ислоҳ қилиш зарурати туғилди. Миллий таълим тизимида Европа таълим тизими орттирилган тажрибалардан фойдаланиш, улар билан уйғунликни таъминлаш ғояси таълимнинг барча даражаларида ўзгаришларни амалга ошириш йўлларидан бири эди. Таълимни ислоҳ қилишда Ўзбекистон Болония шартномасини эътиборга олишни назарда тутади. Ўзбекистон доимий равишда икки босқичли олий таълим тизимига ўтди (бакалавр + магистр схемаси бўйича) ва янги кредит тизимлари жорий этилди. Бундан ташқари, бизнинг олий маълумотли мутахассислар учун бериладиган дипломларимиз Европа стандартларига яқинлашмоқда ва талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг академик ҳаракатчанлиги қўллаб қувватланмоқда.

Ушбу жараёнларнинг натижаси ўлароқ Бухоро муҳандислик-технология институтининг муҳандисларни тайёрлашнинг кўп босқичли тизимига изчил ўтишидир. 2021 йилда институт тўлиқ Европа таълим тизимига, шу жумладан. 5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди. Бизнинг ишимизда кўриб чиқилган дастур профессионал таълимнинг янги ДТС билан ҳам мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ашурова С.Й. ва бошқалар. Таълим методлари ва уларни махсус фанларни ўқитишда қўллаш имкониятлари: методик қўлланма. Т.: ЎМКҲТ тизими кадрларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти. 2014 й. 81 б.
2. Ахметжанов М.М., Ўринов У.А., ва бошқалар. Касбий таълим методикаси. Олий таълим муассасалари бакалавриат талабалари учун дарслик - Т.: «Фан ва технология», 2020. – 444 бет.
3. Олимов Қ.Т., Ашурова С.Й., Ўринов У.А. Замонавий таълим технологиялари: Монография. – Тошкент, 2007. - 96 б.
4. Ўринов У.А. Ишлаб чиқариш таълимида амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш усуллари. “Касб – ҳунар таълими” журнал Тошкент, 2020. №3.

OBUNA-2022

“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga 2022 yil uchun obuna davom etmoqda

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.

Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.

Obuna Indeksi: 1090

Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochtasi” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.
Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.

Murojaat uchun telefonlar:
1.Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32.

Manzil: Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy
Telefon: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04
E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru, ksbjurnal@inbox.uz